

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

А.А. ЯДГАРОВ

РЕАЛ СЕКТОРДА СИФАТНИ БОШҚАРИШ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2019

Реал секторда сифатни бошқариш. А.А.Ядгаров – Тошкент давлат иқтисодиёт университети – Т: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2019 -162 б.

Такризчилар:

- Б. Салимов – ТДИУ “Саноат иқтисодиёти” кафедраси профессори и.ф.д.
- А. Абдувалиев – ТДИУ ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот маркази директори ўринбоасари, и.ф.н.

Ушбу ўқув қўлланма “Реал секторда сифатни бошқариш” фани бўйича тайёрланган бўлиб, унда реал сектор корхоналарида сифат тизимини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Шунингдек, сифатни бошқаришнинг замонавий тизими, сифатни бошқаришда хорижий тажрибалар, сифатни бошқаришда стандартлаштириш ва унинг талаблари, метрологик фаолиятни ташкил этиши, маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари, корхоналарнинг ишлаб чиқариш тизими бошқарувида халқаро ISO стандартлари асосида сифат менежментини жорий этишнинг афзалликлари, сифатни бошқаришда стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрологик фаолиятни кенг жорий этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари келтириб ўтилган. Ушбу ўқув қўлланма реал сектор корхоналарида сифатни бошқариш фаолияти билан шуғулланувчи бўлимлар фаолиятида ҳамда сифатни бошқариш фаолиятига қизиқувчилар ҳамда 5A230102- “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” магистратура мутахассислиги талабаларининг билим, малака ва кўникмаларини ривожланишида ўзининг ижобий самарасини беради.

© Ядгаров Акрам Акбарович 2019

© “Иқтисодиёт” нашриёти, 2019

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	5
1-Боб. “Реал секторда сифатни бошқариш” фанининг предмети ва вазифалари	7
1.1 Реал секторда сифатни бошқариш – фани ўқув курси сифатида.....	7
1.2. Реал секторда сифатни бошқариш курсининг предмети.....	10
1.3. Ўзбекистон реал сектор корхоналарида сифатни бошқариш.....	14
2-Боб. Реал секторда маҳсулот сифатини бошқаришда миллий ва чет эл тажрибаси	21
2.1. Маҳсулот сифатини бошқариш тушунчаси ва моҳияти.....	21
2.2. Корхоналарда сифатни бошқаришга тизимли ёндашув ва АҚШ тажрибаси.....	23
2.3. Сифатни бошқаришда Япония тажрибаси.....	25
3-Боб. Стандартлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари	28
3.1. Стандартлаштириш–юқори сифатли маҳсулот тайёрлашнинг ташкилий-техникавий асоси.....	28
3.2. Стандартлаштиришнинг мақсадлари ва вазифалари.....	30
3.3. Стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар ва уларга қўйиладиган талаблар.....	33
3.4. Ўзбекистон Республикаси «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни ва унинг сифатни таъминлаш тизимини тартибга солишдаги роли.....	36
4-Боб. Реал сектор корхоналарида маҳсулотларини халқаро стандартлаштириш	45
4.1. Стандартлаштиришни шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиши.....	45
4.2. ISO-халқаро стандартлаш бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсади ва вазифалари.....	47
4.3. ISO-9001 сифат тизимини қўллашнинг хусусиятлари. Стандартлаш бўйича минтақавий ташкилотлар фаолиятининг хусусиятлари.....	52
5-Боб. Метрологиянинг ташкилий-ҳуқуқий асослари	59
5.1. Метрология соҳасидаги асосий тушунчалар.....	59
5.2. Маҳсулот сифатини таъминлашнинг метрологиянинг ҳуқуқий асослари.....	61
5.3. Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати тузилмаси.....	64
6-Боб. Реал секторда маҳсулотни сертификатлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари	71
6.1. Маҳсулотни сертификатлаш соҳасидаги асосий тушунчалар. Сертификатлаштиришнинг мақсади ва вазифалари.....	71

6.2.	Ўзбекистонда сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий асослари.....	74
6.3.	Сертификатлаштириш бўйича ишларини лицензиялаш.....	77
7-Боб.	Реал секторда сифат тизими ва ишлаб чиқаришни сертификатлашни ташкил этиш.....	82
7.1.	Сифат тизимини сертификатлашнинг мазмуни.....	82
7.2.	Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонада ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва ишлаб чиқариш жараёнининг таҳлили.....	84
7.3.	Хорижий мамлакатларда сертификатлаш тажрибаси (Германия, Франция ва Япония).....	86
8-Боб.	Реал секторда маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлиги.....	93
8.1.	Маҳсулот сифати иқтисодий категория сифатида ва унинг иқтисодиётдаги аҳамияти.....	93
8.2.	Маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини белгиловчи омиллар.....	95
8.3.	Маҳсулот сифатини ошириш иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг асосий услубий тамойиллари.....	96
9-Боб.	Реал секторда маҳсулот сифати орқали рақобатбардошликни оширишда EAN штрих кодларни жорий этиш.....	100
9.1.	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга штрихли кодлашни жорий этиш.....	100
9.2.	Штрих кодларни яратилиши ва уни халқаро савдога таъсири....	102
10-Боб.	Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимояланиши.....	104
10.1.	Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни ва унинг мазмуни.....	104
10.2.	Истеъмолчилар ҳуқуқлари ва ишлаб чиқарувчилар ҳамда товар тўғрисидаги ахборотнинг мазмуни.....	108
10.3.	Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишни давлат томонидан таъминлаш.....	113
11-Боб.	Реал сектор корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришида умумий ўлчов тизимини таъминлаш асосида сифатни ошириш.....	121
11.1.	Ўлчов сифати тушунчаси ва унинг моҳияти.....	121
11.2.	Ўлчов ҳолати хусусиятларининг тавсифи.....	123
ХУЛОСА		125
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати		126
Илова (Соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар).....		129

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасида қуйидаги фикрлари яъни, “Келгуси йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларни қайта бошлаймиз. Экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш лозим. Асосий мақсадларимиздан бири – ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни “Ўзбек бренди” номи билан олиб чиқишдан иборат” дея таъкидлаб ўтилган¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2935-сонли қарорига асосан 2017–2020 йилларда ҳудудлар кесимида 9158 та (2017 йилда 2096 та, 2018 йилда 2216 та, 2019 йилда 2387 та ва 2020 йил 2459 та), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари таркибига кирувчи 446 та (2017 йилда 96 та, 2018 йилда 105 та, 2019 йилда 121 та ва 2020 йил 124 та) корхоналарда менежмент тизимларини жорий этиш белгиланган.

2017–2020 йилларда полиз-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 80 та экспортёр корхоналарда ИСО 22000 стандартини жорий этиш (2017 йилда 25 та, 2018 йилда 16 та, 2019 йилда 18 та ва 2020 йил 21 та), энергия сарфи юқори бўлган 67 та корхоналарда ИСО 50001 стандартини жорий этиш (2017 йилда 23 та, 2018 йилда 22 та, 2019 йилда 12 та ва 2020 йил 10 та) режалаштирилган.

Олдинга қўйилган бундай вазифаларни амалга ошириш натижасида маҳаллий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш, уларнинг хорижий бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш маҳаллий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда қулайликларга эришиш каби ютуқларга эришилиши бегумон. Маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш стратегик муаммо бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг стабиллашуви бу муаммоларнинг ҳал этишига боғлиқдир. Сифатни яхшилаш жараёни маҳсулотни сотиш ёки хизматлар кўрсатишда фақат кўпроқ фойда олиш учунгина эмас, балки жамият учун, унинг равнақи учун ҳам зарурдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 23 декабрь, 2017 йил.

2017–2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада, кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади².

Ўзбекистон Республикасида халқаро стандарт талаблари асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология агентлиги амалга оширади. Республикада стандартлаштириш тартиби бир хил турдаги маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайд этиладиган стандартлаштириш қоидаларига мувофиқ келувчи тартибда амалга оширилади.

Ушбу ўқув қўлланмада бевосита реал сектор корхоналарида маҳсулот сифатини ошириш, сифатни бошқариш тизими, сифатни оширишда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалари бевосита ёритиб берилган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. «Халқ сўзи» Г.// 08.02.2017 й. №28 (6722).

1-Боб. “РЕАЛ СЕКТОРДА СИФАТНИ БОШҚАРИШ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. “Реал секторда сифатни бошқариш” фани – ўқув курси сифатида.

1.2. Реал секторда сифатни бошқариш фанининг предмети.

1.3. Ўзбекистон реал сектор корхоналарида сифатни бошқариш.

Таянч иборалар: сифат, рақобат, сифат тизими, сифатни бошқариш, сифат кўрсаткичлари.

Реал сектор корхоналари ўртасида кескин рақобат муҳитининг шаклланганлиги, айнан ишлаб чиқариш корхоналари олдида турган асосий вазифа сифатида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш долзарблигини белгилаб берди. Маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш, реал сектор тармоқлари корхоналари олдидаги муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг стабиллашуви ва стратегик муаммоларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш тармоқларида маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилашдаги муаммоларни тубдан ҳал этишига боғлиқдир. Реал сектор корхоналари ишлаб чиқаришида сифатни яхшилаш жараёни маҳсулотни ишлаб чиқаришдан тортиб, сотиш ёки хизматлар кўрсатиш ҳамда исътемоличига сифатли тарзда етказиб бериш, сифатли сервис хизматларини кўрсатиш орқали фақат фойда олиш учунгина эмас, балки аҳолининг эҳтиёжларини имкон қадар қондириш, шунингдек, жамият ва унинг равнақи учун ҳам зарур масалалардан биридир.

Харидор бирор-бир маҳсулотни харид қилишда унинг айнан ўзи учун наф келтириши билан бирга доимий фойдага эга бўлишини ҳам ҳисобга олган ҳолда маҳсулотни сотиш баҳосига қизиқиши табиий. Бироқ, харидор маҳсулотни сотиб олар экан, уни фақатгина зарур бўлгани учунгина эмас, балки ўзига ёққани учун ҳам сотиб олади ва келишилган ҳолда ҳақини тўлайди.

Харидор маҳсулотларнинг ташқи кўриниши, ундан фойдаланишнинг қулайлиги, хизмат кўрсатиш муддати, маҳсулотнинг техникавий тавсифи, кафолатли хизмат кўрсатиш шартлари кабилар товарнинг баҳосини белгилашда муҳим омил ҳисобланиб, харидор товарни “ўзининг маълум эҳтиёжларни қондиради”, деган яхши бир ният билан харид қилади. Бозор

иқтисодиётининг муҳим талабларидан бири ишлаб чиқарилган товар сотилишининг муҳим шартлари сифатида харидорга ишончли ва кафолатланган сифатли маҳсулотни тақдим этишдир.

Дунёнинг тараққий этган кўпгина мамлакатлари ривожланишга туртки бўлаётган омил асосан рақобатдир. Ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШ, Европа давлатлари, Япония, Корея ва Хитой, Россия давлатларида рақобатнинг кучлилиги эвазига ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида юқори натижага эришилмоқда. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонунияти айнан, рақобатбардош товарлар ва хизматларни истеъмолчига таклиф қилиш орқали юқори фойда олишга интилиш ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган товарлар рақобатбардошлигини ошириш асосий муаммодир. Ушбу масалани ҳал этиш бугунги кунда ички ва ташқи бозорда Ўзбекистон товарларининг мажбури янада оширади ва миллий иқтисодиётда пайдо бўлган барча муаммоларни ижобий ҳал этишга йўл очади.

Ҳозирги пайтда аксарият кўп турдаги товарларимиз ички бозоримизда хорижий товарлар билан рақобатлаша олиши қийин кечмоқда. Эркин иқтисодиётга асосланган шароитда, саноат корхоналарининг асосий эътибори корхона ишлаб чиқаришида сифатни бошқаришга қаратилган бўлиши кераклиги, шу орқали ишлаб чиқарувчилар барча рақобатчиларга қарши кураша оладилар ва истеъмолчиларнинг ҳар қандай талабларига тўлиқ жавоб бера олиш имкониятини қўлга киритадилар. Рақобатнинг бугунги олтин қондасига айланган **“сифат масаласи”** муҳим воситалардан бири сифатида юқори сифатли маҳсулот ва хизматларни таклиф этиш орқали рақобатбардошликни оширувчи энг асосий кўрсаткичлар бири ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан маълумки, ишлаб чиқарувчи корхоналар муайян даражада сифатни таъминламай, истеъмолчилар талабларини қондирмай туриб иқтисодиётда ҳеч қандай ютуқ ва юқори фойдага эриша олмасликлари амалда ўз исботини топмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, халқаро ҳамжамият тараққиётида интеграцион жараёнлар шуни тақозо этадики, бунда маҳсулот ва хизматлар сифатини бошқариш, саноат тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарнинг барча мақсадларига эришишида ва обрў-эътибор топишида энг асосий

йўналиш бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида “Сифатни бошқариш” фанини ўқитишнинг жорий қилиниши асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 августдаги 183-сонли қарори меъёрий ҳужжат сифатида туртки бўлди ва бунга мувофиқ барча олий ўқув ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув жараёнига “Сифат менежменти” ёки “Реал секторда сифатни бошқариш” фанларини кенг татбиқ этилиши муносабати билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ўзбекистон Республикасида Халқаро стандартларга мос равишда сифат менежментини жорий қилиш” режаси ишлаб чиқилди ҳамда олий таълимнинг ўқув режаларига киритилди.

Олий таълим тизимига “Реал секторда сифатни бошқариш” фанининг жорий қилиниши, ўз навбатида: реал сектор тармоқлари корхоналарида сифатни бошқаришнинг мазмун моҳияти; сифатни бошқаришда халқаро тажрибалар, маҳсулотларни стандартлаштириш; маҳсулотларни сертификатлаш; метрология хизматларини ташкил этиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва сифатни бошқаришда умумий ўлчов тизимини тартибга солиш каби йўналишларни кенгроқ ёритиш билан бирга, корхоналарда сифатни назорат қилиш ва бошқарув масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

Сифатни бошқариш соҳасида рўй бераётган барча янгиликлардан хабардор бўлиш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тўғри тушуниб етиш, сифатни бошқаришдаги муаммоларни оқилона ҳал этиш реал сектордаги тармоқ ва корхоналар, фирмалар, йирик ишлаб чиқариш мажмуалари олдида турган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш учун сифатни бошқариш соҳасидаги билимларни ўзлаштириш ва уни чуқур эгаллашни талаб этади.

“Реал секторда сифатни бошқариш” фани эса корхонадаги муҳим муаммоларини ўрганишда ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини таъминлаш асосида ишлаб чиқаришда иштирок этадиган ходимлар, хомашё ресурслари ҳамда техника ва технологиянинг самарали ишлашини таъминлаб берадиган йўллариини белгилаб берадиган фанлар сирасига киритиш мумкин.


“Реал секторда сифатни бошқариш” фанининг предмети деганда корхоналарда сифатни бошқаришнинг объектив иқтисодий қонунлари ва зарурий қоидаларнинг шу соҳада намоён бўлиш

шакллари, реал сектор тармоқлари корхонларида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида жонли ва буюмлашган меҳнатнинг энг оптимал тарзда сифатни тўғри бошқариш ва назоратни таъминлаш асосида харажатларни қисқартириш ҳамда энг юқори натижаларга эришишни таъминлайдиган шарт-шароитлар ва омилларни ўрганиш тушунилади.

Бозор муносабатлари шароитида республикамизда фаолият юритаётган корхоналарнинг олдида турган асосий муаммоларидан бири сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолининг эҳтиёжларини сифатли таъминлашдан иборат. Бу муаммони ечиш корхонанинг ҳозирги ва кейинги ривожланишини белгилаб беради.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида кўплаб корхоналар сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Чунки, корхонанинг товар ва хизматлар бозорида рақобат устунлигига эга бўлишлари сифатли товарларни истеъмолчиларга таклиф қилишларига қараб белгиланади. Бу жараёнда рақобатбардошлик қуйидаги икки омилга: яъни, маҳсулотнинг қиймат даражаси ва сифат даражасига боғлиқ. Рақобатбардошликдаги иккинчи омил, яъни сифат даражаси секин-аста биринчи ўринга чиқади. Меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурсларини иқтисод қилиш сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш асосида шаклланади.

Сифат – корхонанинг эътиборли жиҳати ёки обрўси, даромадни оширувчи, корхонанинг барқарор ўсишини таъминловчи муҳим омил бўлиб, корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришида ходимлардан самарали фойдаланишни йўлга қуйишида ҳамда раҳбардан тортиб, то аниқ ишни бажарувчи ходимгача боғлиқдир.



1-расм. Корхонада сифатни таъминлаш учбурчаги

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, корхонада сифатни таъминлаш учбурчаги келтирилган бўлиб, унга кўра сифатни таъминлаш жараёни, корхонада маҳсулотни сифатли қилиб тайёрлаш учун иш сифати ва ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатини яхшилашга узвий боғлиқ.

Сифатн бошқариш муҳим стратегик масалалардан биридир, барча турдаги истеъмолчилар учун нафли бўлиб, бир томондан уларни қизиқтирса, иккинчи томондан барча сифатнинг аҳамияти янада юқори. Барчанинг бирдек мақсади сифат рейтингини янада оширишдир³.

Маҳсулот сифати — корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Маҳсулот сифатини ошириш корхонанинг товар ва хизматлар бозоридаги юқори устуворлигини таъминлаб бериш билан бирга, илмий-техник тараққиётнинг ўсиш суръатини, корхона самарадорлиги ўсишини, корхона ишлаб чиқаришида барча турдаги ресурслардан тежаб фойдаланишни юзага келтиради.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диферсификациялаш шароитида маҳсулот сифатини яхшилаш корхона ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий меҳнатнинг тежалиши, асосан, сифатли маҳсулотни истеъмол қилиш соҳасида юзага келади.

Сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш эса ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг техник–иқтисодий кўрсаткичларида, шунингдек, айрим ишчи-хизматчиларнинг меҳнат унумдорлигида ҳам ўз аксини топади. Маҳсулот сифатининг яхшиланиши ҳисобига корхонада ижтимоий меҳнат унумдорлиги ортади. Яъни, бир хил ҳажмда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифат кўрсаткичлари яхшиланиши ҳисобига шу маҳсулот бирлигининг баҳоси ортиб, товар маҳсулоти қиймати кўпаяди.

Корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши натижасида ва ишчилар сони ўзгармаган ҳолда, товар маҳсулоти қийматининг ортиши ҳар бир ишчига тўғри келадиган ўртача товар маҳсулоти кўпайишига ва меҳнат унумдорлиги кўтарилишига олиб келади. Корхона томонидан таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш стратегик муаммо бўлиб, мамлакатимиз

³David Hoyle. ISO 9000 Quality systems Handbook. Fourth Edition.Oxford. 2001. ISBN 07506 4451 6. 11 page.

иқтисодиётининг стабиллашуви бу муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқдир. Сифатни яхшилаш жараёни маҳсулотни сотиш ёки хизматлар кўрсатишда фақатгина кўпроқ фойда олиш учунгина эмас, балки жамият учун, унинг равнақи учун ҳам зарурдир.

Сифатга яна қуйидагича таъриф бериш мумкин, яъни сифат-кенг сиғимли, мураккаб ва универсал категория бўлиб, у кўплаб хусусият ва жиҳатларга эгадир. Ундан қайси мақсадда фойдаланишига қараб сифат тушунчасининг қуйидаги жиҳатлари намоён бўлади: фалсафий, ижтимоий, техникавий, иқтисодий ва ҳуқуқий.

2-расмда сифат тушунчасини намоён этувчи асосий жиҳатлари келтирилган бўлиб, унга кўра сифатни барча хусусиятлари қуйида очиб берилган.

Сифатга фалсафий нуқтаи назардан қараганда сифат аниқ мазмун ва моҳиятига эга бўлиб, бошқалардан фарқ қилади. Авваламбор, унинг айрим хусусиятлари ва бошқалардан фарқи намоён бўлишига қарамай, улар ўзаро узвий боғлиқликда эканлигидир. Сифат кўплаб хусусиятлар мажмуасидан таркиб топади, улар чексиз бўлишлари ҳам мумкин. Бу эса моддий манбаларга ва турлича дунёқарашларга асос бўла олади.



2-расм. Сифат тушунчасини намоён этувчи асосий жиҳатлари

Сифат тушунчасининг ижтимоий жиҳатлари муайян субъект билан ёки жамият билан боғлиқ бўлиб, у истёъмолчилар ва

маҳсулот (хизматлар) орасидаги муносабатдир. Бу ерда сифат аниқ бир категория кўринишида намоён бўлиб харидорларнинг талаб ва таклиф қонуниятларига жавоб берган ҳолда харидорларнинг маънавий дунёқараши, ижтимоий маданияти ва иқтисодий даромадларига бевосита боғлиқ бўлади.

Сифат тушунчасининг техник жиҳатлари ўрганилаётган объектнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари билан боғлиқдир. Бу ерда физикавий, электрокимёвий ва механик ўзгаришлар бир турдаги вазифани бажарувчи маҳсулот (моддалар) хусусияти ҳақида сўз юритилади.

Сифат тушунчасига муҳандислик нуқтаи-назаридан қараганда ўрганилаётган маҳсулот сифати ва хусусиятлари аниқ маҳсулот эталонлари билан таққослаб ўрганилиши назарда тутилади.

Сифат тушунчасига иқтисодий нуқтаи назардан олганда сифат-ўрганилаётган манбанинг истеъмол хусусиятлари ва қийматини намоён этади.

Сифат тизимини жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган етакчи мутахассис, америкалик олим Д. Джуранни сифат-“фойдаланиш (истеъмол) учун яроқлик” деган тушунчани фанга киритган. Бу тушунча ўзига хос тўртта элементдан ташкил топган:

- Маҳсулот шакли, тузилишини (дизайни) истеъмолчилар ўзларида идрок қилишлари;
- Маҳсулотнинг лойиҳаси ва вазифасига мослиги;
- Маҳсулотнинг истеъмолчиларга маъқуллиги, чидамлилиги ва таъмирлаш мумкинлиги;
- Маиший хизмат корхоналарининг мавжудлиги.

Немис тадқиқотчилари сифатга қуйдагича: “Сифат – маҳсулот ёки хизматлардаги барча хусусиятларининг йиғиндиси бўлиб, улар ўз вазифаларини бажара олишларини кафолатлайди” деб таъриф берадилар.

Фан-техника тараққиёти билан бирга, барча тараққиётларнинг сифат ҳақидаги фикрлари турли-туман бўлишига қарамай, улар доимо бир-бирларини тўлдириб келмоқда ва ҳеч қачон қарама-қарши бўлмаган. Бозор рақобатчилиги даврида товар ва хизматлар турлари қанчалик кўпайиб борар экан, сифат тўғрисидаги тасаввуримиз ҳам ўзгариб бораверади.

Сифат ўзининг ҳақиқий мазмуни ва моҳиятини “сифат ҳалқаси” деб номланган, товар ва хизматларнинг ҳаётий жараёнида тўла ифодаланади.

Маҳсулот сифатини бошқариш – маҳсулот сифати даражасини жорий қилиш, таъминлаш ва зарурий даражада ушлаб туриш мақсадида лойиҳалаш, тайёрлаш ва фойдаланиш (ёки истеъмол қилиш) пайтида амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуасидир.

Сифатнинг зарурий даражасини жорий этиш тадқиқот қилиш ва лойиҳалаш босқичида мамлакат ҳамда хориждаги энг илғор илмий-техникавий ютуқлар таҳлили асосида амалга оширилади. Мазкур босқичда сифатни бошқариш муҳим аҳамиятга эга, чунки шу ерда бўлажак маҳсулотнинг асосий техникавий-иқтисодий ва фойдаланиш кўрсаткичлари ҳисобланади ва уларга асос қўйилади. Бу кўрсаткичлар истеъмолчиларнинг замонавий талабларидан юқорироқ бўлиши керак, чунки, янги маҳсулот савдо соҳасига чиққунча унинг сифат кўрсаткичлари маънавий эскириб қолиши мумкин.



3-расм. Сифат ҳалқасининг кетма-кет тарзда тузилиши

Маҳсулот сифатини таъминлаш – ишлаб чиқариш босқичида амалга оширилади. Бу ерда маҳсулот сифати маҳсулотни тайёрлаш меъёрий-техникавий ҳужжатлар, жиҳозлар, ускуна ва асбоблар, олинадиган хом ашё, материал ва жамловчи буюмлар сифати билан аниқланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини баҳолаш мезони сифатида амалдаги техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар лойиҳа ҳужжатларда, яъни биринчи босқичда кўзда тутилган мос кўрсаткичларга мувофиқлик даражаси хизмат қилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини сақлаб туриш

айланиш ва сотиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш босқичларида амалга оширилади. Маҳсулот айланиши ва сотилишида сифатни сақлаш ва транспортлаш сифатларидан йиғилади. Истеъмолчи томонидан фойдаланиш жараёнида маҳсулот сифатига келганда, фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатлари, фойдаланиш ва таъмирлаш жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материаллар сифатларига ҳамда фойдаланувчи ва таъмирловчи ходимлар малакасига боғлиқ. Фойдаланишда маҳсулот сифатини баҳолаш мезони унинг кўрсаткичлари илова қилинган техникавий ҳужжатларда қайд қилинган мос кўрсаткичларга, яъни қондириши зарур бўлган амалий эҳтиёжларга мувофиқлиги даражасидир, деб баҳоланади.

Айтиб ўтилган босқичлар маҳсулотнинг ҳаётий циклини ташкил қилади. Унинг фойдаланиш босқичидаги муддати ҳар бир босқичда эришилган сифат даражасига боғлиқ.



4-расм. Маҳсулотнинг ҳаётий цикли

Маҳсулот сифатига илмий тадқиқотлар, конструкторлик технологик ишланмаларда асос солинади, фойдаланишда эса улар рўёбга чиқади.

Маҳсулот сифатини жорий қилиш, таъминлаш ва сақлаб туришнинг асосий босқичларини тавсифловчи “сифат сиртмоғи” мавжуд. Бу босқичларга:

- маҳсулотга бўлган талаблар, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини олдиндан кўриш (маркетинг тадқиқотлари);
- илмий-техникавий тараққиёт ютуқларини ҳисобга олиб, олий сифат даражасини шакллантириш, меъёрий-техникавий ҳужжатларни тайёрлаш;
- ишлаб чиқарувчи корхона имкониятларини таҳлил қилиш;

- сифатли хомашё, материал, жамловчи буюмлар билан моддий-техникавий таъминлаш;

- ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш, технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, жиҳоз, ускуна ва асбоблар билан таъминлаш;

- тегишли меъёрий-техникавий ҳужжатлар ва стандартларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш;

- техникавий назорат ва синаш, тайёрлаш сифатини баҳолаш;

- тайёр маҳсулотни сақлаш, транспортлаш ва сотиш жараёнларида унинг сифатини сақлаб қолиш;

- тайёр маҳсулотни монтаж қилиш ва ундан фойдаланиш, хизмат қилиш ва таъмирлаш, сифатини таъминлаш, истеъмолчи маҳсулот сифати билан қониққанлиги даражасини баҳолаш. Маҳсулот ҳаётий циклининг охириги босқичи уни фойдаланишга тиклаш (утилизация) ва қайта тикланган моддалардан тўлиқ фойдаланишдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ривожланишда, дунё бозорида илдам қатнашишда товарлар сифатини кўтариб, уларни рақобатбардош товарларга айлантириш энг долзарб муаммолардан биридир. Рақобат – бу эркин тадбиркорликнинг ажралмас бир бўлагидир.

Товарнинг сифати айнан рақобатбардошликни оширишда ва рақобатбардошлигини ўрганиш мураккаб жараён бўлиб, ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:

- товарни сотиш бозорини ўрганиш;

- рақиблар ҳақида маълумотлар йиғиш;

- истеъмолчилар талабларини ўрганиш;

- рақобатбардошлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқариш ва бозорга синов сотишлари билан чиқиш ҳақидаги қарор.

Бу масалаларни ҳал қилиш корхонада товар рақобатбардошлиги даражасини баҳолашнинг узлуксиз тизимини яратишни талаб қилади.

Ҳар қандай товар бозорга чиқиши биланок ўз рақобат қобилиятини йўқота бошлайди, бу жараённи секинлатиш мумкин, бу иқтисодий фойда ва олдинги буюм рақобат қобилиятини тўла

йўқотиш пайтигача бозорга янги товар билан чиқиш имкониятини беради.

Рақобат сўзи лотинчадан олинган бўлиб, мақсадга эришиш учун курашишни билдиради. Бозорда рақибларнинг мақсади харидорни товарни харид қилишга жалб қилишдан иборат.

Товар рақобатбардошлигининг асосий шарти қуйидаги кўринишга эга бўлган худди шундай товарга нисбатан энг катта ялпи фойдали самарадан иборат:

$$K = P/C \longrightarrow \max$$

бу ерда: P – товарнинг фойдали самараси;

C – товарни харид қилиш ва фойдаланишга оид харажатлар (сотиб олиш харажатлари);

Товарнинг рақобатбардошлилигини баҳолаш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- бозорни таҳлил қилиб, ўзимизнинг товаримизга ўхшаш намунасини топиб олиш;

- бизнинг товар билан солиштириладиган товарлардаги асосий кўрсаткичларни белгилаш;

- ўзимизнинг товаримиздаги интеграл рақобатбардошлик хусусиятини аниқлаш.

П.С. Завялов фикрича, «Рақобатбардошлик деганда, товарнинг бозорда харидоргирлигини таъминлайдиган истеъмол ва қиймат тавсифлари мажмуини, яъни ўхшаш рақобатчи товарларни айирбошлаганга таклиф катта бўлган шароитларда худди шу товарни пулга айирбошланиш қобилиятини тушунмоқ лозим»⁴.

Харидорнинг харажатлари икки қисмдан ташкил топади, унинг бир қисмини харид харажатлари (товар нархи), иккинчи қисмини уни истеъмол этиш билан боғлиқ харажатлар ташкил этади.

Рақобатбардошлик кенг тушунча бўлиб, унга кўплаб омиллар таъсир этади.

Фирманинг рақобатбардошлиги даражасини баҳолашда тармоқ бозорида рақобат кураши жадаллигини белгилайдиган омиллар таҳлил учун асос сифатида хизмат қилади. Бу омилларга қуйидагилар киради:

1. Рақобатчи фирмалар сони ва уларнинг қиёсий қуввати;

⁴Philip Kotler, Kevin Lane Keller. Marketing management. 12 th edition. 2010 by Pearson Education, Inc.p. 369-373.

2. Рақиблар ҳаракатларининг диверсификациялашуви даражаси;

3. Бозордаги талаб ҳажмини ўрганиш;

4. Маҳсулотнинг табақалашуви даражаси;

5. Истеъмолчининг бир ишлаб чиқарувчидан бошқасига кўчиш ҳаракатлари;

6. Бозордан чиқиб кетиш тўсиқлари ва уларнинг даражаси;

7. Бозорга кириб келиш ва унинг даражаси;

8. Ёндош тармоқ бозорларидаги вазият;

9. Рақиблар стратегиясидаги фарқлар;

10. Ушбу бозорда рақобат учун алоҳида сабабларнинг бўлиши, рақобат даражаси бозорнинг алоҳида бир жалб этувчанлик ёки аксинча, бездирувчанлик хусусиятлари билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар — ўзининг белгиланган вазифаси, қўлланилиши, сифат ва техник хусусиятлари, нархи ҳамда бошқа параметрлари бўйича таққосланиши мумкин бўлган шундай товарларки, уларни олувчи истеъмол қилиш чоғида бир товарни бошқасига ҳақиқатан ҳам алмаштиради ёки алмаштиришга тайёр бўлади;

- инсофсиз рақобат — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

- иқтисодий концентрация — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устунлигига олиб келадиган, товар ёки молия бозоридаги рақобатнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган битимлар тузиш ва (ёки) бошқа ҳаракатларни содир этиш;

- иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш — хўжалик юритувчи субъектлар ҳаракатларини бундай хўжалик юритувчи субъектлардан бирортаси билан ҳам бир шахслар гуруҳига қирмайдиган юридик ёки жисмоний шахс билан келишиб олиш;

- камситувчи шартлар (шароитлар) — товар ёки молия бозорига кириш, товарни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, олиш, реализация қилиш, ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш шартлари

(шароитлари) бўлиб, улар бошқа тенг шартларда (шароитларда) битта ёки бир нечта хўжалик юритувчи субъектни ўзга хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) билан таққослаганда тенг бўлмаган ҳолатга солиб қўяди;

- келишиб олинган ҳаракатлар — товар ёки молия бозорида икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг бозорнинг мазкур иштирокчиларидан ҳар бирининг манфаатларини қаноатлантирадиган ва улардан ҳар бирига олдиндан маълум бўлган, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

- молия бозори — банклар ҳамда бошқа кредит, суғурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади;

- нотўғри таққослаш — рақобатчилар ёки бошқа шахслар томонидан тарқатиладиган, товар ёки молия бозорида айрим хўжалик юритувчи субъектга афзалликлар яратадиган ёхуд хўжалик юритувчи субъектни (рақобатчини) ёки рақобатчи ишлаб чиқарган товарни ёмонловчи ёлғон, ноаниқ ёки бузиб таққослаш;

- рақобат — хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди⁵.

Ж.Ж.Ламбен рақобатли афзалликларни иккита кенг категорияларга гуруҳлайди — ташқи ва ички рақобатли афзалликлар, яъни фирма ва товарнинг рақобатдошлигини тавсифловчи рақобатли афзалликлардир. Ташқи рақобатли афзаллик товарнинг «бозор кучини ифодалайди, яъни у бозорни имтиёзли рақобатчидагига нисбатан юқорироқ сотиш нархларини қабул қилишга мажбур қила олади ва мавжуд товарлардан норози бўлган харидорларнинг истакларини аниқлаш ва қондиришдаги

⁵ Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисидаги Қонуни”. //Халқ сўзи, 2012-йил, 6 январь.

афзалликларга таянади. Ички рақобатли афзаллик фирманинг ишлаб чиқариш харажатлари, рақобатчидан кўра камроқ таннархга эришишга имкон берувчи ва ишлаб чиқарувчи учун қиймат ҳосил қилувчи товарга асосланган ҳамда сотиш нархларининг бозор ёки рақобат томонидан пасайтирилишига кўпроқ даражада бардошли қилувчи юқорироқ унумдорлик оқибатидир»⁶.

Товарнинг жалб этувчанлиги ва рақобатбардошлигини ифодаловчи омиллар классификацияси схемасини занжир кўринишида кўрсатиш мумкин: нарх – сифат – сервис – маркетинг муҳити.

Рақобатбардошлик сифат ва қиймат омиллари билан боғлиқдир. Улар сифат, иқтисодиёт ва маркетинг кўрсаткичлари ёрдами билан тўлиқ тавсифланиши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Сифат деганда нимани тушунаси?
2. Сифат ва сифатни бошқариш тушунчалар фарқлари нимадан иборат?
3. Сифатни бошқариш схемасининг таҳлили.
4. Корхонада маҳсулот турларини баён қилинг.
5. Сифатни ошириш ғояси нимадан иборат?
6. Сифатнинг қандай хусусиятлари мавжуд ?

⁶Ламбен Ж.Ж. Стратегический маркетинг. М.: Прогресс, 2008, 164-бет.

2-боб. РЕАЛ СЕКТОРДА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШДА МИЛЛИЙ ВА ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ

2.1. Маҳсулот сифатини бошқариш тушунчаси ва моҳияти.

2.2. Корхоналарда сифатни бошқаришга тизимли ёндашув ва АҚШ тажрибаси.

2.3. Сифатни бошқаришда Япония тажрибаси.

Таянч иборалар: сифатни бошқариш, умумжаҳон сифатни бошқариш, сифатни бошқаришнинг АҚШ ва Япония тажрибаси.

Сифатни бошқариш ҳар қандай бошқариш тизимида объект ва бошқариш дастури ҳамда бошқарувчи таъсирлар мавжуд. Объект сифатини бошқариш тизимига унинг сифати билан боғлиқ бўлган ҳаётий цикли ҳар бир босқичнинг жараёнлари киради. Бошқарувчи таъсирлар бошқарилаётган жараённинг ҳақиқий ҳолати бошқариш дастури жорий қилган ҳолат билан қиёслаш асосида ишлаб чиқилади. Бошқариш дастури сифатида маҳсулот сифати кўрсаткичлари қийматларини белгилловчи меъёрий ҳужжатлар ва маҳсулотни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш, фойдаланиш ёки истеъмол қилишга бўлган талабларни белгилайдиган техникавий ҳужжатлар хизмат қилади.

Доимий тарзда сифатни ошириш жараёнида ISO 9001 умумий сифатни бошқариш тизими талабларига мос тарзда барча корхоналарда сифатни бошқариш орқали самарадорликни таъминлашга эришилади⁷.

Бошқарувчи таъсирлар асосида сифатни бошқариш тизимида иккита масалани ечиши мумкин:

- бошқарилаётган жараёни бошқариш дастури жорий қилган ҳолатда сақлаб туриш, яъни ишлаб чиқариш тизимини режалаштирилган сифат даражасида маҳсулот чиқаришни таъминлайдиган барқарор ҳолатда сақлаб туриш;

- бошқарилаётган жараён ҳолатини тўғрилаб туриш, яъни ишлаб чиқариш тизимини замонавийлаштирилган ёки юқорироқ техникавий даражали ва сифатли янги маҳсулот чиқаришни таъминлайдиган юқорироқ даражага кўтариш.

Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни қуйидаги операция (ҳаракат) лардан иборат:

⁷David Hoyle. ISO 9000 Quality systems Handbook. Fourth Edition. Oxford. 2001. ISBN 07506 4451 6. 172 page.

○ сифатни бошқариш дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни режалаштириш;

○ маҳсулот сифатига таъсир қилувчи ҳар қандай бошқарилаётган жараён ҳолати ҳақида ахборот олиш ва уни таҳлил қилиш;

○ сифатни бошқаришга оид қарорлар қабул қилиш ва объектга қилинадиган бошқарувчи таъсирларни тайёрлаш;

○ бошқарувчи таъсирларни чиқариш;

○ бошқарувчи таъсирлар юзага келтирган маҳсулот сифати кўрсаткичларининг ўзгаришлари ҳақида ахборот олиш ва уни таҳлил қилиш.

Маҳсулот сифатининг режаси талаблар тавсифи ва ҳажми (маркетинг тадқиқотлар) ҳамда аниқ корхона (ёки корхоналар мажмуаси) нинг техникавий, иқтисодий ва ташкилий имкониятлари асосида аниқланади.

Бу асосда ишлаб чиқаришнинг конструкторлик ва технологик тайёргарлиги, зарурий миқдорда маҳсулот чиқариш бошланади.

Маҳсулот сифати ҳақида маълумот, одатда, бир неча каналлар орқали келади (қайтма алоқа). Асосий шаклда иккита асосий канал кўрсатилган:

- биринчи канал маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқариш даражасида ишлайди (ишлаб чиқарувчи корхонадаги сифат назорати);

- иккинчи канал фойдаланиш доирасидаги маҳсулот сифати ҳақида маълумотни узатади.

Маҳсулотнинг ҳақиқий сифати тўғрисидаги маълумот режалаштирилган сифат кўрсаткичлари билан солиштирилади. Қиёслаш натижалари бўйича сифатни сақлаб туриш ёки кўтариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар маҳсулот сифатига таъсир этувчи турли омиллар ўзгартирилишини назарда тутди. Бу омилларни *техникавий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий*ларга ажратиш мумкин.

Техникавий омиллар: технологик жиҳозлар, ускуналар, асбоб назорат воситалари ҳолати; дастлабки материаллар, хом ашё жамловчи буюмлар сифати; техникавий ҳужжатлар ва бошқалар ҳолати ва сифатидан иборат.

Ташкилий омиллар гуруҳига:

○ ишнинг мунтазамлиги ва бир маромдалиги;

- жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш;
- материал, жамловчи буюмлар, ускуналар, асбоблар, назорат воситалари ва техникавий ҳужжатлар билан таъминланганлик
- меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш; ишда овқатланиш ва дам олишни ташкил этиш ва бошқалар.

Иқтисодий омиллар: меҳнатга ҳақ тўлаш шакли; иш ҳақининг миқдори; юқори сифатли маҳсулот ва иш учун мукофотлаш; яроқсиз маҳсулот учун маошдан чегириб қолиш; маҳсулот таннарни ва нархи; сифат даражаси ва бошқалар.

Ижтимоий омиллар гуруҳи: кадрларни танлаш, жойлаш ва иш жойини ўзгартириш; малака оширишни ташкил қилиш; илмий-техникавий ижод, рационаллаштириш ва ихтирочилик, турар-жой, маиший шароитлар, жамоадаги ўзаро муносабатлар, психологик иқлим ва бошқалар.

Маҳсулот сифатини бошқариш мезонлари. Ҳар қандай бошқариш тизими унинг иши самаралилигини аниқловчи бошқариш мезонларига эгадир. Бизнинг мисолимизда маҳсулот сифати, юқорида айтилгандек унинг вазифасига мувофиқ маълум эҳтиёжларни қондириш қобилияти билан тавсифланади.

Сифатни бошқариш масаласидан келиб чиқиб, бу хусусиятларни бошқариш мезонларидек қабул қилиш мумкин. Масалан, материаллар сарфланишини камайтириш керак бўлса, мезон сифатида машинанинг массаси қабул қилинади. Ишончлилиكنи ошириш керак бўлса, мезон сифатида машина тўхтаб қолмаслиги ва бошқалар қабул қилинади.

АҚШ фирмаларининг характерли томони шуки, улар ишлаб чиқаришнинг айрим участкаларида тажрибавий тўғараклар ташкил қилишади ва ижобий натижадан сўнгина уни кенг кўламда жорий қила бошлайдилар.

АҚШ да тўғарак аъзолари иш вақтида ҳафтасига бир марта 1 соат ичида йиғилишади, тўғаракнинг ишлари эса ишдан ташқари пайтда ўтказилиб, уларга оширилган ставкаларда ҳақ тўланади.

Аксарият ҳолларда АҚШ фирмаларидаги сифат тўғараклари 1,5-2 йил мобайнида фаолият юритадилар, холос. Бунга асосий сабаб фирма раҳбарлари томонидан уларни буткул қўллашнинг йўқлиги, тўғарак аъзоларининг қўшимча харажатлар билан боғлиқ таклифларнинг қондиравермаслиги ва ўқитиш тизимининг етарли даражада мукамал эмаслигидадир. Шунинг учун ҳозирга келиб, уларга маълум талаблар қўйилиши кераклигини ҳаётнинг ўзи талаб

қилмоқда.

АҚШ да сифат тўғаракларидаги ташкилий гуруҳларга қўйиладиган талаблар:

1. Тўғаракда қатнашиш ихтиёрий бўлиши лозим. Тўғарак аъзолари ва уларнинг раҳбарлари ҳал қилинувчи муаммоларни ўзлари танлайдилар.

Тўғаракда фақат маъмуриятга тегишли муаммолар қўрилмайди. Тўғаракнинг тузилишида муоммоларни ҳал қилиш принципларини ўрганадилар, бу ўз навбатида тўғаракнинг келгусидаги ишларини муваффақиятли бўлишига асос бўлади. Тўғарак қатнашчилари иш вақтида йиғилишади (ҳафтасига 1 соат). Йиғилишнинг умумлашган тартиби, очиш, янги аъзоларни қабул қилиш, умумий тавсифга эга бўлган янгиликлар ва ташкилий масалалар – 5 дақиқа, тўғарак ишининг ҳафталик якуни – 5 дақиқа, маҳорат оширишда янгиликлар ва янги материаллар ўрганиш ҳақида – 5 дақиқа, амалий масалаларга қўлланувчи янги ўзлаштирилган билимлар – 5 дақиқа.

2. Тўғарак раҳбарлари етарли малакага эга бўлмоғи, ишонч қозонмоқлиги ва тўғаракни бошқаришга ихтиёрий розиликларини бермоғи лозим. Улар фирма бошлиқлари ва касаба уюшмалари билан алоқада бўлишлари шарт.

3. Ҳамма даражадаги мутахассислар техникавий маслаҳатчилар сифат тўғараги ишига ёрдам беришга мажбурдирлар, уларнинг илтимосига биноан мажлисларга қатнашиши ҳам мумкин.

4. Кичик ва ўрта ҳолдаги фирмалар ўзларининг сифат тўғараги ишларини мувофиқлаштирувчи ходимига эга бўлади, катта фирмаларда эса бундай шахслар ва ундан ортиқни ташкил этиши мумкин. Мувофиқлаштирувчи ходим сифат тўғараги ва тўғараклар орасида ҳамда раҳбарият ўртасидаги алоқа ўрнатувчи шахсдир.

5. Фирма таркибидаги ўрта раҳбарлар усталар, технологлар томонидан доимий ҳимоя қилинади.

6. Фирманинг энг юқори раҳбарияти томонидан сифат тўғаракларининг режаларини ҳимоя қилиш кафолатланади.

АҚШ да ўз режаларига эга бўлган 300 та сифат тўғаракларида ўтказилган сўроқлаш натижалари қуйидагиларни кўрсатади. Сифат тўғарагининг имкониятлари қанақа деган саволга фирмалар қуйидагича жавоб беришди (фоиз ҳисобига):

“чегарасиз” – 0,

“фавкулотда самарадор” – 37,

“яхши, ҳамма вақт эмас” – 32,

“яхши, лекин ютуқ бундан ортиқ бўлиши мумкин эди” – 8,

“жуда чегарали, ютуғи эса кафолатсиз” – 1.

Сифат тўғарақларининг самарадорлиги ҳақидаги фикр жуда эътиборга сазовордир, сўралганлардан 30 фоизи ҳар бир сарфланган доллар эвазига 1 доллардан 3 долларгача ойлик тариқасида, 10 фоизи эса 4 дан 12 долларгача олганликларни айтдилар. Сўралганларнинг 48 фоизи эса ўзларининг бу масалада аниқ маълумотлари йўқлигини кўрсатди, фақатгина фоизи эса бу ҳаракатлар ўзини ўзи оклай олмайди, деб жавоб берди.

Япония давлати дунёдаги ривожланган мамлакатлар ичида ажралиб туради. Бу ерда сифат тўғарагига алоҳида эътибор билан қарайди. 60-йиллар бошида Японияда биринчи марта сифат тўғараги вужудга келди. Бунинг сабаби бор, албатта Япония жойлашишига қараб аҳолиси зич яшайдиган географик объект бўлиб, ўзининг ер ости бойликларига деярли эга эмас.

Ҳудудининг тахминан 70 фоизи тоғликларни ташкил этган бўлиб, саноатининг ривожланишида ўзининг хомашёсига умид боғлаши ўринсиз бўлар эди. Бу ҳолда Япония ўз халқини озиқ-овқат билан таъминлай олмас, саноатни эса етарли даражада ривожлантира олмасди. Саноат ва энергетика учун ташқаридан келтириладиган хомашё тилла, қимматбаҳо тошлар ва экспорт маҳсулотлари билан тўланиши мумкин эди.

Япония учун танлов йўқ эди: на тилла, на қимматбаҳо тош унинг ер ости бойликларида мавжуд эди. Демак, экспорт. Бундан бошқа йўли йўқ. Хуллас, Япония оғир шароитларга бардош бера оладиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бутун, ҳозирги вақтда Япония дунё экспортидаги маҳсулотларнинг 70 фоиздан ортиқ асосий хилига етакчилик қилмоқда. Буларга дастгоҳлар, оптика асбоблари, радиоприёмниклар, фотоаппаратлар, кемалар, енгил ва юк ташувчи автомобиллар, телевизорлар, видео-магнитофонлар, оргтехника маҳсулотлари, соатлар, ғилдираклар, сунъий толадан бўлган матолар, пўлат тахталар ва бошқалар киради.

1962 йилдан бошлаб Японияда “Усталар ва бригадалар учун сифатни бошқариш” журнали чиқа бошлади. Бундан мақсад журнал саҳифаларида босилиб чиқадиган материаллар ва мақолалар орқали сифатни бошқариш тизимидаги янгиликларни кўпчилликка,

айниқса, ишчиларга ўз вақтида етказиш, баъзи кўрсатмаларни тушунарли бўлишини таъминлаш. Бундан ташқари, қуйидаги муҳим масалаларга жиддий эътибор бериш белгиланган:

- сифат назорати соҳасида ишлайдиган ходимларнинг малакаси ва лаёқатлилигини ошириш;
- сифат назорати усулларни тарғибот қилиш;
- тингловчилар учун ҳар бир цех миқёсида, сифат тўғараги деб аталувчи, цехларда сифат назоратини такомиллаштиришга асос бўлувчи тўғараклар ташкил қилиш.

Натижада Япониядаги воқеалар қуйидагича ривожланди: 1967 йил, июнь ойида 10 мингга яқин шундай тўғараклар қайд қилинган бўлса, 1969 йилда бу рақам мингга, 1979 йилнинг июнь ойида 100 мингга ташкил қилади. 1987 йил март ойида Японияда сифат тўғараги ўзининг 5 йиллигини нишонлади. Бу даврга келиб сифат тўғаракларининг сони 50 мингга ташкил қилиб, бу кўрсаткич ҳар йили 10 мингга ошиб бормоқда. Унинг қатнашчиларининг сони эса миллиондан ошиб кетди. Шунини алоҳида айтиш лозимки, Япониядаги тўғараклар ўз олдига ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ҳисобига маҳсулот сифатини тубдан оширишни мақсад қилиб қўйишган.

Япония усулининг яна бир характерли тарафи тўғаракларнинг ишларини мунтазам равишда олимлар ва муҳандислар Иттифоқи томонидан кузатилади, ўрганилади ва таҳлил қилиниб борилади. Сўнгги маълумотларга қараганда, сифат тўғаракларининг 50 фоиздан ортиғи юқори раҳбарларнинг ташаббуси орқали ташкил қилинади. Тўғарак ташкилотчиларининг мақсадига кўра, қуйидаги умумлашган тўғараклар ташкил қилинган:

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш (31,6 фоиз), маҳсулот сифатини яхшилаш (16,4 фоиз), сифатга бўлган харажатларни камайтириш (13,8 фоиз). Тахминан 38 фоиз тўғараклар бир йилда иккита мавзуни, 16,5 фоизи учта мавзуни ва тахминан 3 фоизни 1 мавзуни ишлаб чиқади.

Ҳозирга вақтда сифат тўғараклари Америка Қўшма Штатларида, Европа мамлакатларида ҳамда Хитой Халқ Республикасида ҳам фаол ишлаб турибди.

Назорат учун саволлар:

1. Корхоналарда сифатни бошқаришга қандай тизимли ёндашув зарур?
2. Умумжаҳон сифатни бошқариш тушунчаси ва унинг мазмунини ёритиб беринг.
3. Сифатни бошқаришда АҚШ тажрибаси нимадан иборат?
4. Сифатни бошқаришнинг Япония тажрибаси нимадан иборат?

3-Боб. СТАНДАРЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

3.1. Стандартлаштириш – юқори сифатли маҳсулот тайёрлашнинг ташкилий-техникавий асоси.

3.2. Стандартлаштиришнинг мақсадлари ва вазифалари.

3.3. Стандартлаштириш бўйича норматив хужжатлар ва уларга қўйиладиган талаблар.

3.4. Ўзбекистон Республикаси «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни ва унинг сифатни таъминлаш тизимини тартибга солишдаги роли.

Таянч иборалар: стандартлаштириш асосида сифатни бошқариш, стандартлаштириш бўйича норматив хужжатлар, стандартлаштириш тўғрисида қонун.

“Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир. Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг 21 минг стандартидан атиги 13 фоизи мамлакатимизда жорий этилган, холос”⁸.

Реал сектор корхоналарида халқаро стандартлар асосида юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиш анча кучли бўлиб, ишлаб чиқариш туфайли имкон қадар кўп даромад олиш каби пировард молиявий натижаларга эришилаётганини таъкидлаш жоиз.

2017–2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.// Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

Натижада, кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади⁹.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 28 апрель куни «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификация агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» ги қарорни имзолади¹⁰.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг устувор вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

➤ маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентларни жадал жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш;

➤ маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини биринчи навбатда экспорт қилувчи корхоналарда кенг жорий этиш ва саноат маҳсулотларини халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлаштиришни амалга ошириш;

➤ экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулотларни сертификатлаштириш масалаларида қулай шароитларни яратиш, миллий сертификатлар ва мувофиқликни баҳолаш ишлари натижалари асосий экспорт бозорларида тан олинishiга йўналтирилган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш.

Стандарт – бу кўпчилик манфаатдор томонлар келишуви

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. «Халқ сўзи» Г.// 08.02.2017 й. №28 (6722).

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 28 апрель куни «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификация агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» ги қарори. // Халқ сўзи, Г. 29.04.2017 йил.

асосида ишлаб чиқилган ва маълум соҳаларда энг маъқул даражали тартиблаштиришга йўналтирилган ҳамда фаолиятнинг ҳар хил турлари ёки натижаларига тегишли бўлган умумий ва такрор қўлланиладиган қоидалар, умумий қонун-қоидалар, тавсифлар, талаблар ва усуллар белгиланган ва тан олинган идора томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатдир.

Стандартлар фан, техника ва тажрибаларнинг умумлаштирилган натижаларига асосланган ва жамият учун юқори даражадаги фойдага эришишга йўналтирилган бўлиши керак.

Стандартлар даражасига қараб, халқаро, минтақавий давлатлараро, миллий ва корхона миқёсида фаолият кўрсатади.

Бизни ўраб турган заминда маҳсулот ва уни ишлаб чиқариш жараёнлари бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланиб, инсонларнинг йўлини тўғри танлашда стандартлардан фойдаланиш замон талабидир¹¹.

Давлат стандартлари маҳсулотни ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришга қўйиш босқичида янги маҳсулотларнинг юқори сифатли турларини яратиш ва ўзлаштиришни тезлаштиришга, ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларни яхшилашга йўналтирилган.

Стандартлаштириш – мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан умумий ва кўп марта тадбиқ этиладиган талабларни белгилаш орқали маълум соҳада энг маъқул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган илмий техникавий фаолиятдир.

Бу фаолият стандартларни ва техникавий талабларни ишлаб чиқишда, наشر этишда ва тадбиқ этишда намоён бўлади. Стандартлаштиришнинг муҳим натижалари одатда маҳсулот, жараён ва хизматларнинг белгиланган вазифага мос келиши, савдодаги тўсиқларни бартараф қилиш ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликка кўмаклашишда намоён бўлади. Одатда, стандартлаштириш объекти сифатида стандартлаштириладиган нарса (маҳсулот, жараён, хизмат) тушунилади.

Стандартлаштириш тизими янги буюмга ўз вақтида юқори сифатли лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлар бериш, корхонанинг янги маҳсулотини берилган сифат кўрсаткичларига асосан тайёрлашни ва зарур бўлса маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олиб

¹¹Quality systems and standards for a competitive edge. J. Luis Guasch, Jean-Louis Racine, Isabel Sánchez, Makhtar Diop. 2007. NW Washington, DC 20433. ISBN-13: 978-0-8213-6894.

ташлашни белгилаб беради.

Стандартлаштириш бўйича халқаро, минтақавий, миллий стандартлаштириш идоралари фаолият олиб боришади.

Халқаро стандартлаштириш фаолиятида барча мамлакатларнинг тегишли идоралари эркин ҳолда иштирок этишлари мумкин.

Минтақавий стандартлаштириш деганда дунё миқёсида биргина географик ёки иқтисодий минтақасига қарашли мамлакатларнинг тегишли идоралари учун эркин ҳолда иштирок этишлари мумкин бўлган стандартлаштириш тушунилади.

Миллий стандартлаштириш – бу муайян бир мамлакат доирасида ўтказиладиган стандартлаштириш фаолиятidir.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш.

“Стандартлаштириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ "Ўзстандарт" агентлиги стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий қоидаларини, манфаатдор томонларнинг давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорликдаги ишининг шакл ва усулларини белгилайди.

“Ўзстандарт” агентлиги”, “Давархитектқурилиш” қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш ишларини бажаришни бошқа ташкилотларга топширишга ҳақлидирлар.

Стандартларни тасдиқлаган органлар стандартларга доир тармоқ ахборот жамғармаларини ҳосил қиладилар ва юритадилар ҳамда манфаатдор истеъмолчиларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига доир ахборотлар билан, шунингдек, стандартлаштириш соҳасидаги халқаро шартномалар, техник-иқтисодий ҳамда ижтимоий ахборот давлат классификаторлари, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларига оид ахборотлар билан таъминлайдилар.

Стандартларни нашр қилиш ва қайта нашр этишни уларни тасдиқлаган органлар амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият

кўрсатади.

Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

- халқ хўжалиги тармоқларида – Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт” агентлиги);

- қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда – Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (“Давархитектқурилиш” қўмитаси);

- табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида – Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси);

- тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббий техника ашёлари, дори-дармонлар соҳасида ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек, импорт бўйича республикага етказиб берилаётган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

Ушбу қонунга мувофиқ, давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни (бундан буён матнда “стандартлар” деб юритилади), шунингдек ушбу қонунни қўллашга доир йўриқномалар ва изохларни ишлаб чиқадиладар, тасдиқлайдилар, нашр этадилар.

Хўжалик фаолияти субъектлари стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан давлат назоратини “Ўздавстандарт” агентлиги”, “Давархитектқурилиш” қўмитаси, “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, шунингдек, бошқа махсус вакил қилинган давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Идоравий бўйсунуви ва мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик фаолияти субъектларининг, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг маҳсулоти, шу жумладан, сертификатлаштирилган маҳсулот (ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва чиқиндини

фойдали сурада ишлатиш босқичларида) давлат назорати объекти ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти субъектлари давлат назоратини амалга ошириш учун барча зарур шароитни яратишлари шарт.

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини қуйидаги органлар амалга оширадilar:

- стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори;

- стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари;

- стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича давлат инспекторлари.

Ўзбекистон Республикасида халқаро стандарт талаблари асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология агентлиги амалга оширади. Республикада стандартлаштириш тартиби бир хил турдаги маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайд этиладиган стандартлаштириш қоидаларига мувофиқ келувчи тартибда амалга оширилади.

Стандартлаштириш таърифи — ҳақиқатда амалга ошириладиган ёки потенциал масалаларга нисбатан кўплаб марта фойдаланиш учун маълум шартларни ўрнатиш орқали оптимал даражада тартибга солишга эришишдир¹².

Стандартлаштириш ва сифат самарадорлиги иқтисодий самарадорликка олиб келади. Стандартлар кўплаб вазифаларни бажаради. Иқтисодиёт масшабининг турли-туманлиги айнан сифатнинг кафолати ва хавфсизлиги, маҳсулот ва уни ишлаб чиқариш жараёнидаги ахборотларнинг тўғри бериладиганлигига боғлиқ¹³.

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” ги қонуни. 28.12.1993 йил.

¹³Quality systems and standards for a competitive edge. J. Luis Guasch, Jean-Louis Racine, Isabel Sánchez, Makhtar Diop. 2007. NW Washington, DC 20433. ISBN-13: 978-0-8213-6894.

Стандартлар фан, техника ва тажрибаларнинг умумлаштирилган натижаларига асосланган ҳамда жамият учун юқори даражадаги фойдага эришишга йўналтирилган бўлиши керак. Стандартлар даражасига қараб халқаро, минтақавий, давлатлараро, миллий ва корхона миқёсида фаолият юритади. Стандартлар маҳсулотни ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришга қўйиш босқичида янги маҳсулотларнинг юқори сифатдаги турларини яратиш ва уларни ўзлаштиришни тезлатишга, ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи ва истеъмолчи ораларидаги муносабатларни яхшилашга йўналтирилган.

Стандартлаштириш тизими янги буюмга ўз вақтида юқори сифатли лойиҳа-конструкторлик ҳужжатларини бериш, корхонанинг янги маҳсулотини берилган сифат кўрсаткичларига асосан тайёрлашни ва керак бўлса, маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олиб ташлашни таъминлайди.

Стандартлаштириш маҳсулот муомалада бўлганида ва сотиш босқичларида маҳсулотни жойлаштиришда яхши тартиб ва шароитлар яратишга, юклашга ва жойлаштиришга, тўғри сақлашга, буюмни транспортда ташиш, тарқатиш талабларини сотиш ташкилотларига белгилаб беради.

Стандартлаштиришни техника тараққиётида ва ишлаб чиқаришда энг рационал жорий қилиш – маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат харажатларини ва моддий ресурслар сарфини камайтиришнинг таъсирчан воситаларидан бири сифатида кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида 1993 йилнинг 28 декабрида метрология ва сертификатлаштириш бўйича қабул қилинган қонунлар билан бир қаторда, “Стандартлаштириш ҳақида” қонун ҳам қабул қилинди. Бу қонун республикамізда стандартлаштириш соҳаси ва стандартлаштириш тизими учун асосий қонуний асослардан ҳисобланади.

Қонуннинг 2-моддасида стандарт сўзига таъриф берилган бўлиб, унда кўпчилик манфаатдор томонлар келишуви асосида ишлаб чиқарилган ва маълум соҳаларда энг мақбул даражали тартиблаштиришга йўналтирилган ҳамда фаолиятнинг ҳар хил турларига ёки натижаларига тегишли бўлган умумий ва такрор қўлланиладиган қоидалар, умумий қонун-қоидалар, тавсифлар ва усуллар белгиланган ва тан олинган идора томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Бугунги кунда стандартлар асосан фан, техника ва тажрибаларнинг умумлаштирилган натижаларига асосланган ва жамият учун юқори даражадаги фойдага эришишга йўналтирилган бўлиши керакдир.

Мамлакат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг сифатини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар томонидан амалга оширилади¹⁴.

Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги томонидан қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

➤ озиқ-овқат маҳсулотининг ҳар хил турларини бир хил номда давлат рўйхатидан ўтказиш;

➤ айти бир турдаги озиқ-овқат маҳсулотини бир хил ёки ҳар хил номлар билан қайта-қайта рўйхатдан ўтказиш;

➤ таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган озиқ-овқатларни, овқатга қўшиладиган озиқ-овқат қўшимчалари, ембоп қўшимчалар ва биологик фаол қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир қуйидаги тоифадаги меъёрий ҳужжатлар қўлланилади:

- халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари;
- тармоқ стандартлари;
- техник шартлар;
- корхона стандартлари;
- хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари;
- маъмурий-ҳудудий стандартлар.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, 30.08.1997 й.

Давлат ягона ва узлуксиз таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек, стандартлаштириш қоидалари, нормалари, техник-иктисодий ахборот классификаторлари ҳам киради. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби “Ўзстандарт” томонидан белгиланади.

Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек, халқаро қоидалар ва нормалар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Ушбу стандартлар, қоидалар ва нормаларни республика ҳудудида қўллаш тартибини “Ўзстандарт” ва давлат бошқарувининг бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида белгилайдилар. Улар халқаро савдо-сотиқ учун ортиқча тўсқинликларни вужудга келтирмаслиги лозим.

Стандартлаштиришга доир меъёрий ҳужжатлар ватанимиз ҳамда чет эл фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим. Улар халқаро савдо-сотиқ учун ортиқча тўсқинликларни вужудга келтирмаслиги лозим. Меъёрий ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари ҳимоя қилинишини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қила олиш имконини таъминлаш учун асосли ҳолларда стандартларда истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талаблар белгилаб қўйилади.

Истеъмолчиларга реализация қилинадиган маҳсулотга доир стандартлар ва уларга киритилган ўзгаришлар “Ўзстандарт” органларида ҳақ олмасдан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. “Ўзстандарт” органларида рўйхатдан ўтган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар давлат ахборот жамғармасини ташкил этади.

Стандартларга мос ҳолда маҳсулотнинг атроф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавфсизлигини таъминлаш учун, техникавий ва ахборот жиҳатдан маҳсулотнинг

бир-бирига мос келиши ва ўзаро алмашинувчанлигини, уларни назорат қилиш усуллари бирлиги ва тамғалаш бирлигини таъминлаш учун стандартларда белгиланадиган талаблар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа талаблар давлат бошқарув органлари, хўжалик фаолияти субъектлари риоя этиш учун мажбурийдир¹⁵.

Стандартларда маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш шартномасига киритилган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Импорт маҳсулот, башарти у Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган стандартларнинг мажбурий талаблар қисмига мувофиқлиги тасдиқланмаган бўлса, етказиб берилиши ва белгиланган мақсадда ишлатилиши мумкин эмас.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар сертификатлаштиришни амалга оширишда риоя этиладиган талабларни, шунингдек, ушбу талабларга мувофиқликни назорат қилиш ва синаш усуллари ўз ичига олиши лозим. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар маҳсулотнинг мазкур турини сертификатлаштириш тизимида белгиланган қоида ва тартибларга мувофиқ қўлланилиши лозим.

Стандартлаштириш ишларининг жаҳон тажрибаси шунини кўрсатадики, стандартларнинг юқори сифатли ва самарали бўлишини таъминлаш учун уларнинг ишлаб чиқиш босқичида қуйидаги мажбурий тамойилларини бажариш шарт:

1. Тизимлилилик тамойили бунда техник тараққиёт ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг ортиши кишиларнинг меҳнати, меҳнат воситалари ҳамда меҳнат предметларини бирлаштирувчи ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан системали ёндошувни тақозо этади. Бунда кўзланган мақсадга максимал самарадорлик ва энг кам харажатлар билан эришишни таъминлайдиган ўзаро боғланган элементлар тўпламининг фаолияти тушунилади. Элементлар тизимининг миқдорий алоқалари тасодифий бўлиши мумкин.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” ги қонуни. 28.12.1993 йил.

2. Стандартларни оптималлаштириш ва прогрессивлик тамойида – стандартлар томонидан ўрнатилган кўрсаткичлар, меъёрлар, тавсифлар ва шартлар фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг жаҳон даражасига жавоб бериши керак. Улар стандартлаштирилаётган объектларнинг ривожланиш йўналишларини эътиборга олишлари шарт. Фақатгина маҳсулотнинг янги сифат самарадорлигини эмас, балки энг кам сарф-харажатлар билан юқори самарадорликка эришишни таъминлашга ҳам асосланган бўлиши керак.


3. Стандартлаштирилаётган маҳсулотнинг боғлиқлигини таъминлаш тамойида маҳсулотлар эксплуатация қилиш кўрсаткичлари бўйича бир-бирининг ўрнини босишни таъминлашга имкон берувчи бу принцип комплекс стандартлаштиришда, шунингдек, маҳсулотларни стандартлаштиришда, техник шартларни ишлаб чиқишда асосий ўрин тутади.

4. Комплекслик ва оптимал чегараланиш тамойида стандартларни ишлаб чиқишда стандартлаштиришнинг якуний объектига таъсир этувчи барча асосий элементларни эътиборга олиш керак. Стандартлаштириш ишларини меҳнат сарфини қисқартириш учун асосий объектга унчалик таъсир кўрсатмайдиган омиллар эътиборга олинмайди.

Стандартлаштиришда моддий ва моддий бўлмаган ўзаро боғланган элементлар комплексига талаб ва тавсифлар тизими кўриб чиқилади.

Юқори сифатли маҳсулот олиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш шарт-шароитларини яратиш учун ҳаёт циклининг барча босқичлари: лойиҳалаш, серияли ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотни эксплуатация қилишни қамраб оладиган рационал стандартлар тизими зарурдир.

5. Стандартларни ишлаб чиқишнинг илмий тадқиқот тамойида стандартларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ва муваффақиятли татбиқ этиш учун фақатгина амалий тажрибани кенг умумлаштиришига эмас, балки махсус назарий, экспериментал ва тажриба конструкторлик ишларини ҳам амалга ошириш зарурдир. Бу тамойил барча стандартларга тегишлидир.



5-расм. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт” агентлиги)нинг ташкилий тузилмаси

Давлат стандартлаштириш тизимининг вазифаларига қуйидагилар киради:

■ Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият юритади.

■ Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

■ халқ хўжалиги тармоқларида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт” агентлиги);

■ қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (“ЎзДавархитектқурилиш” қўмитаси);

■ табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси);


■ тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббий техника ашёлари, дори-дармонлар соҳасида ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек, импорт бўйича республикага етказиб берилаётган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.



6-расм. “Ўздавстандарт” агентлиги томонидан стандартларни ишлаб чиқиш жараёни

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, стандартлаштириш, метрология ва

сертификатлаштириш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш учун махсус ваколат берилган Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органи ҳисобланади.



7-расм. Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар фонди¹⁶


"Ўзстандарт" агентлиги Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

"Ўзстандарт" агентлиги тизимида қуйидагилар киради:

- ☐ Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари;
- ☐ Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ҳамда унинг ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари:
- ☐ Метрология хизматлари кўрсатиш маркази;
- ☐ Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти;
- ☐ Миллий эталонлар маркази;
- ☐ Штрихли кодлаштириш маркази;
- ☐ Ахборот-маълумотлар маркази.
- ☐ Ҳудудий бошқармалар икки томонлама бўйсундилар

¹⁶ "Ўзстандарт" агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

ҳамда Агентликка ва тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органига ҳисоб берадилар¹⁷.



8-расм. Саноат тармоқларида ISO халқаро стандартларда белгиланган талабларига мувофиқ сифат менежменти тизими бўйича сертификатлаштирилган корхоналарнинг ўсиш динамикаси

Бугунги кунда мамлакатимиз саноат тармоқларида ISO халқаро стандартларда белгиланган талабларига мувофиқ, сифат менежменти тизими бўйича сертификатлаштирилган корхоналарнинг ўсиш динамикасини таҳлилий кўрадиган бўлсак, 2012 йилда жами 709 та корхонада ISO халқаро стандартларда белгиланган талабларига мувофиқ сифат менежменти тизими бўйича сертификатлаштирилган корхоналар мавжуд бўлса, 01.01.2018 йил ҳолатига кўра, ўсиш тенденцияси таъминланиб, уларнинг сони 6457 тага етди. Бу ҳолатни ҳозирги кунда ижобий деб баҳоласак бўлади, бироқ республикаимиз корхоналарининг атиги 9 фоизигина қамраб олинган.

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан ISO халқаро стандартларда белгиланган талабларига мувофиқ сифат менежменти тизими бўйича сертификатлаштирилган корхоналарнинг стандартлаш-

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” ги қонуни. 28.12.1993 йил.

тириш бўйича меъёрий ҳужжатлари фонди келтирилган бўлиб, унга кўра жами стандартлар фонди 70406 тани ташкил этмоқда.

2-жадвал

Халқаро стандартларни жорий этишнинг мақсадли кўрсаткичлари

№	Комплекслар номи	Ишлаб чиқиладиган стандартлар сони				
		Жами	01.01.2017	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020
1	Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш	71	36	19	7	9
2	Машинасозлик	43	13	13	9	8
3	Ижтимоий соҳа	10	2	3	3	2
4	Комунал ва транспорт	7	2	2	2	1
5	ЁЭК(ТЭК)	28	14	7	5	2
6	Таълим, маданият ва спорт	9	4	1	2	2
7	АКТ	6	2	2	1	1
Жами		174	76	42	21	35

Халқаро стандартларни жорий этишнинг мақсадли кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, унга кўра, 2020 йилга бориб комплекслар бўйича жами 35 халқаро стандартлар жорий этилиши режалаштирилмоқда.

Мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ишлари бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Ички бозор ва экспортга сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида 125 та корхонада ISO-9001 халқаро сифат стандарти ва 200 дан ортиқ корхонада маҳсулот ҳавфсизлигининг ISO-22000 халқаро стандарти жорий этилган. Хорижий ва маҳаллий инвестициялар эвазига янги корхоналар ташкил қилиниб, мавжуд қувватлар изчил модернизация қилинаётгани ютуқлар гарови бўлмоқда.

“Ўзстандарт” агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига ва бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

“Ўзстандарт” агентлиги ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади¹⁸.

Ушбу агентлик мамлакатимизда стандартлаштириш ишларини белгиланган талаб доирасида амалга ошириб келмоқда.

Иқтисодий ўсишга стандартларнинг таъсири. Ўсиш темпи шуни тахмин қилиш мумкинки, инновация ва техник ўзгаришлар, технологик илғор тажрибалар таъсири стандартларга боғлиқ¹⁹.

Стандартлар даражасига қараб, халқаро, минтақавий давлатлараро, миллий ва корхона миқёсида фаолият кўрсатади. Давлат стандартлари маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни ишлаб чиқаришга қўйиш босқичида янги маҳсулотларнинг юқори сифатли турларини яратиш ва ўзлаштиришни тезлаштиришга, ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи ва истеъмолчи ораларидаги муносабатларни яширишга йўналтирилган.

Назорат учун саволлар

1. Стандартлар нима сабабдан қўлланилади?
2. Стандартлар қандай муаммоларни ҳал этадилар?
3. Қандай стандартлар ташкил қилинади?
4. Стандарт маъноси нимадан иборат?
5. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонуннинг аҳамияти нимада?

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” ги қонуни. 28.12.1993 йил.

¹⁹Quality systems and standards for a competitive edge. J. Luis Guasch, Jean-Louis Racine, Isabel Sánchez, Makhtar Diop. 2007. NW Washington, DC 20433. ISBN-13: 978-0-8213-6894.

4-боб. РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ

4.1. Стандартлаштиришнинг шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиши.

4.2. ISO – халқаро стандартлаш бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсади ва вазифалари.

4.3. ISO-9001 сифат тизимини қўллашнинг хусусиятлари. Стандартлаш бўйича минтақавий ташкилотлар фаолиятининг хусусиятлари (ИСО, МЭК, СЕН, СЕНЭЛЕК ва бошқалар).

Таянч иборалар: сифатни бошқаришда халқаро стандартлар, ISO-9001 сифат тизими, ИСО, МЭК, СЕН, СЕНЭЛЕК

Европа иттифоқининг стандартлаштириш соҳасидаги фаолияти мазкур иттифокни таъсис этиш тўғрисидаги Рим шартномасининг 100 моддасига асосланади. Ушбу шартнома Европа иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ҳуқуқий, маъмурий қарорларини яқинлаштиришни кўзда тутди.

Европа иттифоқининг 1985 йил 7 майдаги “Техник уйғунлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасига янгича ёндошув тўғрисида”ги қорорида Европа иттифоқи кенгаши қуйидаги тамойилларни белгилаб берди:

- Рим шартномасининг 100-моддасига мувофиқ директивалар миқёсида асосий хавфсизлик талабларини ўрнатиш орқали ҳуқуқий ҳолатларни уйғунлаштириш чекланади. Бу ҳолат мазкур маҳсулот учун Европа иттифоқи миқёсида эркин савдо шароитлари таъминланиши зарурлигини англатади;

- саноат буюмларини стандартлаштирувчи маъсул органларга технологияларни ривожланиш даражасини эътиборга олган ҳолда техник регламентларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилади. Мазкур техник регламентлар директиваларда белгиланган умумий талабларга амал қилган ҳолдагина маҳсулотни ишлаб чиқариш зарурлигини белгилаб беради.

- мазкур техник регламентлар мажбурий характерга эга бўлмайди, фақат ихтиёрий қўлланиладиган стандартлар ҳисобланади;

- бироқ маъмуриятга бир даврнинг ўзида уйғунлаштирилган стандартлар асосида директиваларда белгиланган умумий талаблар асосида маҳсулотнинг мувофиқлигини белгилаш вазифаси юклатилади. Бу ҳолат ишлаб чиқарувчида стандартларга мувофиқ

ҳолда маҳсулотни ишлаб чиқариш имконияти мавжудлигини билдиради. Шу билан бир қаторда, ушбу ҳолатда ишлаб чиқарувчига маҳсулотнинг директиваларнинг умумий талабларига мувофиқлигини исботлаш вазифаси юклатилади.

ISO 9001:2000 стандарти бошқа стандартларга кўра юқори баҳоланади ва у бошқа стандартлар яратилишининг асоси ҳисобланади²⁰.

АҚШ да сертификатлаштириш буйича ишларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб турли хил турдаги маҳсулотларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги бир қатор қонунлар ҳисобланади.

Ушбу қонунларга асосан маҳсулот миллий стандартлар таъсири остида бўлса ёки маҳсулот давлат ташкилотлари томонидан ҳам ички ҳам ташқи бозорларда харид қилинса, маҳсулотни сертификатлаштириш мажбурий тарзда амалга оширилади. Бундай маҳсулот федерал меъёрий ҳужжатларга мувофиқликка текширилади.

АҚШ га импорт қилинаётган товарлар қуйидаги ҳолатларда божхона ҳудудига киритилмайди:

- истеъмол товарлари хавфсизлиги бўйича қоидаларга мувофиқ келмаса;
- зарур бўлган сертификатлар ва белгилар мавжуд бўлмаса ёки товарларнинг этикеткаси қонуннинг мос келадиган бўлимлари талабларига мувофиқ келмаса.

АҚШ нинг федерал ҳукумати товарлар ва хизматларни сертификатлаштириш бўйича учта асосий тоифадаги дастурни тасдиқлаган.

Биринчи тоифадаги дастурлар ҳам якка ҳолда ҳам жамоат истеъмолида фойдаланганда соғлиқка зарар етказадиган ва хавфсизликка таҳдид қиладиган товарларни мажбурий сертификатлаштириш учун мўлжалланган.

Иккинчи тоифадаги дастурлар маҳсулот намуналари ёки ишлаб чиқаришни текшириш йўли билан ишлаб чиқарувчиларни ҳар бир маҳсулот бирлигини текшириш заруриятидан озод қилади.

Учинчи тоифадаги дастурлар маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш шароитларини объектив баҳолашни, ушбу маҳсулотлар билан савдо қилишнинг зарурий шарти сифатида қарайди.

²⁰ Quality systems and standards for a competitive edge. J. Luis Guasch, Jean-Louis Racine, Isabel Sánchez, Makhtar Diop. 2007. NW Washington, DC 20433. ISBN-13: 978-0-8213-6894.

Иккинчи ва учинчи тоифадаги дастурлар мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштиришда қўлланилади.

Биринчи тоифадаги дастурлар миқёсида ишлаб чиқарувчининг ташаббуси билан авиастия техникаси, кемалар, доклар, автомобиллар, контейнерлар, шу жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контейнерлари, магистрал трубопроводлар сертификатланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар хавфсизлиги бўйича бошқарманинг сертификатлаштириш дастурлари фақат инсонлар истеъмол қиладиган эмас, балки хайвонлар истеъмол қиладиган маҳсулотларнинг синовларини ўз ичига олади. Дори-дармонлар ва тиббиёт техникаси фақат хавфсизлиги бўйича эмас, балки самарадорлиги бўйича ҳам синаб кўрилади.

Иккинчи тоифадаги дастурлар мудофаа Департаменти, транспорт Департаменти, савдо Департаменти, қишлоқ электрлаштириш Бошқармаси каби давлат ташкилотлари томонидан маҳсулотларни сертификатлаштиришни кўзда тутди.

Ушбу дастурларга асосан агар маҳсулот ҳукумат ташкилотлари томонидан давлат маблағлари ҳисобига қилинса сертификатлаштириш мажбурий ҳисобланади.

Иккинчи тоифадаги дастурларга асосан 1300 турдаги маҳсулот сертификатлаштириш синовларидан ўтади. Ушбу тоифадаги дастурда автомобиль ҳайдовчиларини мастлик даражасини аниқлаш бўйича асбобларни, қўл ва моторлаштирилган ногиронлар аравачаларини сертификатлаштириш дастурлари кўзда тутилган.

Учинчи тоифадаги дастурлар ихтиёрий ҳисобланади. Улар қишлоқ хўжалик Департаменти томонидан тухум, табака, мевалар, сабзавотлар, гўшт (шу жумладан, парранда гўшти), сут маҳсулотлари, скипидар ва канифол, ҳамда савдо Департаменти томонидан балиқ ва моллюскалар учун ишлаб чиқилади.

Биринчи стандартлаштириш миллий ташкилоти – Британия Ассоциацияси (British Engineezing Standards Accociation) 1901 йилда ташкил этилган бўлиб, биров кейинроқ, биринчи жаҳон уруши даврида Дания бюроси, Германия қўмитаси (1918 й.), Америка Қўмитаси (1918 й.) ва бошқалар ташкил топди.

Стандартлаштириш соҳасидаги ишлар халқаро марказ кераклигини тақозо қилди. Шу мақсадда 1926 йили стандартлаштириш миллий ташкилотларнинг Халқаро

Ассоциацияси (ИСА) пайдо бўлди. ИСА нинг таркибига 20 мамлакат вакиллари кирди. 1938 йили Берлин шаҳрида стандартлаштириш бўйича Халқаро съезд очилди. Унда техниканинг турли соҳалари бўйича 32 та қўмита ва кичик қўмиталар тузилди. 1939 йили бошланган иккинчи жаҳон уриши ИСАнинг фаолиятини тўхтатиб қўйди.

Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот ташкилоти (Interntioal Standards Organizarion) 1946 йилда 25 та мамлакатнинг миллий стандартлаш ташкилотлари томонидан ташкил этилди ҳамда қисқача ИСО деб юритила бошлади. Амалда бу ташкилот ўз фаолиятини 1947 йилда бошлади. Бу ташкилот тузишда унинг номи барча тилларда бир хилда номланишига эътибор бермади. Ташкилотнинг номини грекча суз “isos” – тенг деб номланади. Шу сабабли халқаро стандартлаш ташкилоти номи қисқача қилиниб ISO деб номлади. Бу нуфузли ташкилот Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеяси таркибида фолият кўрсатиб, ривож топмоқда.

ISO ташкилотининг фаолият соҳаси электротехника ва электроникадан ташқари барча соҳаларни қамраб олади. Электротехника ва электроника соҳаси бўйича ишлар халқаро электротехника комиссияси МЕС амалга оширади. ISO ташкилоти стандартидан ташқари сертификациялаш билан ҳам шуғулланади. ISO ташкилоти товар ва хизматлар билан халқаро айирбошлашни таъминлаш техникавий ва иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича стандартлаш ишларини амалга оширади.

Стандартлаштиришнинг асосий объектлари ва стандартлар сони ISO ташкилотининг манфаатлари қўламини белгилаб беради.

Машинасозлик, кимё, нометалл материаллар, рудалар ва металлар, ахборот техникаси, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, махсус техника ва бошқалар. Стандартларни ишлаб чиқишда ISO ташкилот барча манфаатдор томонларга яъни маҳсулотлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчиларнинг, истеъмолчиларнинг ҳукумат органларининг, илмий техникавий ва жамоат ташкилотларини манфаатларини эътиборга олади.

Ҳозирги кунда ISO ташкилотининг таркибига 120 та мамлакат ўзининг миллий стандартлаш ташкилотлари билан аъзо бўлган. ISO таркибига ҳаммаси бўлиб 80 дан ортиқ аъзо комитетлар киради.

Аъзо комитетлардан ташқари аъзоликка даъвогар бўлган ривожланаётган мамлакатларнинг стандартлаш ташкилотлари ҳам мавжуддир.

ISO ташкилоти раҳбарлик ва ишчи органларидан иборатдир. Раҳбар органларига Бош Ассамблея (Олий Орган) кенгаш ва техник бошқарув бюросидан иборатдир.

Ишчи органларига техник комитетлар қуйи комитетлар ва техник маслаҳат гуруҳлари киради. ISO ташкилотининг кенгашига 7 та комитет буйсунади.

1. ПЛАКО – техник бюро
2. СТАКО – стандартлашнинг илмий тамойилларини ўрганувчи комитет
3. КАСКО – мувофиқликни баҳолаш комитети
4. ИНКО – илмий техникавий ахборот комитети Бош ассамблея ИСО Кенгаши

- СТАКО
- ПЛАКО
- КАСКО
- ИНФКО
- ДЕВКО
- КОПОЛКО
- РЕМКО:

- Ижро бюроси
- Марказий котибият
- Техник комитетлар
- Қуйи комитетлар
- Ишчи гуруҳлар

5. ДЕВКО – ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатувчи ташкилот

6. КОПОЛКО – истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилувчи комитет

7. РЕМКО – стандарт намуналари бўйича комитет.

ISO ташкилотининг расмий тиллари бўлиб, инглиз, рус, француз тиллари ҳисобланади. Ҳозирги кунда ISO халқаро стандартларини 70% и рус тилига таржима қилинган. ISO ташкилотининг техник ишларида дунёнинг турли хил мамлакатларидан келган 30 мингдан ортиқ экспортлар фаолият кўрсатишди.

ISO ташкилотининг дунёдаги энг обрў эътиборли (авторитет) адолатли ва мустақил ташкилот бўлиб, халқаро ташкилотлар орасида юқори мақомга эга.

Халқаро стандартлаштириш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш борасида ривожланган давлатларда асрлар мобайнида тўпланган тажрибаларни ўрганиш ва улардан корхоналаримизда фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш илмий ишимизнинг олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу иш дунё миқёсида халқаро стандартлаштириш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш борасидаги тажрибаларни ўрганишга бағишланади. Биринчи халқаро стандартлаштириш миллий ташкилоти – Британия Ассоциацияси (British Engineering Standards Association) 1901 йилда ташкил этилган бўлиб, биров кейинроқ, биринчи жаҳон уруши даврида Дания бюроси, Германия Қўмитаси (1918 й), Америка Қўмитаси (1918 й) ва бошқалар ташкил топди²¹.

Халқаро стандартлаштириш соҳасидаги ишлар бўйича халқаро марказ кераклигини тақозо қилди. Шу мақсадда, 1926 йили халқаро стандартлаштириш миллий ташкилотларнинг Халқаро Ассоциацияси (ИСА) пайдо бўлди. ИСА нинг таркибига 20 та мамлакат вакиллари кирди. 1938 йили Берлин шаҳрида халқаро стандартлаштириш бўйича халқаро съезд очилди. Унда техниканинг турли соҳалари бўйича 32 та Қўмита ва кичик Қўмиталар тузилди. 1939 йили бошланган иккинчи жаҳон уруши ИСА нинг фаолиятини тўхтатиб қўйди.

Халқаро стандартлаштириш бўйича ушбу халқаро ташкилот (Interntioal Standards Organizarion) 1946 йилда 25 та мамлакатнинг миллий стандартлаш ташкилотлари томонидан ташкил этилди ҳамда қисқача ИСО деб юритила бошлади. Амалда бу ташкилот ўз фаолиятини 1947 йилда бошлади. Бу ташкилотни тузишда унинг номи барча тилларда бир хилда номланишига эътибор бермади. Ташкилотнинг номини грекча сўз “isos” – тенг деб номланади. Шу сабабли халқаро стандартлаш ташкилоти номи қисқача қилиниб ISO деб номланди. Бу нуфузли ташкилот Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеяси таркибида фаолият кўрсатиб ҳамда ривож топмоқда.

Халқаро ISO ташкилоти стандартлашдан ташқари сертификациялаш билан ҳам шуғулланади. ISO ташкилоти товар ва хизматлар билан халқаро айирбошлашни таъминлаш техникавий ва иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича стандартлаш ишларини амалга оширади.

²¹Dj Xant, R. Kanter, D.Kots. Total Quality Menejment. London. 1999 y. 42 page.

Халқаро стандартлаштиришнинг асосий объектлари ва стандартлар сони ISO ташкилотининг манфаатлари кўламини белгилаб беради. Стандартларни ишлаб чиқишда ISO ташкилот барча манфаатдор томонларга, яъни маҳсулотлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчиларнинг, истеъмолчиларнинг ҳукумат органларининг, илмий техникавий ва жамоат ташкилотларини манфаатларини эътиборга олади.

Ҳозирги кунда ISO ташкилотининг таркибига 120 та мамлакат ўзининг миллий стандартлаш ташкилотлари билан аъзо бўлган. Ҳаммаси бўлиб, ISO таркибига 80 дан ортиқ аъзо кўмиталар киради. ISO ташкилотининг расмий тиллари бўлиб – инглиз, рус, француз тиллари ҳисобланади. Ҳозирги кунда ISO халқаро стандартларини 70 фоизи рус тилига таржима қилинган. ISO ташкилотининг техник ишларида дунёнинг турли хил мамлакатларидан келган 30 мингдан ортиқ экспортлар фаолият кўрсатишди.

ISO ташкилотининг дунёдаги энг обрў-эътиборли (авторитет) адолатли ва мустақил ташкилот бўлиб, халқаро ташкилотлар орасида юқори мақомга эга. ISO нинг тузилишидан кўзда тутилган асосий мақсад – халқаро миқёсдаги маҳсулот алмашинувида ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун дунё кўламида стандартлаштиришини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ақлий, илмий, техникавий ва иқтисодий фаолиятлар соҳасида ҳамдўстликни ривожлантиришдир. Бу мақсадларни амалга ошириш учун:

- дунё кўламида стандартларни ва улар билан боғлиқ бўлган соҳаларда уйғунлаштиришни енгиллаштириш учун чоралар кўриш;

- халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва чоп этиш (агар ҳар бир стандарт учун унинг фаол ташкилий ва кичик кўмиталарининг иккидан уч қисми маъқуллаб овоз берса ва умумий овоз берувчиларнинг тўртдан уч қисми);

- ўз кўмита аъзоларининг ва техникавий кўмиталарининг ишлари ҳақида ахбаротлар алмашувини ташкил қилиш;

- соҳавий масалалар бўйича манфаатдор бўлган бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилади.

Скандинавия давлатлари ўртасидаги стандартлаштириш ташкилоти 1952 йилда ташкил этилган. Бу ташкилотнинг аъзолари бўлиб Дания, Норвегия, Финляндия ва Швеция

ҳисобланади. Ушбу ташкилотлар ўзларининг стандартлаштириш бўйича миллий органлари ҳамда стандартлаштириш масалалари бўйича шуғуллаувчи бир қатор ташкилотлар билан ИНСТА ташкилотининг асосий хусусияти шундан иборатки, бу ташкилот минтақавий умумскандинавия стандартларини ишлаб чиқмайди²².

Бу ҳолат шу билан боғлиқки, ушбу мамлакатларда ташқи савдо жуда кучли ривожланган ва улар ўз фаолиятларида халқаро стандартлардан фойдаланишади. Дания 70-йиллар бошларида миллий стандартларни ишлаб чиқишдан тўлиқ воз кечди ва халқаро норматив ҳужжатларга ўтди.

ИНСТА ташкилоти ўзининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаб олган. Скандинавия мамлакатларининг мувофиқлаштирилган миллий стандартларини яратиш, миллий меъёрий ҳужжатлардаги техник талабларни ихчамлаштириш (унификация), такрорлашга йўл қўймаслик учун стандартлаштириш бўйича ишлар тўғрисидаги ахборотлар билан айирбошлаш ташкил этилди. ИСО, МЭК ва СЕН ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан мувофиқлаштирилган сиёсатни олиб бориш.

Стандартларни мувофиқлаштиришда ИНСТА мутахассислари «4 F» қондасига амал қилишади:

1. Forbruker (истеъмолчи);
2. Fabrikant (ишлаб чиқарувчи);
3. Forskrifter (хавфсизлик);
4. Forsksning (тадқиқот натижалари).

ИНСТА га аъзо бўлган мамлакатларда меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқаришнинг асоси сифатида ИСО ва МЭК, СЕН ва СЕНЭЛЕК ташкилотларининг меъёрий ҳужжатлари асос қилиб олинади. Ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар ИНСТА га аъзо бўлган барча мамлакатларда маъқуллангандан кейин миллий меъёрий ҳужжатлар сифатида қабул қилинади. ИНСТА ташкилоти ўз фаолиятининг асосий йўналиши сифатида Скандинавия мамлакатлари орасида ўзаро тушунишни устувор йўналиш деб ҳисоблайди.

ИНСТА га аъзо бўлган мамлакатларда ўзаро ахборот айирбошлашда ўйғунлашган станадартлар каталоглари ташкил

²²Dj Xant, R. Kanter, D.Kots. Total Quality Menejment. London. 1999 y. 42 page.

қилинади. ИНСТА мамлакатларида миллий стандартларни уйғунлаштириш бўйича қуйидаги йўналишлар устувор йўналишлар деб ҳисобланади: машинасозлик ва станоксозлик, иш ўринларининг хавфсизлиги, фойдаланиш бўйича ишончлилиқ, ёнғинга қарши воситаларнинг хавфсизлиги.

Жанубий Осиё мамлакатларининг халқаро ассоциацияси (АСЕАН). Бу ташкилот 1994 йилда ўзининг стандартлаштириш ва сифат бўйича маслаҳат комитетини ташкил этди. Ушбу минтақавий ташкилотга АСЕАН давлатларининг стандартлаштириш ва Скандинавия бўйича миллий ташкилотлари киради. (Малайзия, Тайланд, Индонезия, Сингапур, Филиппин, Бруней)²³.

Республикаимизнинг дастлабки мустақиллик йилларидаги (1992 йил) муҳим воқеалардан бири ушбу нуфузли халқаро ташкилотга Ўзбекистон Республикаси 92-давлат сифатида қабул қилиниши бўлди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси ИСО нинг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бири ҳисобланади. Маҳсулот сифатини яхшилаш, бошқариш ва таъминлаш бўйича охириги вақтда қилинган ишларни мужассамлаб, ИСО ўзининг бир қатор меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқади, бу ҳужжатларга ИСО 9000, 10011 ва 10012 рақамли стандартларни кўрсатиш мумкин.

Биз қуйида халқаро стандартларни келтириб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. Жаҳон амалиётида қўлланиб келинаётган ISO 9000 серияли стандартлар асосан корхоналарда “Сифат менежменти тизими”ни яратиш бўйича халқаро стандартлар туркуми бўлиб ҳисобланади. Булардан ISO 9001:2008 «Сифат менежменти тизими. Талаблар» бу туркумнинг энг асосий стандартидир.

2005 йилги ISO 9001 стандартига кўра сифатни бошқариш тизимлари ташкилот ёки корхонанинг сифат соҳасидаги сиёсати ва мақсадларини, шунингдек, бу мақсадларга эришиш учун зарур бўлган йўналишларни белгилаган ҳолда, тадбирлар ишлаб чиқиш, етарли даражада ресурслар билан таъминланиши ва раҳбарлик қилиш учун бошқариш тизимидир.

²³Dj Xant, R. Kanter, D.Kots. Total Quality Menejment. London. 1999 y. 42 page.

Жаҳон ҳамжамиятида фаолият юритаётган сифат менежментини жорий этиш ва халқаро стандартлаштиришда иштирок этаётган ташкилотларнинг гуруҳланиши

Халқаро стандартлаштириш ташкилотлари	
1.	American National Standards Institute (ANSI)
2.	Deutsches Institut für Normung, German Institute for Standardization (DIN)
3.	British Standards Institution (BSI)
4.	Countries in International Organization for Standardization
5.	Canadian Standards Association
6.	European Committee for Standardization (CEN)
7.	Commonwealth of Independent States (CIS) set of standards (GOST)
8.	International Classification for Standards
9.	International Electrotechnical Commission (IEC) and ISO/IEC standards
10.	International healthcare accreditation
11.	International Telecommunication Union (ITU)
12.	ISO A4
13.	ISO country code
14.	List of International Organization for Standardization standards ISO divisions
15.	ISO/TC 37
16.	ISO/TC 68
17.	TC 46/SC 9
18.	ISO/TC 211
19.	ISO/TC 215
20.	ISO/TC 223
21.	Standardization
22.	Standards Australia
23.	Standards organization
24.	Terminology planning policy
25.	The International Customer Service Institute (TICSI)
26.	CARICOM Regional Organization for Standards and Quality (CROSQ)
27.	AP Stylebook (Associated Press Style)
28.	Interface 2010 (Interface Marketing Supplier Integration Institute)

Манба: Интернет маълумотлари асосида тайёрланган([www. rubricon.com](http://www.rubricon.com)).

Бу, энг авваломбор, корхона ичида ходимларнинг ишлаши ва ўзаро алоқалари бўйича зарур ҳажмда ҳужжатлаштириладиган (услубий қўлланмалар, процедуралар, корхона йўриқномалари ва

ҳ.к. кўринишда) ва чуқур ўйланган тартиб ва қоидалар йиғиндисидир.

Ташкилот ёки корхонада ISO 9001 серияли халқаро сифат стандартлари асосидаги СБТ ни жорий қилиш қуйидагиларга имкон яратади:

- корхонанинг мақсадлари, бошқариш воситалари ва усуллари сифатга йўналтириш;

- маъмурий бошқариш самарадорлиги;

- ишлаб чиқариш давомийлигини қисқартириш;

- корхона бўлинмалари орасида ўзаро алоқани яхшилаш;

- номувофиқликлар олдини олишга эътиборни қаратиш;

- харажатларни камайтириш;

- маҳсулот таннархини камайтириш;

- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

- маҳсулот (хизмат) лар сифати ва рақобатбардошлигини доимий ошириш;

- ташкилот обрў-эътиборини ошириш;

- таъминотчиларни танлаш, баҳолаш ва назорат қилиш;

- ўзгараётган бозор шароитларига тезкор ва самарали ёндошиш;

- истеъмолчилар учун доимий ишончлилик кафолатини таъминлаш;

- истеъмолчиларнинг қаноатланиш даражасини доимо таҳлил қилиш ва ошириш.

Дунё миқёсида ISO14000 экологик менежмент тизими ҳам қўлланиб келинмоқда. Кейинги йилларда бутун дунёда атроф-муҳит экологиясини самарали бошқариш (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш) корхоналар сифатни бошқариш тизими билан бевосита боғланган асосий вазифаларини ҳал қилишда муҳим ўрин тутмоқда ва корхонани умумий бошқариш тизимининг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда.

ISO 14000 стандартлари бўйича экологик менежмент тизими қуйидагиларни таъминлайди:

- корхонани бошқариш тизимларини оптималлаштириш ва атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарарли таъсирлар олдини олиш;

- экологик бошқарувни самарали жорий қилиш ҳисобига энергетик ресурсларни иқтисод қилиш;

- ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш;

- атроф-муҳитга салбий таъсирни минималлаштириш;
- энергия ва материалларни тежаш;
- ишлаб чиқариш чиқиндиларини бошқариш билан боғлиқ харажатларни камайтириш;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни самаралироқ бажариш;
- экологиянинг бузилиши билан боғлиқ бўладиган ортиқча сарф-харажатларни камайтириш;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни бажариш бўйича ташкилот мавқеини шакллантириш;
- корхонанинг ташқи бозорларга чиқиши;
- экологик тоза маҳсулотлар бозорида рақобатчилар орасида устуворликка эришиш;

Ривожланган давлатларнинг йирик саноат корхоналарида OHSAS 18001 (Occupational health and safety management systems) яъни, ходимлар соғлиғини ҳимоя қилиш ва саноатда хавфсизликни бошқариш тизимини яратиш бўйича халқаро стандарт ҳам қўлланиб келинмоқда. OHSAS 18001 талабларини ISO 9000 ва ISO 14000 билан уйғунлаштириш мумкин²⁴.

OHSAS 18001 стандарти бўйича ходимлар соғлиғини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини бошқариш тизими қуйидагиларни таъминлайди:

- ишлаб чиқариш жараёнида рўй берадиган хавф-хатарларни, танг ҳолатлар олдини олиш;
- хавфли ишлаб чиқариш факторларини назорат қилиш;
- иш жойларидаги мавжуд ва келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарларни идентификатлаштириш;
- иш жойлари ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва корхона умумий корпоратив маданиятини яхшилаш;
- ишлаб чиқариш жароҳатлари ва касб касалликларининг олдини олиш ва бартараф қилиш ҳисобига инсон талафотларини камайтириш;

OHSAS 18001 стандарти бўйича ходимлар соғлиғини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини бошқариш тизими қуйидагиларни таъминлайди:

- бизнеснинг бевосита ва билвосита сарф-харажатларини, жумладан, вақтинча иш қобилиятини йўқотилганлиги тўловларини

²⁴ Интернет маълумотлари (www.google.com)

камайтириш;

- корхона обрўсини яхшилаш, инвесторлар эътиборини жалб қилиш;

- танг ҳолатлари рўй бериши эҳтимолларини камайтириш;

- фавқулодда ҳолатлар ва ишлаб чиқариш фалокатлари оқибатларини минималлаштириш;

- меҳнатни муҳофаза қилишга ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш;

- ходимлар потенциалидан максимал ва самарали фойдаланиш;

- давлат бошқарув ва давлат техникавий назорати идоралари билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имкониятлари.

- ходимлар соғлиғи ва хавфсизлиги соҳасидаги талабларни бажариш бўйича ташкилот мавқеини шакллантириш;

- корхонани ташқи бозорларга чиқиши;

- рақобатчилар орасида устуворликка эришиш;

- юқори малакали ишчи кучини жалб қилиш учун зарур.

Халқаро ривожланган давлатларда ISO 22000 НАССР (Hazard Analysis and Critical Control Points) яъни, «Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари» тизими ҳам қўлланмоқда. «Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари» тизими хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини бошқаришнинг мукамал тизимидир.

Ўтган асрнинг 90-йиллар бошида Европа Иттифоқи ушбу тизимни озиқ-овқат саноатида хавфсизликни таъминлай олиши мумкин бўлган энг самарали тизим сифатида қабул қилди. БМТ озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти ҳамда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳамкорликда молиялаштириладиган ҳукуматлараро идора озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича «Кодекс Алиментариус» комиссияси томонидан 1993 йили НАССР тизими ва уни жорий қилиш бўйича қўлланма ишлаб чиқилди.

НАССР стандарти ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжири, яъни ишлаб чиқиладиган маҳсулот хомашёсидан, уни қайта ишлаш, сақлаш ва истеъмолчига етказишгача қўлланиши мумкин бўлган, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тизимига талабларни белгилайди.

Бу стандарт талабларини мустақил ёки ISO 9000 стандартлари асосидаги сифатни бошқариш тизимлари билан биргаликда қўллаш мумкин.

ISO 22000 HACCP тизими корхонада қуйидагиларни таъминлайди:

- Корхонани ва маҳсулот сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш;

- маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш;

- озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш занжирида хавфли нуқталарни аниқлаш, уларни назоратда ушлаш ҳамда самарали бошқариш орқали сифатли ва хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқариш;

- истеъмолчиларнинг маҳсулот сифати ва сифат |барқарорлигига ишончини ошириш;

- янги бозорларга чиқиш ва амалдагиларини кенгайтириш учун имкониятларни ошириш.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Халқаро ISO ташкилоти стандартлашдан мақсад нима?
2. ISO 9000 стандартига кўра сифатни бошқариш тизимлари нимадан иборат?
3. ISO 9000 серияли халқаро сифат стандартларининг аҳамияти.
4. ISO 14000 стандартлари бўйича экологик менежмент тизими аҳамияти.
5. OHSAS 18001 стандарти бўйича ходимлар соғлигини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини бошқариш тизимининг аҳамияти.
6. ISO 22000 HACCP «Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари» тизимининг аҳамияти.

5-бoб. МЕТРОЛОГИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

5.1. Метрология соҳасидаги асосий тушунчалар.

5.2. Маҳсулот сифатини таъминлашнинг метрологигиянинг ҳуқуқий асослари.

5.3. Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати тузилмаси.

Таянч сўзлар: метрология, метрология хизмати, ўлчов воситалари.

Ўзбекистонда метрология талаблари асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилади. Метрология талаблари асосида яратилаётган сифатли маҳсулотлар нисбати доимий тарзда назорат қилиб борилади.

Метрология сўзининг келиб чиқиши ўтган асрлар тарихига бориб тақалади. Шу жиҳатдан метрология атамасига турли олимларнинг қарашлари турлича бўлган. Хусусан, МДХ олимларидан Ю.И. Борисов ва бошқаларнинг фикрига кўра, метрология (грекча “metron” – мера, “logos” – таълим) – ўлчовлар ҳақидаги фан бўлиб, ўлчовларнинг аниқлик услуги ва воситаларини таъминлашга қаратилган²⁵.

Аслида МДХ олимлари томонидан берилган таъриф ҳам фаннинг моҳиятини очиб беришга қаратилган ва илмий асосланган фикрлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Шунингдек, А.А. Гончарёв ва В.Д. Копиловлар томонидан берилган таърифга ҳам эътибор берадиган бўлсак, унда “Метрология – ўлчовлар ҳақидаги фан бўлиб, ягоналикни таъминлайди, ўлчовларнинг аниқлик услуги воситаларини таъминлаб беради”²⁶ деб таъкидланган.

Дарҳақиқат, ушбу берилган таъриф ҳам юқорида келтирилган таърифни такрорлаган ҳолда, фанда ўлчашлар ҳақидаги маънони англатади.

Иқтисодчи олимлардан И.М. Лифиц томонидан берилган таърифга кўра, “Метрология – фаолият турлари ва билимлар соҳаси

²⁵ Борисов Ю.И., Сигов А.С., Нефидов В.И., Битюков В.К., Белик Ю.Д., Верба В.С., Метрология, стандартизация и сертификация: Учебник.-М.:Инфра-М,2005.-336 стр.

²⁶Гончарёв А.А., Копилов В.Д. Метрология, стандартизация и сертификация:-Учебное пособие.-3 е изд., М.:Издательское центр. Академия.2006.-240 стр.

бўлиб, ўлчовлар билан боғлиқдир. Метрология объектларига: ягоналик, ўлчовлар воситаси, эталонлар, ўлчовларни бажариш услублари киради”²⁷.

Олимнинг келтирган фикрига таянган ҳолда шунини айтиш жоизки, метрология фаолияти айнан бир объектга эмас, балки турли соҳаларнинг турли объектларидаги ўлчамларни ташкил этишда манбаа бўлиб хизмат қилади.

Метрология таъриф ва яратилиши тарихий шаклланиши асосан МДХ олимларидан Г.Р. Крилованинг асарида келтирилган бўлиб, унга кўра, метрология қадимги Греция ва Римда вужудга келган, деб таъкидлаб ўтилган²⁸.

Метрология асосан ўлчашлар, уларга боғлиқ ва тегишли бўлган қатор масалаларни ўз доирасига олади. Метрология аслида юнончадан олинган бўлиб, ўлчаш, ўлчам, нутқ, мантиқ, илм ёки фан маъноларини билдиради Умумий тушунчасини оладиган бўлсак, метрология – ўлчашлар ҳақидаги фан.

Инсон ақл-идроки, заковати билан ўрганаётган, шакллантираётган ҳамда ривожлантирган қайси соҳани, унинг йўналишини олмайлик, албатта ўлчашларга, уларнинг турли усулларига, ўзаро боғланишларига дуч келамиз. Бу ўлчаш усуллари ва воситалари ёрдамида уларнинг бирлигини, ягона ўлчаш талаб этилган.

Аниқликни таъминлаш метрология соҳаси орқалигина амалга оширилади. Шу сабабдан ҳозирда қайси бир фан, илмий йўналиш, у ҳоҳ табиий, ҳоҳ ижтимоий бўлмасин, албатта у ёки бу даражада метрология билан боғлиқ. Инсон қўли етган фаолияти доирасига кирган аммо ўлчашлар ва уларнинг воситалари ёрдамисиз ўрганилган, изланган ҳамда кўзланган мақсадларга эришиш мумкин бўлган бирорта йўналиш йўқ.

XXI асрнинг иккинчи ярмида халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги илм-фан, маданиятнинг гуркираб ривожланишини бежиз илмий-техникавий инқилоб деб аталмайди. Илғор илмий ютуқлар фанга, бизнинг кундалик ҳаётимизга кириб келиб, шу даражада одатий бўлиб қолганки, аксарият ҳолларда биз уларга эътибор бермаймиз ёки сезмаймиз. Баъзан эса, бизга, корхона ёки

²⁷Лифиц И.М. Стандартизация, метрология и сертификация:-Учебник.-6 е изд., М.:Юрайт-Издат, 2006.-350 стр.

²⁸Крилова Г.Д. Основы стандартизации, сертификации, метрологии:-Учебник.-3 е изд., М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006.-671 стр.

лабораторияга етиб келгунча уларнинг қанчалик мураккаб, нотекис йўллардан ўтганлигини кўз олдимизга келтирмасдан, фикр юритмаган ҳолда улардан фойдаланамиз. Юқоридагиларнинг ҳаммаси тўла маънода замонавий ахборотни ўлчаш техникаларига ҳам тегишлидир.

Метрология ўлчовлар тизимини ўрганади. Ҳаётимизни ўлчовларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, шу жиҳатдан миллий маҳсулот сифатини оширишда ҳам ўлчовларни тўғри қўллашга боғлиқ²⁹.

Ўлчашлар ҳақидаги соҳанинг тарихи минглаб йилларни ташкил этади. Ўлчашларга бўлган эҳтиёж қадим замонларда юзага келган. Инсон кундалик ҳаётида ҳар хил катталикларни: масофаларни, ер майдонларини, юзаларини, жисмларнинг ўлчамлари ва массаларини, вақтни ва ҳоказоларни бу жараёнларнинг юзага келиш сабабларини, манбаларини билмасдан, ўзининг сезгиси ва тажрибаси асосида ўлчай бошлаган.

Энг қадимги ўлчаш бирликлари – антропометрик, яъни инсоннинг муайян аъзоларига мувофиқликка ёки мойилликка асосланган ҳолда келиб чиққан ўлчаш бирликлари ҳисобланади. Масалан: Ладонь – бош бармоқни ҳисобга олмаганда қолган тўрттасининг кенглиги; фут-оёқ тагининг узунлиги; пядь – ёзилган бош ва кўрсаткич бармоқлар орасидаги масофа, кулоч, кадам ва ҳоказолар,

Асрлар оши бизга етиб келган баъзи ўлчов бирликлари ҳозирда ҳам ишлатилади. Масалан, қадимги жануби-шарқда "ловия дони", "нўхотча" маъносини билдирган, турли қимматбаҳо тошларнинг ўлчов бирлиги сифатида ишлатилган КАРАТ: доришуносликда оғирлик бирлиги қилиб қўлланилаётган, инглиз, француз, лотин ва испан тилларида "буғдой дони" маъноси билдирувчи – ГРАММ ва ҳоказолар.

Баъзи бир табиий ўлчовлар ҳам узоқ ўтмишга эга. Уларнинг дастлабкиларидан бири, ҳамма ерда ишлатиладиган вақт ўлчовларидир. Мунажжимларнинг кўп йиллик кузатишлари натижасида қадимги Вавилонияда вақт бирлиги сифатида йил, ой, соат тушунчалари ишлатилган. Кейинчалик ернинг ўз ўқи атрофида

²⁹Quality systems and standards for a competitive edge. J. Luis Guasch, Jean-Louis Racine, Isabel Sánchez, Makhtar Diop. 2007. NWWashington, DC 20433. ISBN-13: 978-0-8213-6894.

тўла айланишига кетган вақтнинг 186400 қисми секунд номини олган.

Қадимги Вавилонликлар бизнинг эрамизгача бўлган II асрдаёқ вақтни мионаларда ўлчашган. Мина тахминан икки астрономик соат вақт оралиғига тенг бўлиб, бу вақт мобайнида Вавилонда расм бўлган сув соатидан массаси тахминан: 500 граммга тенг бўлган "мина сув" оқиб кетган. Кейинчалик мина ўзгариб, биз ўрганиб қолган минутга айланди.

Вақтлар ўтиши билан сув соатлари ўз ўрнини кум соатларига, улар ҳам вақти келиб маятникли механизмларга бўшатиб бердилар.

Инсоният тараққиёт ривожланишининг илк даврлариданок "моддий" ўлчашлар ва ўлчов бирликларининг катта аҳамиятини тушуниб билганлар.

Фан ва техниканинг ривожланиши ҳар хил физикавий катталикларнинг ўлчамларини муайян ўлчовларга қиёслаб киритишни тақозо эта бошлади. Бундай фаолият жараёни ва ривожланиши давомида ўлчашлар ҳақидаги фан, яъни метрология юзага келди.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши ўлчаш воситалари ва усуллари мукаммаллаштиришни талаб эта бошладди. Ўлчашлар назарияси ҳамда воситаларининг ривожини аниқлаб берган техника ютуқларининг учта асосий босқичини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ишлаб чиқариш жараёнида қатнашган станокларга бириктирилган ўлчаш воситаларининг яратилишини талаб қилувчи технологик босқич (мануфактура ва машина ишлаб чиқаришнинг юзага келиши);

Ишлаб чиқариш жараёнларини кучайтириш шароитида фойдаланилаётган ўлчаш воситаларининг аниқлиги, ишончилиги ва унумдорлигини кескин оширишни талаб қилувчи энергетик босқич (буғ энергиясини ишлатиш, ички ёнув двигателларининг ишга келиши, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва ишлатиш);

- замонавий фан ютуқларининг барчасини ўлчаш воситаларининг таркибига киритишни талаб қилган илмий-техникавий инқилоб (фанни ишлаб чиқариш билан боғлаш ва уни бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айлантириш) босқичи. Бу босқичнинг алоҳида хусусиятларидан бири объектлар ва жараёнлар ҳолатини муайян параметрлар ёрдамида умумий баҳоловчи ўлчаш

тизимларини яратиш бўлиб, олинган натижаларни бевосита техник тизимларни автоматик бошқариш учун фойдаланишдан иборат.

Амалиёт жуда кенг кўламдаги физикавий катталиклар қийматини, кўпинча жуда тез секунднинг миллиарддан бир улушларида), юқори аниқликда (хатолик ўлчанаётган қийматнинг 10 фоизидан кичик) ва нафақат инсон сезги органлари тўғри илғай олмайдиган, балки ҳаёт учун шароит бўлмаган ҳолатларда ҳам аниқлашни талаб қилади. Шу кунларда соҳада юздан ортиқ ҳар хил физикавий катталиклар маълум бўлиб, уларнинг 70 дан ортиғини ўлчаш мумкин.

Ҳозирги кунларда фан ва техниканинг ривожланиши туфайли илгари ўлчаб бўлмайдиган деб ҳисобланган катталикларни ўлчаш ва баҳолаш имкони яратилмоқда. Масалан, Санкт Петербург алоқа институти олимлари ҳидни ўлчаш борасида бирмунча ютуқларни қўлга киритганлар. Бу хусусда буюк италиялик олим Галилео Галилейнинг қуйидаги сўзларини эслаб ўтиш ўринли бўлади: “Ўлчаш мумкин мумкин бўлганини ўлчанг, мумкин бўлмаганига эса имкон яратинг”.

Конденсаторнинг электр сиғими, нурланиш оқими, эриган металлнинг температураси ва атомнинг махсус майдони кучланиши каби катталикларни махсус техникавий воситалар – ўлчаш ўтказгичлари, асбоблари ва тизимларидан фойдаланмасдан ўлчашни амалга ошириш мумкин эмас. Буларнинг ҳаммаси онгимизга, ҳаётимизга шунчалик сингиб кетганки, аксарият ҳолларда биз уларнинг атрофимизда мавжуд эканлигини сезмаймиз. Ҳамма жойда: уй-рўзғор ва ишлаб чиқаришда, далада ва касалхонада, автомобилда ва илмий лабораторияда улар бизнинг беғараз ва тенгсиз ёрдамчиларимиздир.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ўлчаш инсон онгли ҳаётининг асосини ташкил этади. Бу борада кўплаб олимлар ўлчаш техникасининг ривожига муносиб ҳисса қўшганлар. Улар ичида биринчи навбатда қуйидагиларни: Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Михаил Ломоносов, Дмитрий Менделеев ва бошқаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринли бўлади. Аҳмад Фарғонийнинг “Миқёси Нил”, яъни Нил дарёсининг сатҳини туташ идишлар қонуниятини асосида ўлчаш ва унинг натижасига кўра йилнинг ёғингарчилиги ва унинг экин ҳосилига таъсири тўғрисидаги маълумотлари, Улуғбекнинг “Зиж жадваллари” да келтирган, ҳозирги кунларда энг замонавий ўлчаш

қурилмаларида олинган натижалардан жуда оз тафовут қилувчи маълумотлари алоҳида таҳсинга сазовордир.

Бундан ташқари, Форобийнинг астрономик кузатишлар ва ўлчашлар учун махсус асбоб – устурлоб яшаш сирлари хусусидаги қимматли маълумотлари жуда катта ҳам илмий, ҳам фалсафий аҳамиятга эгадир.

Ўлчаш техникаси эҳтимоллар назарияси, бошқариш назарияси ва бошқа илмий йўналишлар билан биргаликда информатсион ўлчаш, яъни ўзида асосий информация олиш имконини берадиган воситаларни жамлаган (ўлчаш, назорат қилиш, ҳисоблаш, ташхис, умумлаштириш ва тасвирларни аниқлаш) техникасининг ривожига асос бўлди. Қўйилган муаммоларнинг, уларни ечиш усуллари ва олинган натижаларнинг ҳар хиллигидан қатъи назар, информация олиш мобайнида асосий ўлчаш, яъни қайта ишлаш, қабул қилиш ва бирор жараён ёки манба ҳақидаги маълумотни тасаввур қилиш амалларини бажариш кўзда тутилади.

Бугунги кунда ҳам олимларимиз ўлчаш назарияси ва техникаси ривожини устида тинимсиз илмий изланишлар олиб боришмоқда.

МЕТРОЛОГИК ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида метрология талаблари асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология агентлиги амалга оширади. Республикада стандартлаштириш тартиби бир хил турдаги маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича Ўзбекистон

Республикаси адлия вазирлиги томонидан қайд этиладиган стандартлаштириш қоидаларига мувофиқ келувчи тартибда амалга оширилади.

Метрологик таъминотнинг маҳсулот сифатига таъсири



Метрология фаолияти асосан турли ўлчамлар ва катталиклар билан ишлайдиган хизмат тури ҳисобланади ва у қуйидагиларни ўз ичига олади³⁰:

Катталикнинг ўлчами – айрим олинган моддий объект, тизим, ҳодиса ёки жараёнга тегишли бўлган катталикнинг миқдори бўлиб ҳисобланади.

Катталикнинг қиймати – қабул қилинган бирликларнинг маълум бир сони билан катталикнинг иқтидор тавсифини аниқлаш.

Катталикнинг бирлиги деб – таъриф бўйича соний қиммати 1 га тенг қилиб олинган катталик тушунилади.

Ушбу атамалар катталикнинг қийматига кирадиган бирлик учун кўпайтирувчи сифатида ишлатилади. Муайян катталикнинг бирликлари ўзаро ўлчамлари билан фарқланиши мумкин. Масалан, метр, фут ва дюйм узунликнинг бирликлари бўлиб, қуйидаги ҳар хил ўлчамларга эга – 1 фут – 0,3048 м, 1 дюйм – 25,4 мм га тенгдир.

Катталик бирлиги ҳам, катталикнинг ўзига ўхшаш асосий ва ҳосилавий бирликларга бўлинади:

³⁰ Кримова Г.Д. Основы стандартизации, сертификации, метрологии: -Учебник. -3 е изд., М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006.-671 стр.

Катталикнинг асосий бирлиги деб – бирликлар тизимидаги ихтиёрий равишда танланган асосий катталикнинг бирлигига айтилади.

Бунга мисол қилиб, LMT – катталиклар тизимига тўғри келган МКС бирликлар тизимида метр, килограмм, секунд каби асосий бирликларни олишимиз мумкин.

Ҳосилавий бирлик деб, берилган бирликлар тизимининг бирликларидан тузилган, таърифловчи тенглама асосида келтириб чиқарилувчи ҳосилавий катталикнинг бирлигига айтилади.

Ҳосилавий бирликка мисол қилиб 1 м/с – халқаро бирликлар тизимидаги тезлик бирлигини; $1 \text{ Н} = 1 \text{ кг м/с}^2$ куч бирлигини олишимиз мумкин.

1960 йили ўлчов ва оғирликларнинг XI Бош конференцияси Халқаро бирликлар тизимини қабул қилган бўлиб, мамлакатимизда буни SI (SI – System International) халқаро тизими деб юритилади. Кейинги Бош конференцияларда SI тизимига бир қатор ўзгартиришлар киритилган бўлиб, ҳозирги ҳолати ва бирликларга қўшимчалар ва кўпайтиргичлар ҳақидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган³¹.

3-жадвал

Метрология фаолиятидаги ўлчов бирликларининг халқаро даражада номланиши

№	Катталик нинг номи	Ўлчам и	Бирликнинг номи	Халқаро белгиланиши
1	Узунлик	L	Метр	m
2	Масса	M	Килограмм	kg
3	Вақт	T	Секунда	s
4	Электр токининг кучи	I	Ампер	A
5	Температура	θ	Кельвин	K
6	Модда миқдори	N	Моль	mol
7	Ёруғлик кучи	J	Кандела	cd
8	Ясси бурчак	I	Радан	rad
9	Фазовий бурчак	I	Стерадан	sr

3-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, метрология фаолиятидаги ўлчов бирликларининг халқаро даражада номланиши

³¹ Кримова Г.Д. Основы стандартизации, сертификации, метрологии: -Учебник. -3 е изд., М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006.-671 стр.

келтирилган ва ушбу ўлчов бирликлари амалда қўлланиб келинмоқда.

1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Метрология тўғрисида”ги қонунда “метрология” сўзи – ўлчовлар, уларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда талаб қилинадиган аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фан деб таъриф берилган.

Метрология соҳасида ишлатиладиган терминлар қуйидагилар:

➤ “ягона ўлчов бирлиги” – ўлчовларнинг натижалари қонунлаштирилган бирликларда акс эттирилган ва ва хатоликлари берилган эҳтимолликда маълум бўлган ўлчов ҳолати;

➤ “ўлчов воситаси” – ўлчовлар учун фойдаланиладиган ва нормаланган метрологик хусусиятга эга бўлган техника воситаси;

➤ “метрологик хизмати” – давлат органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари тармоғи ҳамда уларнинг ўлчовлар ягона бирликда бўлишини таъминлашга қаратилган фаолияти;

➤ “давлат метрология назорати” – метрология қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида давлат метрология хизмати органлари амалга оширадиган фаолият;

➤ “ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш” – ўлчов воситаларининг белгилаб қўйилган техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида давлат метрология хизмати органлари (ваколат берилган бошқа органлар, ташкилотлар) томонидан бажариладиган операциялар мажмуи;

➤ “ўлчов воситаларини калибрлаш” – метрологик жиҳатларнинг ҳақиқий қийматларини ва ўлчов бирликларининг қўллашга яроқлилигини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида калибрлаш лабораторияси бажарадиган операциялар мажмуи;

➤ “ўлчов воситаларини яшаш (таъмирлаш, сотиш, ижарага бериш) учун лицензия” – давлат метрология хизмати томонидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган, мазкур фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини гувоҳлантирувчи ҳужжат.

➤ “ўлчов воситаларини метрологик аттестация қилиш” – ягона намуналарда ишлаб чиқриладиган (ёки Ўзбекистон ҳудудига ягона намуналарда олиб кириладиган) ўлчов воситаларининг хоссаларини синчиклаб тадқиқ этиш асосида улар қўлланиш учун ҳаққоний эканлигининг метрология хизмати томонидан эътироф этилиши;

➤ “метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш” – ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлаш ишларини аккредитация қилишни белгиланган соҳада ўтказишга метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларининг ваколатли эканлигининг расмий эътироф этилиши;

➤ “ўлчов воситаларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун юридик шахслар метрология хизматини аккредитация қилиш” – юридик шахслар метрология хизматининг белгиланган соҳада ўлчов воситаларини калибрлашдан ўтказишга ваколатли эканлигининг расмий эътироф этилиши;

➤ “ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш” – ўлчовларни бажариш услубиётининг унга қўйилган метрология талабларига мослигини баҳолаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида тадқиқот ўтказиш;

➤ “ўлчовларнинг бажарилиш услубиёти” – операциялар ва қоидалар мажмуи бўлиб, уларнинг бажарилиши хатолари маълум бўлган ўлчов натижалари олишни таъминлайди;

Метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг ўзга қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида метрология соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Башарти халқаро шартномада ёки битимда Ўзбекистон Республикасининг метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланади.

Метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқаришни метрология бўйича миллий орган – Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт” агентлиги) амалга оширади.

“Ўзстандарт” ваколатига:

➤ метрология соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, метрологияга оид фаолиятни минтақаларо ва тармоқларо мувофиқлаштириш;

➤ миллий эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг халқаро даражада солиштиришни таъминлаш қоидаларини белгилаш;

- ўлчов воситалари, усуллари ва натижаларига қўйиладиган умумий метрологик талабларни аниқлаш;
- давлат метрология текшируви ва назоратини амалга ошириш;
- метрология масалалари бўйича норматив ҳужжатларни, шу жумладан, давлатнинг бошқа бошқарув органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжатларни қабул қилиш;
- метрология соҳасида илмий ва муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг метрология соҳасидаги халқаро шартномаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- метрология масалалари бўйича халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш тизими фаолият олиб бориши ва ривожланишини ҳамда унинг халқаро ўлчов тизими ва бошқа мамлакатларнинг ўлчовлар тизимлари билан уйғунлашувини таъминлаш;
- истеъмолчилар ҳуқуқларини, фуқароларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини, атроф муҳитни ҳамда давлат манфаатларини нотўғри ўлчов натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш киради.

ХАЛҚАРО ХАМКОРЛИК



Ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга оид, метрология нормалари ва қоидаларини белгиловчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишни "Ўзстандарт" агентлиги амалга оширади.

Маълумотлардан кўриш мумкинки, унда метрологик фаолиятнинг асосий йўналишлари келтирилган бўлиб, унга кўра метрологик фаолият иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўлчашлар бирлигини таъминлашга қаратилган фаолият бўлиб, асосан, иқтисодий муносабатлар мувозанатини таъминлашга, маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнлар хавфсизлигини ҳамда маҳсулот ва хизматлар сифатини таъминлашга қаратилган фаолият ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг корхоналари, ташкилотлари, давлат бошқарув органлари, юридик шахслар бирлашмалари метрология соҳасидаги давлат метрология текшируви ва назорати татбиқ этиладиган доирадан ташқаридаги нормалар ва қоидаларни белгилайдиган, ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга оид, "Ўзстандарт" агентлиги томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатларни аниқлаштирадиган ва уларга зид бўлмаган норматив ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқишлари ҳамда тасдиқлашлари мумкин.

Назорат саволлари:

1. Метрология тушунчасини ёритинг.
2. Метрология фаолиятини ким олиб боради?
3. Метрология қаерда қўлланилади?
4. Метрология борасида халқаро ташкилотлар фаолиятини ёритинг.

6-бoб. РЕАЛ СЕКТОРДА МАҲСУЛОТНИ СЕРТИФИКАТЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

6.1. Маҳсулотни сертификатлаш соҳасидаги асосий тушунчалар. Сертификатлаштиришнинг мақсади ва вазифалари.

6.2. Ўзбекистонда сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий асослари.

6.3. Сертификатлаштириш бўйича ишларни лицензиялаш.

Таянч иборалар: сифатни бошқаришда сертификатлаштириш асослари, сертификатлаш соҳасидаги асосий тушунчалар.

Сертификатлаштириш сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, "тўғри ишлаб чиқарилган" деган маънони билдиради. Маҳсулотнинг тўғри ишлаб чиқарилганлигини билиш учун унинг меъёрий ҳужжатларидаги меъёрларга мослигини текшириш зарур. Бундай вазифани сертификация амалга оширади.

Ишлаб чиқариш жараёни ва тақдим этилган материаллар стандарт ва техник талабларга жавоб берган ҳолда хизмат ёки маҳсулотга кафолатни таъминлаш мақсадида сертификатланади.³²

Белгиланган меъёрларга мос келишини текшириш учун синовлар ўтказиш лозим. Синовлар техник операциялар бўлиб, маҳсулотнинг бир ёки бир неча тавсифномаларини аниқлашда иборатдир. Синовлар синов лабораторияларида амалга оширилади.

Меъёрларга мослик даражасини систематик тарзда текшириш меъёрларига мосликни баҳолаш дейилади. "3-томон" амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

Сертификатлаш маҳсулотнинг (жараённинг, хизматнинг) берилган талабларига мослигини исботловчи асосий ишончли усули ҳисобланади. Сертификатлаш жараёнининг ташкил этувчилари, қоидалар, синовлар ва бошқалар қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади. Бу омилларга стандартлаш, сифат ва бевосита сертификацияга тааллуқли бўлган қонунчилик, сертификация объектининг ўзига хос хусусиятлари.

Сертификатлаш термини унинг марказий органи амалга оширади ва бу органнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

³²Quality systems and standards for a competitive edge. J. Luis Guasch, Jean-Louis Racine, Isabel Sánchez, Makhtar Diop. 2007. NW Washington, DC 20433. ISBN-13: 978-0-8213-6894.

- тизим устидан бошқарувни амалга ошириш;
- фаолият устидан назоратни амалга ошириш ва бошқа органларга сертификацияни ўтказиш бўйича ҳуқуқни бериш.
- сертификацияни ўтказишнинг қоидалари ва тартибини белгилаш;
- сертификацияни амалга ошириш учун меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш;
- сертификация жараёнини амалга ошириш;
- сертификацияни жараёни устидан назорат ўтказиш тартибини белгилаш.

Реал сектор корхоналарида ишлаб чиқарилаётган турли хил маҳсулотлар муайян сифат кўрсаткичларига жавоб бериши керак. Сифат кўрсаткичлари эса маълум белгиланган талабларга маълум стандартга ёки бошқа меъёрий ҳужжатларга мос келишини талаб этади. Мувофиқликни сертификатлаштириш мумкин. Сертификатлаштириш деганда керакли ишончлилик билан маҳсулотнинг муайян стандартга ёки техникавий ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқлайдиган фаолият тушунилади.

"Сертификатлаштириш" тушунчаси биринчи марта Халқаро стандартлаштириш ташкилоти Кенгашининг сертификатлаштириш масалалари бўйича махсус қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, унинг "Сертификатлаштириш ва синов лабораторияларининг аккредитлаш соҳаларидаги асосий атамалар ва уларнинг қоидалари" қўлланмасига киритилган.

Қайта ишланган Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг қўлланмасида "сертификатлаштириш" атамасининг фақатгина изоҳлари берилган:

- сертификатлаштириш умумий атама бўлиб, маҳсулот, технологик жараён ва хизматларнинг сертификатлаштиришда (мувофиқликни сертификатлаштириш) учинчи томоннинг қатнашиши тушунилади;
- сифат тизимини баҳолаш соҳасидаги тараққиёт сифат тизимини сертификатлаштириш бўйича янги (таъминловчининг имкониятларини сертификатлаштириш) тушунча заруриятини туғдирмоқда.

Қўлланманинг қайта ишланган нусхасида мувофиқликни "сертификатлаштириш" тушунчаси тегишли атамалар гуруҳига киритилган.

Мувофиқлик атамаси маҳсулот, жараён, хизматга белгиланган барча талабларга риоя қилишни ўз таркибига олади. Бунда мувофиқликнинг учта кўриниши – мувофиқлик баёноти, мувофиқликни аттестатлаш, мувофиқликни сертификатлаш белгилайди. Мувофиқлик баёноти деб етказиб берувчининг маҳсулот, жараён ва хизматларнинг аниқ бир стандартга ёки бошқа меъёрий ҳужжатга тўла-тўқис мувофиқлик ҳақида бутун маъсулиятни ўз устига олганлигини баён этишга айтилади. Бу атамани сўнгги вақтларда "ўз-ўзини сертификатлаштириш" тушунчаси билан алмашинаётгани қайд қилинмоқда.

Ўз-ўзини сертификатлаштириш деганда маҳсулот ишлаб чиқувчи томон бутун маъсулиятни ўзига олган ҳолда сертификатлаштиришнинг ўзини ўтказди ва маҳсулотнинг керакли даражада сифатлилиги ҳақидаги кафолатини ўз ичига олади. Бундай сертификатлаштириш фаолиятини ўз-ўзини сертификатлаштириш деб юритилади.

Мувофиқлигини аттестатлаш учинчи томон тарафидан "синов лабораториясининг баёноти" тушунилиб, маълум намуна маҳсулотга бўлган талабларни белгилувчи маълум стандартлар ёки бошқа ҳужжатлар билан мувофиқ эканлигини баён этишига айтилади.

Сертификатлаштириш деганда маҳсулот (буюм) ёки хизмат муайян стандартга ёки техникавий шартларга мос келишини тасдиқлаш мақсадида ўтказиладиган фаолият тушунилиб, ушбу фаолият натижасида маҳсулот (буюмнинг) сифати ҳақида истеъмолчини ишонтирадиган тегишли ҳужжат-сертификат берилади.

Яна бир зарур атамалардан бири "сертификатлаштириш тизими" бўлиб, у қуйидагича таърифланади:

Сертификатлаш тизими – мувофиқликнинг сертификатлаштириш фаолиятини ўтказиш учун иш тартиби қоидаларига ва бошқаларига эга бўлган тизимдир. "Сертификациялаштириш тизими" атамасидан ташқари сертификатлаштириш схемаси тушунчаси киритилиб, уни қуйидагича таърифланади: "мувофиқликнинг сертификатлаштирилишини ўтказишдаги учинчи томон фаолиятининг таркиби ва тартиби".

Сертификатлаштириш тизимларида қатнашувчи учта тушунча тўғрисида тўхталиб ўтамиз; сертификатлаштириш тизимидан

фойдаланиш, сертификатлаштириш тизимида қатнашувчи ва сертификатлаштириш тизими аъзосидир.

Сертификатлаштириш тизимидан фойдаланиш деганда сертификатлаштириш тизимининг қоидаларига мувофиқ гувоҳнома талабгорига берилган сертификатлаштиришдан фойдаланиш имкониятлари тушунилади.

Сертификатлаштириш тизимида қатнашувчи деб ушбу тизимнинг қоидаларига биноан фаолият кўрсатадиган, лекин тизими бошқариш имкониятига эга бўлмаган сертификатлаштириш идораси тушунилади.

Сертификатлаштириш тизими аъзоси деганда ушбу тизимнинг қоидаларига биноан фаолият кўрсатадиган ва тизимни бошқаришда қатнашадиган сертификатлаштириш идораси тушунилади.

Сертификатлаштиришнинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш;

- маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш;

- мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотиқда иштирок этишлари учун шароит яратиш;

- истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;

- маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш органлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (бундан буён матнда "Ўзстандарт" агентлиги деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш органидир.

"Ўзстандарт" агентлиги сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади, сертификатлаштириш ўтказиш юзасидан умумий қоидаларни белгилайди, улар тўғрисида расмий ахборотлар эълон қилиб боради;

- сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни Ҳукумат муҳокамасига тақдим этади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда сертификатлаштиришнинг халқаро тизимларига қўшилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, шунингдек, сертификатлаштириш натижаларини ўзаро эътироф этиш тўғрисида битимлар тузади, сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

- мажбурий равишда сертификатладиган маҳсулотларнинг рўйхатини белгилайди ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритади;

- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларини, синов лабораторияларини (марказларини), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органларини, шунингдек, сифат бўйича эксперт-аудиторларни аккредитация қилади;

- сертификатланган маҳсулотларнинг, сифатни бошқариш тизимларининг, аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларининг, синов лабораторияларининг (марказларининг), сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг Давлат реестрини юритади;

- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) сертификатлаштириш қоидаларига риоя этиши устидан ва сертификатланган маҳсулотлар устидан давлат текшируви ва назоратини амалга оширади;

- қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги учун мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгиларини бекор қилади ҳамда амал қилишини тўхтатиб қўяди, сертификатлаштириш органларининг аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини бекор қилади, синов лабораторияларининг (марказларининг) фаолиятини тугатади.

- "Ўзстандарт" агентлигининг сертификатлаштириш соҳасидаги фаолиятини молиявий таъминлаш манбаи — давлат бюджети маблағи, шунингдек, "Ўзстандарт" агентлиги кўрсатаётган хизмат учун олинадиган ҳақдан иборат.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар:

- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимларини тузадилар ва уларнинг амал қилишини таъминлайдилар;

- сертификатлаштиришни ташкил этадилар ва ўтказадилар;

- миллий мувофиқлик сертификатларини расмийлаштирадилар ёки чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этадилар;

- сертификатланган маҳсулотлар устидан назоратни амалга оширадилар.

Синов лабораторияларини (марказларини) ва сертификатлаштириш органларини аккредитация қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни аризачи қоплайди.

Тегишли сертификатлаштириш тизими белгилаган тартибда аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) муайян маҳсулотларнинг синовини ёки муайян синов турини амалга оширадилар ҳамда сертификатлаштириш мақсадлари учун баённомалар берадилар.

"Ўзстандарт" агентлиги ўз вазифаларининг бир қисmini бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларига ва синов лабораторияларига (марказларига) ўтказишга ҳақлидир.

Маҳсулотлар (шу жумладан, дастурий ва бошқа илмий-техникавий маҳсулотлар), хизматлар, шунингдек, сифат тизимлари сертификатлаштириш объектлари ҳисобланади.

Одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш, маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш, мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотиқда иштирок этишлари учун шароит яратиш, истеъмолчини (сотувчини, ижрочини) ҳимоя қилиш, маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги ва "Озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунлари қабул қилинди.

Ушбу қонун ва ҳужжатларда маҳсулотларни сертификатлаш, бу борадаги ваколатли органлар, сертификатлаштириш объектлари

ва субъектлари, сертификатлаштириш фаолиятига доир умумий талаблар ва бошқа қатор масалалар белгилаб қўйилган.

Маҳсулотларни сертификатлаштириш – маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолиятдир.

Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги – “Ўздавстандарт” агентлиги Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш органидир.

“Ўздавстандарт” агентлиги “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ:

- сертификатлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади, сертификатлаштириш ўтказиш юзасидан умумий қоидаларни белгилайди, улар тўғрисида расмий ахборотлар эълон қилиб боради;

- сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни ҳукумат муҳокамасига тақдим этади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Ма.камаси билан келишилган ҳолда сертификатлаштиришнинг халқаро тизимларига қўшилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, шунингдек, сертификатлаштириш натижаларини ўзаро эътироф этиш тўғрисида битимлар тузади, сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

- мажбурий равишда сертификатланадиган маҳсулотлар рўйхатини белгилайди;

- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларини, синов лабораторияларини (марказларини), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органларини, шунингдек, сифат бўйича эксперт-аудиторларларни аккредитация қилади;

- сертификатланган маҳсулотларнинг, сифатни бошқариш тизимларининг, аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларининг, синов лабораторияларининг (марказларининг), сифат бўйича эксперт-аудиторларларнинг Давлат реестрини юритади, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда бундай маҳсулотни тайёрлашда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) сертификатлаштириш қоидаларига риоя этиши устидан ва сертификатланган маҳсулотлар устидан давлат текшируви ҳамда назоратини амалга оширади;

- қонун ҳужжатларининг номлари бузилганлиги учун мувофиқлик белгиларини бекор қилади ҳамда амал қилишини тўхтатиб қўяди, сертификатлаштириш органларининг аккредитация қилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини бекор қилади, синов лабораторияларининг (марказларининг) фаолиятини тугатади.

Амалдаги қонунчиликка кўра маҳсулотлар (шу жумладан, дастурий ва бошқа илмий-техникавий маҳсулотлар), хизматлар, шунингдек, сифат тизимлари сертификатлаштириш объектлари, яъни сертификат талаб қилиниши мумкин бўлган объектлар ҳисобланади.

Сертификатлаштириш жараёни



“Ўзстандарт” агентлигининг ўзи, унинг томонидан аккредитация қилинган ёки эътироф этилган сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органлари, сифат бўйича эксперт-аудиторлар, шунингдек, маҳсулоти сертификатлаштирилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жисмоний шахслар сертификатлаштириш субъектларидир.

Сертификатлаштириш объекти бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, бу соҳадаги давлат бошқарувини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.

Қонунга мувофиқ, озиқ-овқат маҳсулотлари, уларнинг технологияларига гигиена сертификати талаб қилинади, яъни гигиена сертификати озиқ-овқат маҳсулоти, технология, ускуна ва бошқа жараёнлар амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар (бундан кейин матнда давлат назорати органлари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат томонидан нормалаш;
- озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш;
- давлат назорати ва текшируви;
- озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат бошқарувининг турларидан бири озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлашдир.

Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига қулай шарт-шароитлар шакллантиришни давом эттириш, маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнини

соддалаштириш ва бу борадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги, 318-сонли “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

3. Мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаштириш тизими маҳсулотни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштиришни кўзда тутди. Дунё амалиётида товарларни танлашда истеъмолчига кўмаклашишнинг самарали воситаси бўлиб ихтиёрий сертификатлаштириш ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи учун, унинг маҳсулотини нуфузли ташкилот томонидан сертификатлаштирилиши, мазкур маҳсулотни сотиб олиниши эҳтимолини билдиради. Ихтиёрий сертификатлаштириш маҳсулот рақобатбардошлигини оширади ва товар айланиши жараёнини тезлаштиради.

МУВОФИҚЛИКНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТЛАР



Маҳсулот мувофиқлик
сертификати



Хизматларга мувофиқлик
сертификати



Мувофиқлик хабарномаси

Ўзбекистонда ихтиёрий сертификатлаштириш экспортга жўнатиладиган маҳсулотлар учун қўлланилмоқда. Ички бозорда ихтиёрий сертификатлаштиришга бўлган талаб ҳозирча паст даражада, бироқ ихтиёрий сертификатлаштиришдан фойдаланиш бўйича маълум бир қизиқишлар мавжуд.

Ихтиёрий сертификатлаштириш объектларининг мувофиқлигини мустақил тасдиқлашга манфаатдор бўлган хоҳлаган миллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар (товар етказиб

берувчилар), сотувчилар, маҳсулотларни (хизматларни) ишлаб чиқувчилар ва ижрочилар ва бошқа хўжалик фаолияти субъектлари, укумат органлари ихтиёрий сертификатлаштиришда ариза берувчи бўлишлари мумкин.

Ҳар қандай маҳсулот норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқлаш учун у юридик ва жисмоний шахснинг ташаббуси билан ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказилиши мумкин.

Назорат саволлари

1. Сертификатлашнинг моҳияти нимадан иборат?
2. Корхона маҳсулотларини сертификатлаш қандай ишлардан иборат?
3. Сертификатлаш қандай амалга оширилади?
4. Сертификатлашнинг вазифалари нимадан иборат?
5. Сертификатлашга таъсир кўрсатувчи омиллар қайси?
6. Сертификатлаш мазмуни нимадан иборат?

7-бoб. РЕАЛ СЕКТОРДА СИФАТ ТИЗИМИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ СЕРТИФИКАТЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

7.1. Сифат тизимини сертификатлашнинг мазмуни. Сифат тизимини сертификатлашни амалга оширишда норматив базанинг роли.

7.2. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонада ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва ишлаб чиқариш жараёнининг таҳлили.

7.3. Сертификатлашни амалга ошириш бўйича ИСО халқаро ташкилотининг тавсиялари.

7.4. Хорижий мамлакатларда сертификатлаш тажрибаси (Германия, Франция ва Япония).

Таянч иборалар: сифат тизимини сертификатлаш, сифатни бошқаришда сертификатлаш, ИСО халқаро ташкилотининг тавсиялари.

9000 серияли ИСО стандартига мос келувчи сифатни таъминлаш тизимларини сертификатлаштириш чет мамлакатларида кенг ривожланган ҳисобланса, айти пайтда Россияда охириги 2 йил мобайнида бу муаммога жиддий эътибор берилмоқда. Балки, бундай ортда қолишнинг сабабларидан бири маҳаллий ишлаб чиқариш суръати тушиб кетганлиги ва ишлаб турган корхоналарнинг ўз маҳсулотларини экспортга чиқаришга бўш йўналганлигидир.

Ҳозирги кунда Россиянинг жуда оз миқдордаги ишлаб чиқариш корхоналари сифат тизимларини сертификатлаштириш аҳамияти ва зарурлигини англадилар, холос. Фақат бир неча ўн Россия корхоналари сифат тизимлари бўйича сертификатга эгадирлар. Чет элда эса бир неча ўн минглаб фирмалар ва корхоналар шундай сертификатларга эга.

Чет эл мутахассислари сифатни таъминлаш тизимига мос келувчи сертификат фирмага жуда катта ютуқ ва устунлик беради деб ҳисоблайдилар. У бизнес бўйича шерикнинг ишончлилигини, шунингдек, сифат тизими сертификатлаштирилган фирмаларга бажонидил кредит берувчи банклар билан алоқада ишонччиликни таъминлайди.

Сифат тизимига сертификат – маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузишда асосий омиллардан бири бўлиб, ғарб экспертларининг фикрича, яқин келажакда Европа бозорларида 95

фоизгача шартномалар маҳсулот етказиб берувчи фирмада сифат тизими сертификати бўлгандагина тузилиши кўзда тутилмоқда. Сифатсиз маҳсулот билан боғлиқ бўлган суд даъволари вужудга келганда, тизим сертификати суд томонидан фирманинг айбсизлиги исботи сифатида баҳоланади.

Хорижий мамлакатлар сертификатларини тан олиш тартиби



Сифат тизимига сертификатнинг мавжудлиги турли хил тендерларда иштирок этиш учун зарурий шарт бўлади. Сифат тизимини сертификатлаштириш фирманинг (корхонанинг) ички ишларида ҳам ижобий таъсир кўрсатади: сифат тизимини сертификатлаштиришга тайёргарлик жараёнида ишлаб чиқиш ва корхонани бошқаришни тартибга солиб, бозор иқтисодиётига мос келиши учун замин яратилади, маҳсулотни сертификатлаштириш ишлари енгиллашади.

Сертификатлаштирилган сифат тизими корхонани керакли маҳсулотни бир текисда ишлаб чиқариш қобилиятини характерлайди ва фирмани ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда рақобатбардошлигининг муҳим омиллари деб қараш мумкин. Эндиликда ўз маҳсулотларини экспорт қилишни режалаштирган маҳаллий корхоналар учун сифат тизимини сертификатлаштириш – шартнома тузиш ва маҳсулотни муносиб сотиш имкониятларини белгиловчи муҳим шарт ҳисобланадиган алоҳида бир атмосфера вужудга келмоқда.

Ҳозирги вақтда шундай муаммога дуч келган корхоналар кам эмас. Ачинарлиси шуки, чет эл структуралари билан контрактлар

тузиш борасидаги бўлган музокараларда, сифат тизимига сертификатнинг мавжуд эмаслиги шартнома тузмокчи бўлган корхона учун кўзланган имконият доирасида қониқарли бўлмаган ҳолда яқунланиши мумкин.

Россияда бозор муносабатларининг ривожланиши, шунингдек, унинг ташқи иқтисодий вазифалари, РФ Давстандартини 1995 йилда РФ да сифат тизимларини сертификатлаштиришни ривожлантириш бўйича ишлар дастурини қабул қилишга рағбатлантирди.

Бу дастурга мос равишда «Сифат тизимларининг регистри» деб аталувчи «Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш тизими» ишлаб чиқилган ва қабул қилинди. Бу кўнгилли сертификатлаштириш тизимидир, аммо у, маълум бўлган мажбурий сертификатлаштириш тизимини ўзида намоиш этган давлат Россия ГОСТ РФ тизимининг бир қисмини ташкил этади. РФ учун янги бўлган кўнгилли тизимни ГОСТ РФ тизимига кириш ҳақидаги қарори қабул қилинган ва ГОСТ РФ тизимини Россияда ва унинг сертификат ва мос келиш белгиси эътиборга эга бўлиб бораётган чет давлатларида маълумлигига асосланган. Сифат тизими регистрли мос келиш белгиси ГОСТ РФ тизими белгисидан фақат белги олдида «Регистр» ёзуви ва белги тагида ИСО стандарти номерини кўрсатиш билан фарқланиши тасодиף эмас.

Буларнинг барчаси сифат тизимларига бериладиган Россия сертификатларини РФ да ва чет элда танилишини тезлаштиришга йўналтирилган.

Халқаро мустақил сертификатлаштириш ташкилоти (И ОС) ҳам мавжуд бўлиб, бу ташкилот маҳсулотлар ва сифат тизимлари сертификатлаштириши бўйича 7 та катта-катта халқаро фирмаларни Дет Норске Веритас, Регистр Ллойда, ТЮФ – СЕРТ ва бошқаларни ўз таркибига олган. Ташкилотнинг асосий вазифаси ИСО 9000 сериясидаги халқаро стандарти бўйича сифат тизимларини татбиқ этиш ва сертификатлаштиришдан, энг муҳими, қайта сертификатлаштиришлар ўтказилишининг олдини олиш ва сертификатлаштиришга катта нуфуз беришдан иборат³³.

Халқаро аккредитлаш бўйича форум (IAF) 19 та аккредитлаш бўйича миллий идораларни бирлаштирган бўлиб, унинг таркибига

³³Quality systems and standards for a competitive edge. J. Luis Guasch, Jean-Louis Racine, Isabel Sánchez, Makhtar Diop. 2007. NW Washington, DC 20433. ISBN-13: 978-0-8213-6894.

Австрия, Канада, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Хитой ва ривожланган давлатларнинг аккредитлаш бўйича миллий идоралари киритилган.

1994 йилда ИСО Сифат тизимларини сертификатлаштириш учун ихтисослаштирилган бўлим (QSAR) ташкил қилиш ташаббусини кўтариб чиққан эди. Бундан кўзланган асосий мақсад – кўпроқ ягона тартиблар асосида ўтказиладиган аудитор текширувлари бўйича ягона шаклдаги сертификат беришни кенг равишда татбиқ этиш.

МЭК ҳам ўз сертификатлаштириш тизимига эга бўлиб, бунда ИСО нинг 9000 сериясидаги стандартлардан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам QSAR нинг сертификатлаштириш тизими МЭК тизими билан ўзаро уйғун ҳисобланади. QSAR сифат тизимини сертификатлаштиришидан ўтган фирмалар QSAR белгисини ишлатишлари мумкин.

Саноати ривожланган давлатларда сертификатлаштириш асрнинг 20–30-йиларида пайдо бўлди. Лекин миллий сертификатлаштириш тизимлари кейинроқ яратилди. Қатор мамлакатларда улар фақат экспорт қилинадиган маҳсулот сифатини ошириш учун бунёд қилинган эди (Япония, Ҳиндистон, Югославия ва бошқалар).

Францияда NF белгили миллий сертификатлаштириш тизими учинчи томон сертификатлаштиришига мансуб ва:

- *ишлаб чиқарувчи корхоналар буюртма беришини;*
- *корхоналарнинг сифатни таъминловчи тизимларини баҳолашни ўтказишни;*
- *маҳсулот намуналарини синовдан ўтказишни;*
- *маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берадиган сертификат ёки лицензияларни беришни;*
- *ишлаб чиқариш ёки савдо доирасидан олинган маҳсулотни даврий назорат қилиш ҳамда корхоналарда назоратни амалга оширишни назарда тутди.*

1983 йилда маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини бир неча минг хил маҳсулотни чиқарадиган 2000 корхона олган. Мувофиқлик белгиси билан чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажми 40 млрд. франкка етган.

1981 йилдан бошлаб Франция ҳукумати 18 миллий ташкилотни сертификатлаштириш бўйича ваколатли орган сифатида тан олди, уларнинг ичида энг нуфузлиги AFNOR дир.

Германияда стандартларга мувофиқлик белгиси (DIN) 1920 йил немис стандарт институти томонидан таъсис қилинган. У маҳсулотнинг барча турларига (намуналар синовини ўтказиш ва ишлаб чиқаришни назорат қилишнинг махсус тартибига эга бўлган газ жиҳозлари, сув билан таъминлаш жиҳозлари ва бошқа айрим маҳсулотлар бундан истисно) тарқалган.

DIN стандартларига мувофиқликни сертификатлаштириш тизими маҳсулотнинг 110 гуруҳини қамраб олган. Унга маҳсулотни DG-WK (маҳсулотни тамғалаш Немис ассоциацияси) белгиси билан тамғалаш учун 15000 дан ортиқ лицензия берилган. Бу сертификатлаштириш тизимида амалдаги қоидаларга риоя қилиш мажбуриятини олиш шарти билан хорижий етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

Германияда маҳсулотнинг аниқ турларини, масалан, электротехник ва электрон жиҳозларни сертификатлаштирадиган тизимлар ҳам мавжуд.

Электрон жиҳозларни сертификатлаштириш немис электротехника ассоциацияси (VDE) қарамоғи остида фаолият кўрсатади. DIN билан келишиб VDE электротехника, электроника ва алоқа доираларида миллий стандартлар ишлаб чиқади.

Буюк Британияда бошқа ривожланган мамалакатлардагидек бир неча миллий сертификатлаштириш тизимлари амал қилади. Уларнинг ичида энг каттаси Британия стандарт институти (БСИ) яратган тизимдир.

У миллий стандартларига мувофиқлик махсус белгисига эга. Мазкур тизим доирасида сертификатлаштириш ишларига раҳбарликни сифатни таъминлаш Бошқармаси БСИ QUAD амалга оширади. Маҳсулотни сертификатлаштириш тартиби Франция ва Германияда қўлланадиган тартибга ўхшайди.

Корхоналар БСИни огоҳлантирмасдан маҳсулотни ўзгартирмайдилар. Маҳсулотга киритиладиган ўзгартиришлар фақат ўзгартирилган маҳсулот стандарт талабларига жавоб беришини тасдиқлайдиган синовлар ўтказгандан кейингина QUAD томонидан тан олинади. Лицензиянинг муддати бир йил, ундан кейин у чўзилиши керак.

Британия тизими 250 миллий стандартларни қамраб олди, миллий ва хорижий фирмаларга мингдан ортиқ лицензия берилган. БСИ мунтазам равишда сертификацион маҳсулотлар рўйхатини чоп этади ҳамда харидорлар учун қўлланма нашр этади, унда ҳар бир

миллий стандарт бўйича берилган сертификат ҳақида маълумот беради.

АҚШда, Ғарбий Европа мамлакатларидан фарқли равишда сертификатлаштиришнинг ягона қоидалари йўқ. Ишлаб чиқарувчилар ассоциациялари ва хусусий компаниялар қошида юзлаб тизимлар амал қилади. Стандартлаштириш соҳасида ҳам ҳолат шундай, яъни стандартларни турли мавқега эга юзлаб ташкилотлар ишлаб чиқади, Шунинг учун мавжуд сертификациялаш тизимлари учун умумий мезонлар яратиш бўйича ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда синов лабораторияларининг аккредитацияси миллий тизими яратилган ва сертификациялаш тизимларини рўйхатга олиш тизими яратилмоқда³⁴.

АҚШда сертификатлаштириш миллий миқёсда ҳам, халқаро миқёсда ҳам маҳсулот сифатининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу мамлакатда сертификатлаштириш мажбурийлиги ҳақидаги қонун амалда. Сертификатлаштиришнинг зарурати эса ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлашга эришишни талаб қилади.

АҚШда Суғурта компаниялари миллий лабораторияси, Америка газ саноати корхоналари лабораторияси, Небраска штатидаги қишлоқ хўжалиги техникасини синаш маркази қошида яратилган сертификатлаштириш тизимлари катта обрўга эга. Улар билан бир қаторда 2000 дан ортиқ тижорат синов лабораториялари маҳсулотнинг кенг ассортиментини стандарт талабларига мувофиқлигини синаш бўйича ўз хизматларини таклиф қиладилар.

Сертификатлаштириш амалга ошириладиган стандартлар сифатида Америка стандартлар институти UL стандартлари, ёнғиндан сақлаш Миллий ассоциацияси стандартлари ва бошқалар хизмат қилади. Одатда, АҚШ меъёрий ҳужжатлари талабларини ҳисобга олмаган халқаро стандартлар ва бошқа мамлакатларнинг стандартлари сертификация ўтказиш учун қабул қилинмайди, яъни импорт қилинадиган маҳсулотнинг маълум дискриминацияси мавжуд³⁵.

³⁴Quality systems and standards for a competitive edge. J. Luis Guasch, Jean-Louis Racine, Isabel Sánchez, Makhtar Diop. 2007. NW Washington, DC 20433. ISBN-13: 978-0-8213-6894.

³⁵Quality systems and standards for a competitive edge. J. Luis Guasch, Jean-Louis Racine, Isabel Sánchez, Makhtar Diop. 2007. NW Washington, DC 20433. ISBN-13: 978-0-8213-6894.

Японияда 1949 йилда мамлакат олимлари ва муҳандислари уюшмаси қошида сифатни назорат қилиш муаммосини ўрганиш бўйича махсус гуруҳ ташкил қилинган. 60-йилларнинг охирида эса мамлакатда ишлаб чиқаришда сифат назорати тўла ҳажмда татбиқ этилган.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини таъминлаш асосий тамойиллари қуйидагилардир:

- *корхона барча бўлинмалари ва ҳамма ходимлари иштирок этадиган маҳсулот сифатининг тўла назорати;*
- *саноат тармоқлари бўйича маҳсулот сифати назорати соҳасида ўқитиш;*
- *сифат тўғараклари фаолияти;*
- *сифат назоратининг статистик усуллари қўллаш;*
- *сифат ҳолатларини тарғибот қилиш бўйича миллий компания.*

Сифат муаммоларига бундай фундаментал ёндашишда Японияда сертификатлаштириш япон товарларнинг юқори сифат даражасини таъминлаш ва жаҳон бозорида улар рақобатбардошлигини ошириш воситаси сифатида кўрилади.

Саноат стандартлаштириш қонунига биноан, маҳсулотни япон индустриал стандартлари JIS талабларига мувофиқлиги белгиси билан тамғалаш кўрсатилган. У мамлакатда саноат стандартларини оммалаштириш самарали воситаси бўлиб хизмат қилади ҳамда фирмалар даражасида сифат назорати усуллари тарқалишига кўмаклашади.

JIS белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини саноатнинг тегишли тармоқлар вазирлари беради. Мувофиқлик белгиси икки шаклда бўлади: "А" ва "В" шакллари, улар маҳсулот ва технологик жараёнлар миллий стандартларга мувофиқлигини белгилаш учун қўлланади. Ҳукумат JIS белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва технологик жараёнлар сифатини кафолатлайди.

1980 йилгача хорижий ишлаб чиқарувчиларга JIS белгисини қўллаш ман этилар эди. Кейинчалик хорижий етказиб берувчилар япон ишлаб чиқарувчилари билан бир қаторда сертификатлаштириш процедурасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Кўриб чиқилган мувофиқлик белгиси JIS билан бир қаторда Японияда ишлов берилган озиқ-овқатлар, қишлоқ хўжалик ва балиқ маҳсулотлари учун JIS белгиси таъсис қилинган. У озиқ-овқат,

қишлоқ хўжалик ва ўрмон маҳсулотларини стандартлаштириш ва тегишли равишда тамғалаш бўйича қонун асосида киритилган.

Сертификатлаштириш тизимлари япон саноатининг барча тармоқлари: машинасозлик, электротехника, кимё саноати ва бошқаларни қамраб олади. 1983 йил мартда япон ва хорижий корхоналарга тегишли равишда тамғаланган маҳсулот чиқариш ҳуқуқини берадиган 16000 ва 20000 лицензия берилган.

Ҳозирги кунда саноати ривожланган мамлакатларда сертификатлаштириш барча соҳаларда татбиқ этилмоқда. Бу икки омил билан белгиланади:

1) истеъмолчига маҳсулот сифатининг барқарор даражасини таъминлашга интилиш;

2) ички ва ташқи бозорларда юқори рақобатбардошликни таъминлашга интилиш. Агар рақиблардан бири у ишлаб чиққан маҳсулот сертификатлашдан ўтди деса, бошқа рақобат қилувчи фирмалар зудлик билан ўхшаш чораларни кўришга мажбур.

Ривожланаётган мамлакатлардаги сертификатлаштириш. Сертификатлаштириш ривожланаётган мамлакатларда ҳам кенг тарқалган. Миллий сертификатлаштириш тизимларининг ташкилий тамойиллари учинчи томон сифатлаштириш тамойилларига мос келади. Бундай ҳолат ривожланаётган мамлакатлар саноати ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши туфайлидир.

Ҳиндистонда сертификацион белгиси 1952 йилда киритилган. Маҳсулотни тамғалаш тизими, мувофиқлик белгисини бошқариш Ҳиндистон стандартлар институти (ISI) зиммасига юклатилган.

Ҳар қандай ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берадиган лицензия олиш учун ISI га мурожаат қилиши мумкин. Буюртма олгандан кейин ISI корхона ҳамма бўлинмаларини, корхонага кириб келадиган материал, жамловчи узел ва деталлардан бошлаб охириги маҳсулотгача ўлчаш ва синаш жиҳозланганлигини текширади. Текшириш натижалари ижобий бўлса, корхона ўз маҳсулотини тамғалаш ҳуқуқини олади. ISI томонидан берилган ҳар бир лицензия таркибида маҳсулот намуналарини синаш ва назорат қилиш шакли бор.

Лицензия амалда бўлган муддат ичида ISI:

— корхоналарга ISI назоратчилари мунтазам равишда ташириф буюрадилар, шу пайтларда назорат синовларини ўтказиш

мақсадида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот намуналари ажратиб олинади;

— савдо доирасидан олинган маҳсулот намуналарини синайди;

— харидорлар ёки истеъмолчилар мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот сифати устидан қилган шикоятларни кўриб чиқади.

Лицензия амалининг муддати бир йил, ундан кейин лицензия муддати чўзилиши керак. Бунинг учун корхона лицензия муддати туташига бир ойдан кам вақт қолмаганда ISI га мурожаат қилиши керак. ISI нинг мувофиқлик белгиси хорижий маҳсулотга берилиши мумкин эмас, чунки у бирорта бошқа мамлакатда рўйхатга олинмаган.

Ҳиндистонда машинасозлик кимё, электротехник ва электрон саноат ва бошқа корхоналарга ўз маҳсулотини тамғалаш ҳуқуқини берадиган 10000 дан ортиқ лицензия берилган.

Таиландда сертификатлаштириш тизими 1968 йилда ташкил қилинган. Таиланд саноат стандартлари институти (TISI) бошқаради.

TISI сертификатлаштириш тизими ишлаб чиқариш ҳолатини доимий назорат қилиш ва маҳсулот синовларини ўтказишга мосланган.

Мажбурий сертификатлаштиришда импорт қилинадиган буюмлар миллий корхоналар буюмлари билан бир шароитларда тамғаланади.

Миллий сертификатлаштириш тизимлари миллий стандартлаштириш тизими бор бошқа ривожланаётган мамлакатларда ҳам (масалан, Туркия, Колумбия ва бошқалар) мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш. Ўзбекистон Республикаси халқаро ташкилотлар (ISO, ИЛАК, ЕОК ва бошқ.) билан ҳамкорлиги мамлакатда бозор муносабатлари шаклланиш даврида, айниқса, зарур бўлиб қолади. Европа ҳамжамиятининг ягона бозор "ички чегараларсиз фазо" яратиш нияти бу ташкилотлар охириги йиллардаги стратегиясини аниқлаб берди. Унинг бош йўналиши бўлиб ЕИ комиссияси билан ҳамкорликда халқаро савдодаги техникавий тўсиқларни бартараф қилишдир.

Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш меъёрий негизини ЎзРСТ5.0-98, ЎзРСТ 5.1-95, ЎзРСТ 5.2.-93, ЎзРСТ 5.3-92, ЎзРСТ 5.4-93, ЎзРСТ 5.5-93 ва Миллий сертификатлаштириш

тизимининг (ЎЗРМСТ) раҳбарлик ҳужжатлари мажмуи ташкил қилади.

ЎЗРМСТда қуйидаги фаолият турлари назарда тутилган:

- *маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш;*
- *сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш;*
- *синов лабораториялари (марказлари)ни аккредитлаш;*
- *бир жинсли маҳсулотни сертификатлаштирувчи органларни аккредитлаш;*
- *сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштирувчи органларни аккредитлаш;*
- *назорат органларини аккредитлаш;*
- *сертификатлаштирилган маҳсулот, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар, аккредитланган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) устидан инспекция назорати;*
- *мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш устидан назорат;*
- *айтиб ўтилган фаолият йўналишлари бўйича эксперт-аудиторларни тайёрлаш ва аттестациялаш.*

Сертификатлаштириш маҳсулот, жараёнлар ва хизматлар:

- *давлатлараро стандартлар (МДХ мамлакатлари);*
- *Ўзбекистон Республика стандартлари ва бошқа маҳсулотга бўлган талабларни жорий қилган чизмавий нашр этилган ҳужжатлар;*
- *Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш органи (Ўздавстандарт) номида қўшилган сертификатлаштириш халқаро ва хорижий миллий стандартлари талабларига мувофиқлиги тасдиқни таъминлайди.*

Ўзбекистон Республикасида сифат тизимларини сертификатлаштириш меъёрий негизини ISOнинг 9000-серияли халқаро стандартлари ва ЎЗРМСТнинг раҳбарлик ҳужжатлари мажмуи ташкил қилади.

ISOнинг 9000-серияли стандартлар номи:

ISO-9000. Сифат умумий бошқаруви ва сифатни таъминловчи стандартлар. Танлаш ва қўллаш бўйича раҳбарлик кўрсатмалари.

ISO-9001. Сифат тизими. Лойиҳалаш ёки ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, монтаж ва хизмат қилишда сифатни таъминлаш модели.

ISO-9002. Сифат тизими. Ишлаб чиқариш ва монтаж пайтида сифатни таъминлаш модели.

ISO-9003. Сифат тизими. Якуний назорат ва синовларда сифатни таъминлаш модели.

ISO-9004. Сифатнинг умумий бошқаруви ва сифат тизими элементлари. Раҳбарлик кўрсатмалари.

9000-серияли ISO халқаро стандартлари ташилот (корхона)га сифат соҳасида куйидаги масалаларни ечишга ёрдам беради:

— *маҳсулот ёки хизмат сифатини истеъмолчилар аниқланган ёки тахмин қилинган эҳтиёжларининг доим қондирилишини таъминлайдиган даражага эришиши ва уни сақлаб туриши;*

— *ўз раҳбариятида мўлжалланган сифатга эришилмоқда ва у берилган даражада сақланиб турганлиги ҳақида ишончни таъминлаш;*

— *истеъмолчида мўлжалланган маҳсулот сифати ва тақдим этилаётган хизмат сифатига эришилганлик ёки эришилиши лозимлиги ҳақидаги ишончни таъминлаш.*

Ишончни таъминлаш агар контрактда назарда тутилган бўлса, исботларни тақдим этиш ҳақида ўзаро келишилган талаблар бўлиши мумкин.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Халқаро сертификатлаштириш тизимининг хусусиятлари нимада ?

2. Халқаро сертификатлаштириш тизимининг асосий афзалликлари қандай?

3. Халқаро сертификатлаштириш тизимининг асосий кўрсаткичларини санаб беринг ?

4. Халқаро сертификатлаштиришнинг қандай турлари мавжуд?

8-боб. РЕАЛ СЕКТОРДА МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ

8.1. Маҳсулот сифати иқтисодий категория сифатида ва унинг иқтисодиётдаги аҳамияти.

8.2. Маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини белгиловчи омиллар.

8.3. Маҳсулот сифатини ошириш иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг асосий услубий тамойиллари.

Таянч иборалар: маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги, сифатни оширишнинг иқтисодий самарадорлиги, сифатни бошқариш усуллари.

Маҳсулот сифати истеъмолчилар учун энг асосий кўрсаткичлардир, чунки, сифат маҳсулотнинг истеъмол хусусиятини белгилайди. Бу ерда маҳсулот сифатини ошиши унинг ҳажми ошишига олиб келади, шунингдек, маҳсулот сифатини ошиши учун нисбатан кам маблағ талаб қилинади. Истеъмолчилар талабини қондириш дегани бу товарлар ишлаб чиқариш учун эҳтиёж бор, дегани бу ўз навбатида, корхона бир меъёрда ишлашини таъминлайди ва уни келажагини белгилайди.

Кўплаб хорижий фирмалар юксак натижаларга эришишида асосан сифатга жиддий эътибор қаратдилар.

Сифатни бошқариш деган тушунча деярли янги йўналиш бўлишига қарамай, унинг жадал ривожланиш даври бозор иқтисодиёти даврига тўғри келади. Айни шу даврда кўплаб адабиётларда маҳсулот сифатини бошқариш борасида янгича талқин ва тарғиботлар кўпайиб, уларни таққослаш ва таҳлил қилиш лозим бўлади.

Маҳсулот сифатини бошқариш бўйича асосий тушунчалар. Маҳсулот сифатини бошқариш — маҳсулот сифати даражасини жорий қилиш, таъминлаш ва зарурий даражада ушлаб туриш мақсадида лойиҳалаш, тайёрлаш ва фойдаланиш (ёки истеъмол қилиш) пайтида амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуасидир.

Сифатнинг зарурий даражасини жорий этиш тадқиқот қилиш ва лойиҳалаш босқичида мамлакат ҳамда хориждаги энг илғор илмий-техникавий ютуқлар таҳлили асосида амалга оширилади. Мазкур босқичда сифатни бошқариш муҳим аҳамиятга эга, чунки

шу ерда бўлажак маҳсулотнинг асосий техникавий-иқтисодий ва фойдаланиш кўрсаткичлари ҳисобланади ва уларга асос қўйилади. Бу кўрсаткичлар истеъмолчиларнинг замонавий талабларидан юқорироқ бўлиши керак, чунки янги маҳсулот савдо соҳасига чиққунча унинг сифат кўрсаткичлари маънавий эскириб қолиши мумкин.

Маҳсулот сифатини таъминлаш ишлаб чиқариш босқичида амалга оширилади. Бу ерда маҳсулот сифати маҳсулотни тайёрлаш меъёрий-техникавий ҳужжатлар, жиҳозлар, ускуна ва асбоблар, олинадиган хомашё, материал ва жамловчи буюмлар сифати билан аниқланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини баҳолаш мезони сифатида амалдаги техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар лойиҳа ҳужжатларда, яъни биринчи босқичда кўзда тутилган мос кўрсаткичларга мувофиқлик даражаси хизмат қилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини сақлаб туриш айланиш ва сотиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш босқичларида амалга оширилади. Маҳсулот айланиши ва сотилиши сифати сақлаш ва транспортлаш сифатларидан йиғилади. Фойдаланишдаги маҳсулот сифатига келганда, у фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатлари, фойдаланиш ва таъмирлаш жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материаллар сифатларига ҳамда фойдаланувчи ва таъмирловчи ходимлар малакасига боғлиқ. Фойдаланишда маҳсулот сифатини баҳолаш мезони унинг кўрсаткичлари илова қилинган техникавий ҳужжатларда қайд қилинган мос кўрсаткичларга, яъни қондириши зарур бўлган амалий эҳтиёжларга мувофиқлиги даражасидир.

Маҳсулот сифатига илмий тадқиқотлар, конструкторлик технологик ишланмаларда асос солинади, фойдаланишда эса улар рўёбга чиқади.

Маҳсулот сифатини жорий қилиш, таъминлаш ва сақлаб туришнинг асосий босқичларини тавсифловчи "сифат сиртмоғи" мавжуд. Бу босқичларга:

- ✓ маҳсулотга бўлган талаблар, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини олдиндан кўриш (маркетинг тадқиқотлари);
- ✓ илмий-техникавий тараққиёт ютуқларини ҳисобга олган ҳолда олий сифат даражаси шакллантириш, меъёрий-техникавий ҳужжатларни тайёрлаш;
- ✓ ишлаб чиқарувчи корхона имкониятларини таҳлил қилиш;

✓ сифатли хом ашё, материал, жамловчи буюмлар билан моддий-техникавий таъминлаш;

✓ ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш, технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, жиҳоз, ускуна ва асбоблар билан таъминлаш;

✓ тегишли меъёрий-техникавий ҳужжатлар ва стандартларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш;

✓ техникавий назорат ва синаш, тайёрлаш сифатни баҳолаш;

✓ тайёр маҳсулотни сотиш, маҳсулотни сақлаш, транспортлаш ва сотиш жараёнида унинг сифатини сақлаб қолиш;

✓ тайёр маҳсулотни монтаж қилиш ва ундан фойдаланиш, хизмат қилиш ва таъмирлаш, сифатини таъминлаш, истеъмолчи маҳсулот сифати билан қоникқанлиги даражасинини баҳолаш.

Маҳсулот ҳаётининг циклининг охиригача босқичи уни фойдаланишга тиклаш (утилизация) ва қайта тикланган моддалардан тўлиқ фойдаланишдир.

Сифат – бошқариш объекти. Сифатни бошқариш назариясини ишлаб чиқишга атоқли олимлар П.Л. Чебишев, А.М. Ляпунов, И.Г. Венецкий, А.М. Длин, У.А. Шухарт, Э. Дэминг, А.Фейгенбаумлар катта ҳисса қўшганлар.

Сифатни бошқариш замонавий назарияси шундан келиб чиқадики, сифатни бошқариш бўйича фаолият маҳсулот ишлаб чиқарилгандан кейин самарали бўлиши мумкин эмас, бу фаолият маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилиши лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнидан одинги маҳсулот сифатини таъминловчи фаолият ҳам муҳимдир.

Сифат кўпгина тасодифий, маҳаллий ва субъектив омилларнинг таъсирига боғлиқ. Бу омиллар сифат даражасига кўрсатадиган таъсирининг олдини олиш учун **сифатни бошқариш тизими** зарур. Бунда айрим уюлмаган ва тасодифий ҳаракатлар эмас, балки сифатнинг тегишли даражасини сақлаб туриш мақсадида маҳсулотни яратиш жараёнига мунтазам таъсир қилиш чоралари мажмуаси зарур.

Сифатни бошқаришда тизим, муҳит, мақсад, дастур ва бошқа тушунчалардан фойдаланиши муқаррар.

Бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар ажратилади. *Бошқарилувчи* тизим ташкилот (фирма ва бошқа тузилмалар) ни бошқаришнинг турли даражаларидан иборат. *Бошқарувчи* тизим

сифат менежментини яратади. Замонавий адабиёт ва амалиётда сифат менежментининг қуйидаги концепциялари қўлланади:

- сифат тизими (Quality system);
- сифатни бошқаришга асосланган, менежмент тизими (Quality Driven Management System);
- умумий сифатни бошқариш (Total Quality Management);
- сифатни таъминлаш (Quality Assurance);
- сифатни бошқариш (Quality Control);
- сифатни статистик назорати (Statistical Quality Control);
- сифатни таъминлаш тизими (Quality Assurance System);
- маҳсулотни кафолатлаш (Product Assurance);
- умумий ишлаб чиқариш менежменти (Total Manufacturing Management);
- илғор ишлаб чиқариш тажрибаси (Good Manufacturing Practices);
- ишлаб чиқариш ресурсларини бошқариш тизими (Environmental Management System);
- "биз безовтамиз" тизими (We Care);
- "масъул шахслар безовталиги" тизими (Responsible Care);
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доирасидаги умумий сифат менежменти (Environmental TQM);
- ишлаб чиқаришни умумий таъминлаш (Total Manufacturing Assurance);
- жараёнлар интеграллашган менежменти (Integrated Process Management);
- сифатни яхшилаш мақсадидаги менежмент (Management for Quality Improvement);
- сифат ва унумдорликни тўла (умумий, тотал) бошқариш (Total Quality and Productivity Management);
- интеграллашган сифат менежменти (Integrated Management);
- узлуксиз яхшилашларни татбиқ этиш тизими (Continues Improvement Implementation System);
- сифатни тўла ислоҳот қилиш (Total Quality Transformation);
- сифат тизими менежменти (Quality System Management).

Сифат менежментининг бошқа концепциялари ҳам мавжуд. Биз сифатни бошқариш объектидек тушуниш учун зарур бўлган кичкина қисмини келтирдик, холос. Келтирилган концепциялар TQM услубиятида сифатнинг турли муаммоларини ечишда

қўлланадиган турли усуллар аслини акс эттиради. Замонавий фирмаларни бошқаришда TQM муҳим аҳамиятга эга.

Бошқариш тизими олий бўғин раҳбарларидан бошланади. Айнан олий бўғин раҳбарлари фирма олдингидан кўпроққа қодир, деган стратегиядан келиб чиқиши керак. Фирманинг ташкилий тузилмасида сифатни бошқариш бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи махсус бўлинмалар назарда тутилиши мумкин. Сифатни бошқариш функциялари бўлинмалар ўртасида тақсимланиши фирма фаолияти ҳажми ва хусусиятларига боғлиқ.

Менежмент объекти бўлмиш сифатга менежментнинг барча таркибий қисмлари хос: *режалаштириш, таҳлил, назорат*.

Замонавий сифат менежменти сифатни бошқариш ҳамда консултантлар дастурлари бўйича хорижий корпорациялар бажарган тадқиқотлар натижаларига асосланган. Бу "Хьюлетт-Паккард" каби машҳур корпорациялар тажрибасидир. 1980 йилларда бу ва қатор бошқа фирмалар сиёсатиға Ф.Б. Кросби, У.Э. Деминг, А.В. Фейгенбаум, К. Исикава, Дж.М. Джуран ишланмалари таъсир қилган.

Етакчи фирмалар фаолиятининг асослари қуйидагилар бўлиб қолди:

- олий бўғин раҳбарлари манфаатдорлиги;
- иш сифатини яхшилаш бўйича кенгаш ташкил қилиш;
- барча раҳбарлар таркибини ишни яхшилаш жараёнига жалб қилиш;
- жамоа иштирокини таъминлаш;
- индивидуал иштирокни таъминлаш;
- тизимларни такомиллаштирувчи гуруҳларни яратиш (жараёнларни бошқарувчи гуруҳлар);
- таъминловчиларни тўлароқ жалб қилиш;
- бошқариш тизимлари ишлаш сифатини таъминлаш;
- ишни яхшилашнинг қисқа муддатли режалари ва узоқ муддатли стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- хизматларни тан олиш тизимини яратиш.

Айниқса, бошқариш тизимлари ишлаш сифатини таъминлаш йўналишида тўхталиб ўтиш керак. Сифатни бошқариш бўйича консултантлар сифат ва ишончлилиқни бошқарувчи хизматлар ҳаракат ва ресурсларини муаммоларни аниқлаш ва хатоларни тўғрилашга йўналтирганларига эътибор беришган.

Натижада оғишлар бўйича бошқариш тизими шаклланган. Бу

тизим хатоларга жавоб қайтарган, лекин профилактик чора-тадбирларга ҳамда ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган бўлинмаларга муносиб баҳо бермаган. Сифатни таъминлаш фирманинг ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятини бошқарувчи тизимларга боғлиқ, деган хулоса чиқарилган.

Сифат бўйича етакчи консультантлардан бири Ф.Кросби рағбатлантириш тизими муҳимлигига эътиборни жалб қилди. Ходимлар хизматларини тан олиш ва юксак натижаларга эришишга қизиқтириш замонавий сифат менежментининг таркибий қисмидир.

1951 йилда Деминг мукофоти ҳақида низом ишлаб чиқилди ва у умумий сифатни бошқариш (TQM) модели асосини яратди. У модел экспертларнинг кенг доирасидан тушадиган маълумотнинг мунтазам тахлилини ва сифатга янгича қарашни назарда тутди. Деминг мукофоти Япония сифатига эришишда катта рол ўйнади. Кейинроқ, 1987 йилда АҚШ да Малколм Балдридж номидаги мукофот таъсис этилди. М.Балдридж мукофоти моделининг ривож и бизнес натижалари ва жамиятга қилган таъсирни баҳоловчи Европа сифат мукофоти бўлди.



8-расм. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий босқичлари

Шиддатли рақобат шароитида фаолият кўрсатаётган фирмалар сифат соҳасидаги сиёсатни шундай ифода қилишадики, у фақат таклиф этилаётган буюмлар ёки хизматлар сифатларигагина эмас, балки ҳар бир ишчи фаолиятига дахлдор бўлиши керак. Сиёсатда аниқ фирма учун иш сифати стандартлари даражаси ва сифатни таъминлаш тизимларининг жиҳатлари аниқ белгиланади. Бунда берилган сифатли маҳсулот истеъмолчига маълум муддатларда, маълум ҳажмда ва мақбул нархда етказиб берилиши керак.

Бугунги кунда сифатни бошқаришда маҳсулот сифати юқори барқарорлиги ва турғунлиги кафолати бўлган сифат менеджментининг сертификатлаштирилган тизими муҳим аҳамиятга эга. Сифат тизимининг сертификати фирмага бозорда рақобат устунлигини сақлаб қолиш имконини беради.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Товар қандай восита сифатида таърифланади?
2. Сифат самарадорлигини айтиб беринг.
3. Самарадорлик деганда нимани тушунасиш?
4. Маҳсулот сифати қандай?

9-БОБ. РЕАЛ СЕКТОРДА МАҲСУЛОТ СИФАТИ ОРҚАЛИ РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШДА EAN ШТРИХ КОДЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

9.1. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга штрихли кодлашни жорий этиш.

9.2. “EAN International” товарларни рақамлаш бўйича Халқаро Уюшма фаолияти.

9.3. Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан халқаро талабларга мувофиқ, товарларни EAN штрихли кодлари билан тамғалаш жараёни.

9.4. Штрих кодларнинг яратилиши ва унинг халқаро савдога таъсири.

Таянч иборалар: сифатни бошқаришда штрихли кодлаш, “EAN International” товарларни рақамлаш, штрих кодларнинг яратилиши.

Ўзбекистон товарларининг ички ва хорижий бозорларда рақобатбардошлилигини ошириш, товар ишлаб чиқарувчини товарларни рақамлашнинг халқаро тизимлари доирасида идентификатлаштириш, истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, товарлар ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритишни таъминлаш мақсадида жорий этди.

1. Қуйидагилар:

"EAN International" товарларни рақамлаш Халқаро Уюшмаси (Бельгия) томонидан Ўзбекистон Республикасига 478 рақамли идентификатлаштириш коди берилганлиги;

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан халқаро талабларга мувофиқ, товарлари EAN штрихли кодлари билан тамғаланадиган тадбиркорлик фаолияти субъектларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда товарларни идентификатлаштириш тизимидан фойдаланувчилар фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш учун "EAN Uzbekistan" товарлар ва хизматларни автоматик идентификатлаштириш маркази ташкил этилганлиги;

"Ўздавстандарт" маркази томонидан штрихли кодларнинг оригинал-макетларини тайёрлаш маркази ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларни штрихли кодлаш тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. "Ўзстандарт" агентлигига:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларни штрихли кодлаш тизимини жорий этиш бўйича ягона сиёсатни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар штрихли кодларининг давлат реестрини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ штрихли кодлаш тизими қўллаш тартибини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни ва услубий материалларни ишлаб чиқиш;

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларни турли манбалардаги штрихли кодлар оригинал-макетлари билан таъмирлаш функциялари юкланди.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда "Ўздавстандарт" маркази билан биргаликда 1999 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдо корхоналари вакиллари кўрсатиб ўтилган тизимни қўллаш хусусиятлари билан таништириш учун "Ўзбекистон Республикасида товарни рақамлаш (штрихли кодлаш)" мавзуида республика семинари ўтказилди.

5. Мулкчиликнинг барча шаклларидаги юридик шахсларга товарларни штрихли кодлашни:

Экспорт қилинаётган маҳсулотларни, янги товарларни ва улар учун янги этикеткалар ёки ўраш-жойлаш буюмлари буюртма қилинаётган товарларни тамғалашни 2000 йил 1 мартгача;

Бошқа барча товарларни тамғалашни 2000 йил охиригача жорий этиш тавсия қилинди.

Белгилаб қўйилсинки, ўз маҳсулотига "EAN International" штрихли кодини учинчи мамлакатларда олган тадбиркорлик фаолияти субъектлари ундан ушбу қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида фойдаланишлари мумкин.

Штрих код – бу қора ва оқ ранглардан иборат бўлган, техника воситалари орқали маълум бир ахборотни ҳисоб-китоб қилишга ёрдам берадиган жараён ҳисобланади.

Штрих кодлаш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1948 йили Дрекселя (Филадельфия) университети аспиранти Бернард Силвер

(1924–1962) маҳаллий озиқ-овқатлар ишлаб чиқарадиган компаниясининг президенти университет деканидан янги автоматик тарзда маҳсулотлар ҳақидаги ахборотни ўқийдиган ва ҳисоблайдиган тизим яратишини сўраганини эшитиб қолди.

Б. Сильвер бу ҳақда дўстлари – Джордин Джохэнсон ва Норман Джозеф Вудландларга сўзлаб берди. Улар биргаликда маркировка тизими устида изланишга киришдилар.

Улар томонидан биринчи ишлаб чиқилган тизим ултрабинафша сиёҳлардан иборат бўлиб, у жуда қиммат ҳамда вақт ўтиши билан учиб кетарди. Тизимнинг амалга ошириш мумкинлигига ишонган Н.Д. Вудланд ишни давом эттириш учун Флоридага борди.

Кейинги уринишларида Морзе алифбоси унга ёрдам берди. У ўзининг биринчи штрих-кодини денгиз қирғоғидаги қумдан тузди: “Мен фақатгина пастдаги нуқта ва тиреларни кенгайтирдим ва улардан қисқа ва узун вертикал чизиклар ҳосил қилдим” деб таърифлаган.


✦ Штрихларни ўқиш учун у оптик саунтрек ва кинофилмлар овозини ёзиб оладиган технологик қурилмаларидан фойдаланди.

✦ 1949 йили октябр ойида Н. Вудланд ва Б. Сильвер патент бюросига ариза беришди.

✦ 1952 йили 7 октябрда ўзларининг ихтиролари учун 2612994 рақамли америка патентини олишди.



Чизикли штрих код



Икки ўлчамли штрих код

- ✦ 1 – Мамлакат коди.
- ✦ 2 – Таёрловчи коди.
- ✦ 3 – Товар коди.
- ✦ 4 – Назорат рақами.
- ✦ 5 – Товар белгиси. Лицензия асосида ишлаб чиқарувчи.



Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Штрих код ҳақида сўзлаб беринг?
2. Штрих код қандай усуллар билан ўрганилади?
3. Республикамиз истеъмолчиларига штрих коднинг қандай қўлайлиги мавжуд?
4. Икки ўлчамли штрих код сиёсати қандай ўрин тутади?

10-БОБ. ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҲИМОЯЛАНИШИ

10.1. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва унинг мазмуни.

10.2. Истеъмолчилар ҳуқуқлари ва ишлаб чиқарувчилар ҳамда товар тўғрисидаги ахборотнинг мазмуни.

10.3. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишни давлат томонидан таъминлаш.

Таянч иборалар: истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, маҳсулот хавфсизлиги, истеъмолчилар ҳуқуқи.

Халқаро миқёсда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни 1983 йилдан бошлаб нишонланадиган бўлди. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш куни нишонланишига асос бўлувчи Америка Қўшма Штатлари Президенти Джон Кеннеди 1961 йил 15 мартдаги АҚШ конгрессида қилган маърузасида истеъмолчиларнинг 4 та асосий ҳуқуқларини таъкидлаб ўтади. Улар: истеъмолчиларнинг танлаш ҳуқуқлари, истеъмолчилар хавфсизлигини таъминлаш, ахборот эркинлиги, ўз фикрларини баён этиш ҳуқуқлари эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 9 апрел 1985 йилдаги кенгашида “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тамойиллари” ҳақида қарор қабул қилинади ва АҚШ президенти Дж.Кеннеди атганларига қуйидагилар қўшимча қилинади: билим олиш, озиқ-овқат маҳсулотларидан қониқиш, уй-жойга эга бўлиш, кийиниш, ичиш, сифатли хизматга ва ҳуқуқлари паймол бўлган тақдирда уларнинг ўрнини қоплаш қўшимча ҳолида тавсия этилди ва бу ҳақда БМТ қарор қабул қилди.

Россия федерациясида “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги қонун 1992 йилда қабул қилинади ва 1994 йил 15 март куни “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” куни байрам сифатида нишонланиши белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун 1996 йил 26 апрелда қабул қилинади. Ушбу қонунга 2002 йил 5 апрелда 364-П – сонли, 2003 йил 25 апрел 482-П–сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида қўшимчалар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳар томонлама мукамал ишлаб чиқилган ва 30 та моддани ўз ичига олади. Қонунда қўлланиладиган барча асосий тушунчалар аниқ, тушунарли ва ҳалқаро нормаларга тўла жавоб берадиган ҳолда ўз ифодасини топган.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, мазкур Қонунда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

истеъмолчи – фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс);

ишлаб чиқарувчи – истеъмолчига реализация қилиш учун товар ишлаб чиқарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор;

ижрочи – маиший хизмат, уй-жой-коммунал, таъмирлаш-қурилиш, транспорт хизмати ва хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида шартнома бўйича истеъмолчи учун ишлар бажарадиган ёки хизматлар кўрсатадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор;

сотувчи – олди-сотди шартномаси бўйича истеъмолчига товар реализация қиладиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор;

шартнома – товарни олиш-сотишни амалга оширишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда сифат, миқдор, муддат, нарх ва бошқа шартлар тўғрисида истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма келишув;

товар – ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган маҳсулот, шу жумладан, импорт маҳсулоти;

норматив ҳужжатлар – стандартлар, уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар (қурилиш нормалари ва қоидалари, доридармонлар хусусидаги давлат фармокопеяси ҳамда муваффақият фармокопея қоидалари ва бошқалар), техник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва товар (иш, хизмат) сифатига ва хавфсизлигига нисбатан белгиланган талабларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжатлар;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги – товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация

қилишнинг, шунингдек, иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлиги;

мувофиқлик сертификати – сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

товар (иш, хизмат)нинг нуқсони – товар (иш, хизмат)нинг норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёхуд товар (иш, хизмат)нинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиқлиги;

товар (иш, хизмат)нинг жиддий нуқсони – товар (иш, хизмат)дан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган қилиб қўядиган ёхуд бартараф этиш учун кўп меҳнат ва вақт сарфлаш талаб қиладиган камчилик;

кафолат муддати – товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (ойлар ҳисобидаги) норматив муддати ёки товар (хизмат)нинг муайян вазифани (неча соатда, неча иш жараёнида, қанча километр масофани босиб ўтиб ва ҳ.к) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), башарти товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) қоидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди;

хизмат муддати – товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим;

яроқлилиқ (сақлаш) муддати – муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин;

касса чеки – товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқлайдиган, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ва касса аппаратининг номери кўрсатилган ҳужжат;

товар чеки – товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ҳамда сотувчининг номи ва жойлашган манзили ҳақидаги маълумот кўрсатилган ҳужжат.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан

иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Қонун ҳужжатлари ушбу Қонунда белгиланган истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиши, уларни ҳимоя қилишнинг қафолатларини камайтириши мумкин эмас.

Агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартнома ёки битимда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

Истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши; ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;

бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;

истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.

Ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган (юримдик) манзили ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт. Бундай маълумот ишлаб чиқариш маркаси ёки товар белгисиди кўрсатилган бўлиши ёхуд бошқа усулда тақдим этилиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юримдик) манзили ва иш тартибини истеъмолчига маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумот савдо ва хизмат кўрсатиш муваққат бинолар, ярмаркалар, кўчма дўкончалар орқали амалга оширилган ёки савдо ва хизмат кўрсатиш сотувчи (ижрочи)нинг доимий жойлашган манзилидан ташқарида амалга оширилган бошқа ҳолларда ҳам истеъмолчилар эътиборига етказилиши керак.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчига товарлар савдоси, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишнинг қоидалари тўғрисида тўлиқ маълумот бериши шарт.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;

товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

баҳоси ва сотиб олиш шартлари;

айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари;

товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;

товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек, бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек, таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;

товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари;

театр-концерт тадбирлари ўтказилаётганда фонограммадан фойдаланилиши тўғрисидаги ахборот.

Сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши

лозим.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги:

зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинishiга сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи тегишли маълумот оқилона қисқа (кўпи билан уч кунлик) муддатда берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Агар маълумот айtilган муддатда берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) олдида қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас, деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Истеъмолчи шартнома тузиш йўли билан товарни (иш, хизматни) эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу шартномага кўра сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмолчига муайян миқдордаги ва мақбул сифатли товарни мулк қилиб топшириш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) мажбуриятини, истеъмолчи эса, шартлашилган пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олади.

Нархнома билан қўйилган товарлар ҳамда товар (иш, хизмат)лар ҳақида келувчилар эътиборига ҳавола этиладиган маълумот тегишли шартномани тузиш учун таклиф деб

ҳисобланади.

Томонлар ўртасида шартнома нарсаси, миқдор, нарх ва бошқа муҳим шартлар тўғрисида келишувга эришилса, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасида шартнома тузилган деб ҳисобланади.

Тузилган заҳоти бажариладиган шартнома, қоида тариқасида, оғзаки шаклда тузилади, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно. Тузилган вақтдан бошқа пайтда (олдиндан бериладиган буюртмалар бўйича, жўнатма савдода ва бошқа ҳолларда) бажариладиган шартнома ёзма шаклда тузилади.

Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт.

Олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қоидалар, шунингдек, айрим турдаги товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланади.

Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Товарларни кредитга сотиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланадиган товарларни кредитга сотиш қоидалари билан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Олди-сотди амалга оширилганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чекини бермасдан сотиш тақиқланади.

Узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим. Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар (хизмат)нинг, шу жумладан, бутловчи буюмларнинг нормал ишлашини (қўлланилишини, улардан фойдаланилишини) таъминлаши шарт.

Бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Кафолат муддати товар (хизмат)нинг паспортида ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган бошқа ҳужжатда кўрсатилади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериши шарт.

Дори-дармон, озиқ-овқат ва маиший кимё товарларида улар ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилик муддати ҳамда сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларнинг яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки бу муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиши ва реализация қилиши ман этилади.

Истеъмолчи ўзи сотиб олган товар (иш, хизмат) санитария-гигиена, шу жумладан, радиология, эпидемияга қарши талабларга ва амалдаги бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки бажарилган бўлишига ва унинг ҳаёти, соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига, шунингдек, унинг мол-мулкига зарар етказмаслигига кафолат берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товар (иш, хизмат)нинг истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига доир талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижроочи) товар (иш, хизмат)нинг хизмат муддати ёки яроқлилик муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавф туғдирувчи товар ишлаб чиқарганлик (иш бажарганлик, хизмат кўрсатганлик) учун қонун ҳужжатларига

мувофиқ:

ишлаб чиқарувчи (ижрочи);

норматив ҳужжатларни тасдиқлаган орган;

мувофиқлик сертификати берган орган;

соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ветеринария хизмати органлари ёки хавфли товар (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ёхуд реализация қилишга рухсат берган бошқа органлар жавобгар бўлади.

Товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши таъминланмаганлиги оқибатида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар ушбу Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ қопланиши лозим.

Агар товар (иш, хизмат)дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун махсус қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай қоидаларни ишлаб чиқиши, сотувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт.

Агар товардан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш, иш (хизмат) натижалари истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига ёки атроф-муҳитга зарар етказаётганлиги ёхуд зарар етказиши мумкинлиги аниқланса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) зарар келтирувчи сабаблар бартараф этилгунга қадар уларни ишлаб чиқаришни (бажаришни, уни реализация қилишни) дарҳол тўхтатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш чораларини кўриши шарт.

Зарарнинг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаши, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиши шарт, шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулоти сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан албатта утилизация қилиниши керак. Бу мажбуриятлар ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бажарилмаган тақдирда товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўйиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг кўрсатмаси билан амалга оширилади.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган товарларнинг партияларини муомаладан

чиқариш, ишларни бажаришни ва хизматлар кўрсатишни тақиқлаб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Товарни қайтариб олиш, ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни тақиқлаб қўйиш муносабати билан истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Агар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) хавфли хоссаларга эга бўлган товарни қайтариб олиш юзасидан барча зарур чораларни кўрган бўлса, у истеъмолчи мазкур товардан фойдаланишни давом эттиравериши туфайли етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилинади.

Нуқсонли товар сотилган истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:

товарни айна шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;

товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш;

товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларни бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш;

харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш;
шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш.

Агар нуқсонлар:

товарнинг кафолат муддати ёхуд яроқлилик муддати мобайнида;

кафолат муддати ва яроқлилик муддати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мобайнида;

кўчмас мулк истеъмолчига ўтказилган кундан эътиборан икки йил мобайнида, агар шартномада бундан узокроқ муддат назарда тутилмаган бўлса;

мавсумий товарлар учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган муддат мобайнида аниқланган бўлса, истеъмолчи мазкур ҳуқуқларини рўёбга чиқариши мумкин.

Истеъмолчи ўзига сотилган, тўпламлар, гарнитурлар, комплектлар ва комплексларнинг мустақил таркибий қисми бўлган ва мустақил нархга эга бўлган буюмларда нуқсонлар борлигини

аниқлаган тақдирда, бутун тўплам, гарнитур, комплект ва комплексга нисбатан ҳам, уларнинг нуқсонлари бор мустақил таркибий қисмларига нисбатан ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган талабларни истеъмолчи сотувчига қўяди.

Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса, тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда қўриб чиқилади.

Истеъмолчи техник паспортни йўқотиб қўйган тақдирда, уни қайта тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Товарда аниқланган нуқсонлар ишлаб чиқарувчи томонидан бартараф этилади. Ишлаб чиқарувчи билан сотувчининг ўзаро муносабатлари шартнома билан тартибга солинади.

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айти шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айти шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Чўл ва олис жойларда, товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчининг бундай талаби ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Товарда кафолат муддатида топилган нуқсонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида, ишлаб чиқарувчи эса, ўн кун ичида бепул бартараф этиши

ЛОЗИМ.

Истеъмолчи кафолат муддати тугаганидан кейин товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига талаб қўйишга ҳақли. Бундай талаб, башарти товарда ишлаб чиқарувчининг айби билан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар аниқланган бўлса, белгиланган хизмат муддати мобайнида, агар хизмат муддати белгиланмаган бўлса, ўн йил мобайнида қўйилиши мумкин.

Узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарни таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиб туриш учун истеъмолчининг талабига биноан нуқсонли товар қайтариб берилганидан кейин уч кун ичида унга айти шундай маркали (моделли, артикулли) товар бериб турилади (сотувчининг ҳисобидан унинг ўзи ёки вакили элиб беради). Бунинг учун ишлаб чиқарувчи сотувчи билан биргаликда шартнома асосида товарларнинг алмашув фондини назарда тутишлари шарт. Мазкур талаблар татбиқ этилмайдиган узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайди.

Товардаги нуқсонларни бартараф этиш хусусида талаб қўйилган тақдирда, ундан фойдаланишнинг кафолат муддати истеъмолчининг товардан фойдалана олмаган даврга тенг муддатга узайтирилади. Мазкур муддат истеъмолчи нуқсонларни бартараф этиш талаби билан мурожаат этган кундан эътиборан ҳисоблана бошлайди.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиш учун шундай товарни бериб туриш ҳақидаги талабини бажариш кечиктирилган ҳар бир кун учун, шунингдек, нуқсонларни бартараф этишнинг шартномадан келиб чиқадиган муддатларидан ортиқ кечиктирилган ҳар бир кун учун товар нархининг бир фоизи миқдорида истеъмолчига неустойка (пеня) тўлайди.

Агар сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг товарни алмаштириб бериш ёки ундаги нуқсонларни бартараф этиш ҳақидаги талабларини бажармаган бўлса, истеъмолчи товарнинг харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилиб, етказилган зиён ва маънавий зарарни ушбу Қонуннинг 20 ва 22-моддаларига мувофиқ қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Нуқсонли товар айти шундай маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилган вақтда товарнинг нархи ўзгарган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Нуқсонли товар бошқа маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилаётганда, агар алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан паст бўлса, истеъмолчи нархлардаги фарқни қўшимча равишда тўлаши лозим, алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан юқори бўлса, истеъмолчига нархлардаги фарқ қайтарилади. Бундай ҳисоб-китоб чоғида алмаштирилиши керак бўлган товар нархи ошган тақдирда, унинг талаб қўйилган пайтдаги нархи, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги нархи қўлланилади.

Шартнома бекор қилинаётганда товар нархи ошган бўлса, истеъмолчи билан ҳисоб-китоб товарнинг тегишли талаб қўйилган пайтдаги қийматига қараб, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги қийматига қараб амалга оширилади.

Товар истеъмолчиларга кредитга сотилган бўлса, шартнома бекор қилинган тақдирда, пул суммаси товар қайтарилаётган пайтга қадар узилган кредит миқдорида қайтариб берилади, шунингдек, кредит берганлик ҳақи тўланади.

Ҳажми катта ёки вази беш килограммдан зиёд товарни таъмирлаш, нархини тушириш, алмаштириш учун элтиш ва истеъмолчига қайтариб келтириб бериш сотувчининг (ишлаб чиқарувчининг) кучи билан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда товарни элтиш ва қайтариб олиб келиш истеъмолчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда истеъмолчининг товарни элтиш ва қайтариб олиб кетиш билан боғлиқ харажатларини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) қоплаши шарт.

Истеъмолчи мақбул сифатли ноозиқ-овқат товарини харид қилган кунидан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айти шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли.

Алмаштириб олиш тартиби ва алмаштириб берилмайдиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлайдиган қоидалар билан белгиланади.

Ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда,

ҳажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиши) шарт.

Ишни бажариш (хизмат кўрсатиш) муддати иш бажарилиши (хизмат кўрсатилиши) лозим бўлган санага (даврга), шунингдек, ижрочи ишни бажаришга (хизмат кўрсатишга) киришиши лозим бўлган санага (даврга) қараб белгиланиши мумкин. Агар иш бажариш, хизмат кўрсатиш шартноманинг амал қилиш муддати давомида қисмларга бўлиб-бўлиб адо этиладиган бўлса (вақтли матбуотни етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар), ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш)нинг босқичма-босқич муддатлари (даврлари) назарда тутилиши керак.

Агар ижрочи шартномани ижро этишга ўз вақтида киришмаса ёки шартноманинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги аён бўлиб қолса, истеъмолчи ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномадан воз кечишга ва етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса, ёхуд ишда (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра нуқсонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуқсонларга мутаносиб равишда камайтирилишини, худди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошқа буюм бепул тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёинки шартнома бекор қилиниб, кўрилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Истеъмолчи ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқларни:

ишни (хизматни) қабул қилиб олиш вақтида ёки унинг бажарилиши жараёнида нуқсонлар аниқланган тақдирда;

кафолат муддати давомида, кафолат муддати бўлмаган тақдирда эса, иш (хизмат) қабул қилиб олинган кундан эътиборан олти ой давомида;

иморат ёки бошқа кўчмас мулкда нуқсонлар аниқланган кундан эътиборан икки йил давомида рўёбга чиқариши мумкин.

Иш бажариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида аниқланган нуқсонларни бартараф этиш муддатлари шартномада белгилаб қўйилади. Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)даги нуқсонлар, агар шартномада бир мунча қисқароқ муддат белгиланмаган бўлса, истеъмолчи талаб қилган кундан эътиборан йигирма кун ичида

ижрочи томонидан бартараф этилиши керак. Нуқсонлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган, шунингдек, иш бажаришни (хизмат кўрсатишни) бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган тақдирда, ижрочи истеъмолчига ҳар бир кечиктирилган кун, соат (агар муддат соатларда белгиланган бўлса) учун иш (хизмат) қийматининг ёки буюртма қийматининг (агар унинг қиймати алоҳида белгиланмаган бўлса) бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчи ундириб олган неустойка (пеня) суммаси иш бажариш (хизмат кўрсатиш)нинг алоҳида тури баҳосидан ёки буюртманинг умумий баҳосидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бажарилган ишдаги нуқсонларни бартараф этиш кечиктирилганлиги учун ижрочи тўлаган неустойка (пеня) қопланиши лозим бўлган зарар ҳисобига кирмайди.

Ижрочининг мажбуриятни умуман ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (пеня) тўлаши ва зарарни қоплаши уни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

Истеъмолчидан қабул қилиб олинган ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда ёки истеъмолчининг материалидан фойдаланиб бажарилган ишда жиддий нуқсонлар бўлса ёки у бузиб бажарилган тақдирда ижрочи истеъмолчига айнан ўхшаш сифатли ашёни қайтариши (ўзининг айнан ўхшаш сифатли материалидан иш бажариши ёки хизмат кўрсатиши), бунинг имконияти бўлмаган тақдирда эса, ашёнинг (материалнинг) талаб қўйилган пайтдаги қийматини икки баравар қилиб тўлаши шарт.

Ижрочи томонидан ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун қабул қилиб олинаётган ашё (материал) қиймати шартнома тузиш пайтида томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

Ишда (хизматда) жиддий нуқсонлар мавжуд бўлганида ёки шартнома талаблари жиддий бузилганида, шунингдек, ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда истеъмолчи билан ҳисоб-китоб ишнинг (хизматнинг) ёки материалнинг шартномани бекор қилиш пайтидаги ошган нарҳини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Сифатсиз бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар учун ижрочи ушбу Қонуннинг 20, 22, 27, 29-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисида тузилган

шартномалар бўйича истеъмолчилар билан ижрочи ўртасидаги муносабатларнинг ўз моҳиятига кўра ушбу моддага мос келмайдиган хусусиятлари, шунингдек, шартномаларнинг умуман ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги туфайли келиб чиқадиган оқибатлар бундай шартномаларнинг алоҳида турлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган қоидалар билан аниқланади.

Товар (иш, хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуқсонлари, шунингдек, истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсони туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, сақлаш ёхуд ташишнинг белгиланган қоидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади.

Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талаблари ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Агар уларни қўлланиш натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга ҳақли эмас.

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган

ҳақ миқдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкӣй зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, судлар таъминлайдилар.

Қуйидагилар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органларидир: Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (бундан буён матнда "Ўзстандарт" агентлиги деб юритилади); Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилувчи бошқа давлат бошқаруви органлари.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишининг аҳамияти ва моҳияти нималардан иборат ?
2. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилиш тўғрисида нималарни биласиз ?
3. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши тўғрисида фикрларингиз қандай ?
4. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишининг асосий йўналишлари қандай ?
5. Республикамизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилиш қандай йўлга қўйилган ?

11-боб: РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА УМУМИЙ ЎЛЧОВ ТИЗИМИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИДА СИФАТНИ ОШИРИШ

11.1. Ўлчов сифати тушунчаси ва унинг моҳияти.

11.2. Ўлчов ҳолати хусусиятларининг тавсифи.

Таянч иборалар: сифатни бошқаришда ўлчов тизими тушунчаси, ўлчов сифати тушунчаси, ягона ўлчовни таъминлаш, давлат эталони, ишчи эталон.

Ҳар бир нарсанинг сифати бўлганлиги каби ўлчашларнинг сифати ва унинг мезонлари мавжуд. Бу мезонлар ўлчашлардаги асосий тавсифларни ифодалайди.

Аниқлик — бу мезон ўлчаш натижаларини катталиқнинг чинакам қийматига яқинлигини ифодалайди.

❧ **Ишонччилик** — ўлчаш натижаларига ишонч даражасининг белгиловчи мезон ҳисобланади.

❧ **Тўғрилиқ** — ўлчаш натижаларидаги мунтазам хатоликларнинг нолга яқинлигини билдирувчи сифат мезони.

❧ **Мос келувчанлиги** — бир хил шароитлардаги ўлчашларнинг натижаларини бир-бирига яқинлигини билдирувчи сифат мезони.

❧ **Қайтарувчанлик** — ушбу мезон ҳар хил шароитларда (турли вақтда, ҳар хил жойларда, турли усулларда ва воситаларда) бажарилган ўлчашларнинг натижаларини бир-бирига яқинлигини билдиради.

❧ **Ўлчаш хатолиги** — ўлчаш натижасини чинакам (ҳақиқий) қийматдан четлашувини (оғишувини) ифодаловчи ўлчашнинг сифат мезони.

Ўлчаш хатоликлари турли сабаблар

❧ Ўлчаш воситасидан фойдаланишда уни созлашдан ёки созлаш даражасининг силжишидан келиб чиқувчи сабаблар;

❧ Ўлчаш объектини ўлчаш жойига (позициясига) ўрнатишдан келиб чиқувчи сабаблар;

❧ Ўлчаш воситаларининг занжирида ўлчаш маълумотини олиш, сақлаш, ўзгартириш ва тавсия этиш билан боғлиқ сабаблар;

❧ Ўлчаш воситаси ва объектига нисбатан ташқи таъсирлар (температура ёки босимнинг ўзгариши, электр ва магнит майдонларнинг таъсири, турли тебранишлар ва ҳоказолар)дан

келиб чиқувчи сабаблар;

☞ Ўлчаш объектининг хусусиятларидан келиб чиқувчи сабаблар;

☞ операторнинг малакаси ва ҳолатига боғлиқ сабаблар ва шу кабилар.

Аналог ўлчаш асбоблари ўлчаш техникасида кенг ўрин олган асбоблардан ҳисобланади. Бу турдаги асбобларда кўрсатув қайдномаси узлуксиз (функционал) равишда ўлчанаётган катталиқ билан боғлиқликда бўлади.

Аналог ўлчаш асбоблари ўлчаш механизмининг ишлаш тизимига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- ☞ Магнитоэлектрик ўлчаш асбоблари;
- ☞ Электромагнит ўлчаш асбоблари;
- ☞ Электродинамик ўлчаш асбоблари;
- ☞ Индукцион ўлчаш асбоблари;
- ☞ Ферродинамик ўлчаш асбоблари;
- ☞ Электростатик ўлчаш асбоблари.

Магнитоэлектрик ўлчаш асбоблари афзалликлари:

- ☞ шкаласи тўғри чизиқли;
- ☞ сезгирлиги юқори;
- ☞ ўлчаш хатолиги кичик.

Камчиликлари:

- ☞ фақат ўзгармас ток занжирларидагина ишлай олади;
- ☞ бевосита катта қийматдаги тоқларни ўлчай олмайди;
- ☞ таннархи баланд.

Электромагнит ўлчаш асбоблари афзалликлари:

- ☞ ҳам ўзгарувчан, ҳам ўзгармас ток занжирларида ишлайди;
- ☞ бевосита катта қийматдаги тоқларни ҳам ўлчаши мумкин;
- ☞ конструкцияси нисбатан содда.

Камчиликлари.

- ☞ шкаласи эгри чизиқли (квадратча);
- ☞ ўлчаш хатолиги бироз катта (магнитоэлектрикка нисбатан); сезгирлиги юқори эмас.

Электродинамик ўлчаш асбоблари афзалликлари:

- ☞ ҳам ўзгарувчан, ҳам ўзгармас ток занжирларида ишлайди;
- ☞ юқори даражадаги аниқликка эга;
- ☞ электр қуввати сарфини ҳисоблашда қўлланилиши мумкин;
- ☞ бир вақтнинг ўзида иккита катталиқни текшириш мумкин.

Камчиликлари:

- ☞ хусусий энергия сарфи катта;
- ☞ ташки температурага боғлиқлиги кучли;
- ☞ катта қийматларни бевосита ўлчай олмайди.

Рақамли ўлчаш асбоби деб, ўлчаш борасида узлуксиз ўлчанаётган катталикни натижаси рақамли қайд этиш қурилмасида ёки рақамларни ёзиб боровчи қурилмада дискрет тарзда ўзгартирилиб, индикацияланадиган асбобларга айтилади. Рақамли ўлчаш асбоблари ҳозирги кунда жуда кенг тарқалган. Тавсия этиладиган маълумотни қулайлиги ва аниқлиги сабабли рақамли ўлчаш асбоблари илмий-тешириш лабораторияларидан кенг ўрин олган:

Рақамли ўлчаш асбобларининг аналог ўлчаш асбобларига нисбатан қуйидаги афзалликларга эгадир;

- ☞ юқори аниқлик;
- ☞ кенг иш диапазони;
- ☞ тезкорлик;
- ☞ ўлчаш натижаларини қулай тарзда тавсия этилиши;
- ☞ автоматлаштирилган тармоқларга улаш мумкинлиги;
- ☞ ўлчаш жараёнини автоматлаштириш имкониятлари мавжудлиги ва ҳоказолар.

1. Хатоликлар чегарасини назарий жиҳатдан баҳолаш — бу услуб ўлчаш услубини, ўлчаш воситаларнинг характеристикаларини, ўлчаш тенгламасини ва ўлчаш шароитларини таҳлил қилишга асосланади. *Масалан: ўлчаш асбобининг параметрлари ёки текиширилаётган занжирнинг иш режимини билган ҳолда биз унинг тузатмасини (хатолиги) топишимиз мумкин. Хатолик, бунда, асбобнинг истеъмол қилувчи қувватидан, ўлчанаётган кучланишнинг частотасининг ошишидан ҳосил бўлиши мумкин.*

2. Хатоликни ўлчаш натижалари бўйича баҳолаш-ўлчаш натижалари ҳар хил принципдаги усул ва ўлчаш аппаратурасидан (воситаларидан) олинади. Ўлчаш натижалари орасидаги фарқ — мунтазам хатоликни характерлайди. Бу услуб юқори аниқликдаги ўлчашларда ишлатилади.

Ҳар хил характеристикага эга бўлган, лекин, бир хил физикавий принципда ишлайдиган аппаратура ёрдамида ўлчаш усули. Бунда ўлчаш кўп маротаба такрорланиб, ўлчаш натижалари мунтазам статистика усули ёрдамида ҳам ишланади.

Мунтазам хатоликни йўқотишнинг махсус усулини қўллаш —

ўрин алмаштириш (ўриндошлик), дифференциал усули, симметрик кузатишлардаги хатоликларни компенсациялаш усули.

Тасодикий хатолик бирор физикавий катталики такрор ўлчаганда ҳосил бўладиган, ўзгарувчан, яъни маълум қонуниятга бўйсунмаган ҳолда келиб чиқадиган хатоликдир. Бу хатолик айти пайтда нима сабабга кўра келиб чиққанлиги ноаниқлигича қолади, шунинг учун ҳам уни йўқотиш мумкин эмас.

Аниқлик классификацияси — бу ўлчаш воситаларини шундай умумлашган характеристикаси бўлиб, уларнинг йўл қўйиши мумкин бўлган асосий ва қўшимча хатоликлари чегараси (доираси) билан аниқланади. Демак, аниқлик классификацияси ўлчаш воситасининг аниқлик кўрсаткичи эмас, балки унинг хусусиятлари билан белгиланади, аниқланади.

Одатда, ўлчаш асбоби олинадиган натижага киритувчи хатолигини белгилаш учун хатоликнинг меъёрланган фойдаланилади.

Хатоликнинг меъёрланган қиймати деганда берилган ўлчаш воситасига тегишли бўлган хатоликни тушунамиз. Алоҳида олинган ўлчаш воситасининг хатолиги ҳар хил, мунтазам тасодикий хатоликларнинг улуши эса турлича бўлиши мумкин. Аммо, яхлит олиб қаралганда, ўлчаш воситасининг умумий хатолиги меъёрланган қийматдан ортиб кетмаслиги керак. Ҳар бир ўлчаш асбобининг хатоликларини чегараси ва таъсир этувчи коэффициентлар ҳақидаги маълумотлар асбобнинг паспортида келтирилган бўлади.

ХУЛОСА

Реал сектор корхоналарида сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши ҳамда уларнинг халқаро стандартларга мувофиқ бўлишининг таъминлаши айнан экспортни ўсишида ҳамда минтақаларда иқтисодий жиҳатдан бақувват корхоналарининг ортиб бораётганлиги ҳисобланади.

Реал сектор корхоналарида халқаро стандарт талаблари асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга узвий равишда боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти йўлидан бораётган давлатларнинг барчаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар айнан уларни доимий сифатини бошқариш ва халқаро стандартлаштиришга бўлган эътиборнинг ошаётганлигидан далолат беради. Ҳар бир давлатда халқаро стандарт талаблари асосида маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни халқаро стандарт талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши айнан мамлакат экспорт салоҳиятининг ўсишида ҳамда бақувват корхоналарининг ортиб бораётганлиги шубҳадан холи эмас.

Реал сектор корхоналарида 16 та сифатни бошқариш тизимлари жорий этилиши, шулардан 2 та корхонада ИСО 9001 стандартига мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимлари ва 14 та корхонада ИСО 22000 стандартига мувофиқ бўлган. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизимлари жорий этилиб, сертификатланади. Реал сектор корхоналарида сифат менежменти ISO-стандартининг жорий этилишига жуда катта аҳамият қаратилмоқда.

Global G.A.P. стандартини жорий қилиш орқали сертификат олган ташкилотлар сони дунё бўйича 2004 йилда 18000 тани ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб 110 та давлатларда 130000 дан ортиқ сертификатлаштирилган ишлаб чиқарувчилар Испания – 31560, Польша – 2152, Грузия – 18, Ўзбекистон – 2 та мавжуд.

Маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш стратегик муаммо бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг стабиллашуви бу муаммоларнинг ҳал этишига боғлиқдир. Сифатни яхшилаш жараёни маҳсулотни сотиш ёки хизматлар кўрсатишда фақатгина кўпроқ фойда олиш учунгина эмас, балки жамият учун, унинг равнақи учун ҳам зарурдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2016 й. 76 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 28.12.1993 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни. 30.08.1997 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларни ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни. 26.04.1996 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» Г.// 08.02.2017 й. №28 (6722).
6. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 28 апрель кунини “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификация агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги қарори. // Халқ сўзи, Г. 29.04.2017 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли “2015–2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари Дастури” тўғрисидаги фармони. www.lex.uz
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПП-2313-сонли “2015–2019 йилларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш Дастури” тўғрисидаги қарори. www.lex.uz
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2012 – 2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни ва бошқарувини ташкиллаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2011 йил 31 октябр, ПҚ-1633-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”. 2017 йил 3 январь, 1-сон.

12. Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2017 йил 1 февраль.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 16 март, ПҚ-2507-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”, 2016 йил 28 октябрь, ПҚ-2646-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 26 октябрь, ПФ-4853-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида. 2017 йил 12 январь, ПФ-4931-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралдаги ПҚ-2492-сон "Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилдиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. Халқ сўзи. № 72(6507) 13.04.2016 й.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралдаги ПҚ-2492-сон “Республика озиқ-овқат саноатини

бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни ва бошқарувини ташкиллаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2011 йил 31 октябрь, ПҚ-1633-сон.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 23 декабрь, 2017 йил.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.// Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

23. Магомедов Ш.Ш., Беспалова Г.Е. Управление качеством продукции. Учебник. – М.: «Дашков и К°», 2010. – 336 стр.

24. Мазур И.И., Шапиро В.Д. Управление качеством. Москва. 2008, 400 стр.

25. Мишин В.М. Управление качеством. М. 2008, 463 стр.

26. Ржевская С.В. Управление качеством. М. 2009, 286 стр.

27. Огвоздин В.Ю. Управление качеством. М. 2009, 297 стр.

28. Мазур И.И., Шапиро В.Д. Управления качеством: Учебное пособие; Под общ. Ред. И.И. Мазура. 2- е изд. М.: Омега – Л, 2005 г. 400с.

29. Окрепилов В.В. Управление качеством. М. 1998, 634 стр.

30. Джейм Эванс. Управление качеством(Total Quality). USA. 2008, 586 стр.

31. Dj Xant, R.Kanter, D.Kots. Total Quality Menejment. London. 1999 у.

32. Juran J.M. Juran on leadership for quality. New York. 1998 у.

33. “Ўзстандарт” агентлиги илмий-техника журнали 2015-2017 йиллар махсус сонлари.

Соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ТЕХНИК ЖИХАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ ТИЗИМЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Техник жихатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология миллий тизимини янада ривожлантириш, тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш, соғлиқни сақлаш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 сентябрдаги ПҚ-3939-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) 2019 йил 1 январдан қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни ўрнатиш таклифлари маъқуллансин:

Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ташкилоти (ILAC) ва Халқаро аккредитация қилиш форуми (IAF) тўлақонли аъзолари ҳисобланган давлатларнинг сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари ёки синов баённомалари тақдим этилганда, устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан кўп миқдорда бўлмаган тадбиркорлик субъектлари (эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари бундан мустасно) ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ихтисослашган ва қишлоқ хўжалиги техникаси, технологик ускуналар ва уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, шунингдек, мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ноозиқ-овқат хом ашё, материаллар ва буюмлар мажбурий сертификатлаштиришдан озод қилинади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ўлчаш воситаларига мувофиқлик сертификатини тақдим этмаган ҳолда, уни божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган кундан бошлаб икки ой давомида ўрнатилган тартибда олиш шарти билан божхона ҳужжатларини расмийлаштиришга йўл қўйилади;

Миллий ўлчаш эталонлари ва миллий метрология институтлари томонидан бериладиган калибрлаш ва ўлчаш сертификатларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги келишувни (CIPM MRA) имзолаган мамлакатларнинг Миллий метрология органлари томонидан расмийлаштирилган амалдаги калибрлаш (ёки текшириш) сертификатлари тақдим этилганда, ўз эҳтиёжлари учун технологик жараёнларда фойдаланиладиган импорт бўйича олиб кириладиган ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаш (турини тасдиқлаш) соддалаштирилган тартибда, бир кун муддатда тан олиш тартиботлари йўли билан амалга оширилади.

2. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган соддалаштирилган тартибда олиб кириладиган товарларнинг техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг мақсадли ишлатилишига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари масъул ҳисобланади;

мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган соддалаштирилган тартиб, давлат божхона хизмати органларига (шу жумладан учинчи шахслар томонидан) товарлар уларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кираётган тадбиркорлик субъекти томонидан уларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун мақсадли ишлатилиши тўғрисидаги

мажбуриятлари, шунингдек, ўрнатилган тартибда божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган кундан бошлаб икки ой давомида ўлчаш воситаларини сертификатлаштириш амалга оширилиши кўзда тутилган кафолат хати тақдим этилиши шарти билан қўлланади;

давлат божхона хизмати органлари, божхона ҳужжатлари расмийлаштирилгандан сўнг уч кун муддатда мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ соддалаштирилган тартибда олиб кирилган товарлар импорти тўғрисида идоралараро ахборот алмашинуви воситаси орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ва Агентликка маълумот тақдим этади;

мазкур қарорнинг 1-бандига назарда тутилган соддалаштирилган тартибда олиб кириладиган товарлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

3. Сифат менежменти тизимларини жорий этган ва миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган синов лабораториялардан фойдаланадиган тадбиркорлик субъектларига, улар томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг мувофиқлигини декларациялаш йўли билан тасдиқлаш ҳукуқи берилсин.

4. Қуйидагилар:

2019-2020 йилларда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага мувофиқ;

29 та умумий ва 13 та махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини кўзда тутадиган 2019 — 2021 йилларда техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури 2-иловага мувофиқ;

уйғунлашув даражасини 47 фоизга етказишни назарда тутувчи 2019 — 2021 йилларда стандартлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

синов ва ўлчаш базасини такомиллаштириш бўйича лойиҳалар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагиларга шахсий жавобгарлик юклансин:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Ариповга — «Йўл харитасида» кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажоновга — Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурининг ўз вақтида, тўлиқ ва самарали амалга оширилиши учун;

Агентлик бош директори Д.Н. Саттаровга — стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларнинг уйғунлашув даражасини белгиланган мақсадли кўрсаткичларга, шу жумладан 2023 йилгача 80 фоизга етказиш, Агентлик тизими ташкилотларининг самарали ишлаши, республиканинг барча ҳудудларида синов лабораторияларининг кенг тармоғини, шу жумладан хусусий синов лабораториялари мавжуд бўлмаган жойларда давлат-хусусий шериклик асосида яратиш ва модернизация қилишни таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси М.Б. Азимовга — чегара божхона постларида назорат тартиботларини бажаришда санитария-эпидемиология, фитосанитария ва ветеринария назорати органлари фаолиятининг самарали ва оператив мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун.

6. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари — мазкур қарорнинг 2-илловасида кўрсатилган техник регламентларни ишлаб чиқувчилар бир ҳафта муддатда эксперт кенгашларини шакллантирсин ва техник регламентлар ишлаб чиқиш бўйича

тармоқ жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан:

5-иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган истеъмол товарларини мажбурий сертификатлаш фақат Агентлик тизимидаги сертификатлаштириш органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази томонидан янгидан аккредитация қилинган бошқа сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилади;

мувофиқлик сертификатларини расмийлаштиришда такрорланувчи синовлар ўтказилиши тақиқланади ва сертификатларни беришда, идоравий бўйсунувидан қатъи назар белгиланган тартибда аккредитация қилинган лабораториялар томонидан ўтказилган синовларнинг ижобий натижалари асос қилиб олинади.

Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази икки ой муддатда сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг самарали механизмини ташкил этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ҳамда мунтазам янгиланадиган санитария-эпидемиология ва фитосанитария вазияти номақбул бўлган давлатларнинг рўйхатига кирувчи мамлакатлардан санитария-эпидемиология ва фитосанитария назоратидан ўтказилиши лозим бўлган маҳсулотларнинг олиб кирилиши тақиқлансин.

9. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда санитария-эпидемиология, ветеринария ва фитосанитария назорати чегара хизматларининг фаолиятини танқидий ўрганиш натижалари бўйича улар томонидан назорат функцияларининг бажарилишини такомиллаштириш, самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ техник регламентларга риоя этиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Техник регламентлар амалга киритилиши билан, мазкур техник регламентлар билан хавфсизлигига мажбурий талаблар қўйиладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш мажбурий тусга эга бўлиши белгилансин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаларини тугатган ҳолда, «Ўзстандарт» агентлиги қошида Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилсин ва унга қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонун бузилишларини олдини олиш ва профилактика қилишни амалга ошириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология масалаларида тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

техник регламентлар, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши, ўлчов бирликлари ягоналиги ва ишончлилигини таъминлаш, мажбурий сертификатлаштириш қоидалари талаблари бажарилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш.

Белгилансинки, Департамент юридик шахс ҳисобланади, унинг фаолияти устидан умумий раҳбарлик ва назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

12. Агентликнинг Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти ва «Ахборот-маълумот маркази» давлат корхонаси негизида «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмиталарининг фаолиятини мувофиқлаштириш, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни, шу жумладан шартнома асосида хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотларнинг аризалари бўйича ишлаб чиқиш ва реализация қилиш, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича базавий ташкилот этиб белгилансин.

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтининг ишчиларига Ўзбекистон Республикаси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари бўйича ишчилар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилсин.

Агентлик бир ой муддатда Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Қуйидагилар:

«Ўзстандарт» агентлигининг ташкилий тузилмаси 6-иловага мувофиқ;

«Ўзстандарт» агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 7-иловага мувофиқ;

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаментининг тузилмаси 8-иловага мувофиқ;

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги инспекторлари чекланган сони 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 153 нафар, шу жумладан марказий аппарати — 69 нафар этиб белгилансин.

14. Агентлик Бош директориға қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарурат бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган штат сони доирасида Агентлик аппарати ва унинг қуйи ташкилотлари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

молиявий имкониятлардан келиб чиқиб, ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, қуйи ташкилотлар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш;

вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар техник қўмиталарининг мутахассисларини, илғор лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасаларининг мутахассисларини жалб этиш, шунингдек, юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ҳамда уларга эркин айирбошланадиган валютада иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш;

ўз хизмат мажбуриятларини виждонан ва самарали бажараётган, Агентлик ва Департаментнинг юқори малакали, ташаббускор ишчиларига Агентлик қошидаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки баравари миқдориғача қўшимча ҳақ тўлаш.

Агентликка сифатсиз ҳамда одамлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфи мониторингини юритиш вазифаси юклансин.

15. Қуйидагилар Агентлик фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари этиб белгилансин:

Агентлик бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини қониқарли баҳоловчи аризачилар, шунингдек, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар сони;

интерактив шаклда хизматлар кўрсатиш учун келиб тушаётган мурожаатлар сони; қабул қилинган ва қайта кўриб чиқилган техник регламентлар ва стандартлар сони, шу жумладан халқаро талабларни инобатга олган ҳолда;

сифатсиз ва хавфли бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфини мониторинги бўйича ишлар натижадорлиги;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонун бузилишларининг олдини олиш ва профилактика қилиш бўйича ишлар натижадорлиги.

16. Агентлик бир ой муддатда қуйидагилар бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин:

идоранинг янги логотипи ва фарқлаш белгилари яратилишини кўзда тутган ҳолда имиджни яхшилаш;

кўрсатиладиган хизматлар даражасини ошириш мақсадида қуйи ташкилотлар фаолиятини баҳолаш амалиётини жорий этиш;

самарадорликни баҳолаш натижалари, шу жумладан коррупцион омилларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ахборотларни тизимли ёритиб бориш.

17. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа идораларнинг статистик ахборотлари мажбурий жўнатмалар реестрига киритилсин.

18. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонун бузилиши учун жавобгарликнинг кучайтирилишини кўзда тутадиган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ташки савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Агентлик ва бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда сифат миллий инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ-2935-сон қарорига 10-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

21. Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

**2019 — 2021 йилларда техник регламентларни ишлаб чиқиш
ДАСТУРИ**

Т/р	Техник регламент номи	Техник жихатдан тартибга солиш объектлари	Ишлаб чиқувчилар	Ёрдамчи ижрочилар	Ишлаб чиқиш муддати
Умумий техник регламентлар					
1.	Экологик хавфсизлик тўғрисида	Маҳсулот ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш бўйича фаолият	Давлат экология қўмитаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги	2019 йил 30 мартгача
2.	Минерал ўғитларнинг хавфсизлиги тўғрисида	Минерал ўғитлар	«Ўзкимёсаноат» АЖ	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саноатгеоконтехназо рат, Фанлар академияси, ИИВ	2019 йил 30 сентябрг ача
3.	Тиббий техника ва тиббиёт буюмларининг хавфсизлиги тўғрисида	Тиббиёт буюмлари, тиббий техника	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2019 йил 30 сентябрг ача
4.	Синтетик ювиш воситалари ва маиший кимё товарларининг хавфсизлиги тўғрисида	Идиш-товок, ойна, қаттиқ юзаларни ювиш учун тозалаш ва ювиш воситалари, сайқалловчи воситалар, кир ювиш учун қўшимча воситалар	«Ўзкимёсаноат» АЖ	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат экология қўмитаси	2019 йил 30 сентябрг ача

5.	Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида	Мевали ва/ёки сабзавот шарбатлари ва нектарлар, таркибида шарбат бўлган ичимликлар, морслар, мевали ва/ёки сабзавотли пюре, концентрацияланган табиий хушбўйлантирувчи мевали ва/ёки сабзавотли моддалар, цитрус мевалар хужайралари, мевали ва/ёки сабзавот эти.	«Ўзбекизоқовкат-холдинг» ХК	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги	2019 йил 30 сентябрга ача
6.	Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисида	Барча турдаги болалар ўйинчоқлари	«Ўзстандарт» агентлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2019 йил 30 сентябрга ача
7.	Алкоголсиз ичимликларнинг хавфсизлиги тўғрисида	Алкоголсиз, газланган, кучсиз газланган, газланмаган, алкогольсиз энергетик ичимликлар	«Ўзбекизоқовкат-холдинг» ХК	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2019 йил 30 сентябрга ача
8.	Мебель маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида	Барча турдаги мебель маҳсулотлари	«Ўзстандарт» агентлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2019 йил 30 декабрга ча
9.	Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида	Консерваланган мева-сабзавотли озиқ-овқат маҳсулотлари	«Ўзбекизоқовкат-холдинг» ХК	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2019 йил 30 декабрга ча

10	Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл состави хавфсизлиги тўғрисида	Локомотивлар, мотор-вагонли ҳаракатдаги состав ва унинг вагонлари, локомотив тягасининг йўловчи ташувчи вагонлари, юк ташувчи вагонлар, махсус ҳаракатланувчи состав	Ўздавтемирйўлна зорат	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	2020 йил 30 сентябр гача
11	Углеводородли суюлтирилган газларнинг хавфсизлиги тўғрисида	Техник ва автомобиль пропани, техник ва автомобиль пропан-бутани, техник бутан	«Ўзбекнефтегаз» АЖ	Ўзнефтегазинспекция	2020 йил 30 сентябр гача
12	Транспорт воситалари ва қишлоқ-хўжалиги техникаси учун шиналарнинг хавфсизлиги тўғрисида	Автотранспорт воситалари, қишлоқ-хўжалиги техникаси ва юк автомобиллари учун шиналар	«Ўзкимёсаноат» АЖ	«Ўзавтосаноат» АЖ	2020 йил 30 сентябр гача
13	Озуқа бўёқлари, қўшимчалар, биологик фаол қўшимчалар, ёрдамчи воситалар ва хушбўйлантирувчиларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари	Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган озуқа, биологик фаол таъм берувчи ва хушбўйлантирувчи қўшимчалар, бўёқлар ва ёрдамчи хом ашё	Фанлар академияси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекозиқовқатхолдинги» ХК	2020 йил 30 июнгача
14	Паст вольтли ускуналар хавфсизлиги тўғрисида	50 — 1000 В ўзгарувчан ток ва 75 — 1500 В ўзгармас ток кучланишда ишлайдиган паст вольтли ускуна	«Ўзэлтехсаноат» АЖ	«Ўзбекэнерго» АЖ, Фанлар академияси, Қуёш энергияси халқаро институти	2020 йил 30 декабр гача

15	Парфюмерия-косметика маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида	Парфюмерия-косметика маҳсулотлари	«Ўзстандарт» агентлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» АЖ	2020 йил 30 декабрга
16	Синтетик толалар хавфсизлиги тўғрисида	Синтетик тола	«Ўзкимёсаноат» АЖ	«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси	2021 йил 30 мартга
17	Табиий газнинг хавфсизлиги тўғрисида	Магистрал газ қувурларига узатиладиган ва улар орқали ташиладиган табиий газ	«Ўзбекнефтгаз» АЖ	Ўзнефтгазинспекция	2021 йил 30 июлга
18	Қурилиш комплекслари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисида	Яхлит қурилиш конструкциялари, қурилиш комплекслари	Қурилиш вазирлиги	«Ўзқурилишматериаллари» АЖ	2021 йил 30 июнга
19	Ихтисослаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари, функционал пархез, даволаш ва пархез-профилактика овқатлар хавфсизлиги тўғрисида	Спорт овқатлари, ҳомиладор ва эмизикли аёллар учун маҳсулотлар, функционал, пархез, даволаш ва пархез-профилактика овқатланиш бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	«Ўзбекизоқиқовқатхолдинг» ХК	2021 йил 30 мартга
20	Тош, гипс ва керамикадан тайёрланган маҳсулотлар хавфсизлиги тўғрисида	Тош, гипс ва керамикадан тайёрланган маҳсулотлар	Қурилиш вазирлиги	«Ўзқурилишматериаллари» АЖ	2021 йил 30 мартга
21	Комбикорм маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида	Тўлиқ рационли комбикормлар, комбикорм-концентратлар, ем аралашмалари, оксил-витаминли минерал премикслар ва амидо-витаминли минерал концентратлар	«Ўздонмаҳсулот» АЖ	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси	2021 йил 30 июлга

22	Кўмир ва уни қайта ишлаш маҳсулотларига қўйиладиган талаблар	Кўмир, кўмир маҳсулотлари	«Ўзбеккўмир» АЖ	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	2021 йил 30 декабрга ча
23	Органик кимё маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида	Органик кимё маҳсулотлари	«Ўзкимёсаноат» АЖ	«Ўзбекнефтгаз» АЖ	2021 йил 30 декабрга ча
24.	Темир-бетон, бетон конструкциялар хавфсизлигига қўйиладиган талаблар	Темир-бетон, бетон конструкциялар	Курилиш вазирлиги	«Ўзқурилишматериаллари» АЖ	2021 йил 30 декабрга ча
25	Автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар ва буюмлар хавфсизлиги тўғрисида	Автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар ва буюмлар	«Ўзавтосаноат» АЖ	Автомобиль транспорти агентлиги	2021 йил 30 декабрга ча
26	Шахсий химоя воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида	Шахсий химоя воситалари	Меҳнат вазирлиги	ФВВ, Саноатгеоконтехназорат	2021 йил 30 декабрга ча
27	Био ва иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида	Био ва иншоотлар	Курилиш вазирлиги	ИИБ	2021 йил 30 декабрга ча
28	Гигиена маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида	Гигиена маҳсулотлари	«Ўзстандарт» агентлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2021 йил 30 декабрга ча
29	Санитар-техник маҳсулотларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари	Санитар-техник маҳсулотлар	Курилиш вазирлиги	«Ўзқурилишматериаллари» АЖ	2021 йил 30 декабрга ча
Махсус техник регламентлар					
30.	Асбестнинг хавфсизлиги тўғрисида	Асбест	Курилиш вазирлиги	«Ўзқурилишматериаллари» АЖ	2019 йил 30 сентябргача
31.	Фотоэлектр станцияларнинг хавфсизлиги тўғрисида	Фотоэлектрик станциялар	«Ўзбекэнерго» АЖ	Қуёш энергияси халқаро институти	2020 йил 30 июнгача
32.	Қовушқоқ материалларнинг хавфсизлиги тўғрисида	Қовушқоқ материаллар	Курилиш вазирлиги	«Ўзқурилишматериаллари» АЖ	2020 йил 30 мартгача
33.	Шакар ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар хавфсизлиги тўғрисида	Шакар ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар	«Ўзбекозиқовкат-холдинг» ХК	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2019 йил 30 сентябргача

34.	Қуритилган мевалар, сабзавотлар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида	Қуритилган мевалар, сабзавотлар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари	«Ўзбекизоқовқа т-холдинг» ХК	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фермерлар кенгаши	2020 йил 30 декабрга ча
35.	Полимерлар ва улардан олинадиган маҳсулотларнинг хавфсизлиги тўғрисида	Полимерлар ва полимер маҳсулотлар	«Ўзкимёсаноат» АЖ	«Ўзбекнефтгаз» АЖ «Ўзқурилишматериаллари» АЖ	2021 йил 30 июнгача
36.	Ўсимликларни ростловчи пестицидлар ва ўсимликларни химояловчи бошқа кимёвий воситаларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари	Ўсимликлар ўсишини ростлагичлар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Давкимёкомиссия), Фанлар академияси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2021 йил 30 мартгача
37.	Балиқ ва балиқ маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида	Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	«Ўзстандарт» агентлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2020 йил 30 декабрга ча
38.	Лак-бўёқ материалларининг хавфсизлиги тўғрисида	Бўёқлар, эмаallar, лаклар	Қурилиш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ	2020 йил 30 декабрга ча
39.	Болалар овқатларининг хавфсизлиги тўғрисида	Барча турдаги болалар овқатлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	«Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК, Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2020 йил 30 декабрга ча
40.	Янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида	Янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	«Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси	2019 йил 30 декабрга ча
41.	Қандолат маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида	Қандолат ва ҳамир маҳсулотлари	«Ўзбекизоқовқа т-холдинг» ХК	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2019 йил 30 октябрга ча
42.	Чой ва кофенинг хавфсизлиги тўғрисида	Чой, кофе ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	«Ўзбекизоқовқа т-холдинг» ХК	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2020 йил 30 мартгача

Изоҳ: Ишлаб чиқиш пайтида техник регламентлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш объектларининг номи ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорига
3-ИЛОВА

**2019 — 2021 йилларда стандартлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатларни
халқаро талаблар билан уйғунлаштириш
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Кўрсаткич номи	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Уйғунлаштирилган стандартлар сони	6620	7650	10610
Уйғунлаштириш даражаси, %	29,3	33,9	47,0
шундан соҳалар кесимида			
Озиқ-овқат саноати	775	775	775
Уйғунлаштирилган стандартлар сони	370	444	639
Уйғунлаштириш даражаси, %	47,8	57,3	82,5
Тўқимачилик ва чарм-пойабзал саноати	739	739	739
Уйғунлаштирилган стандартлар сони	288	346	498
Уйғунлаштириш даражаси, %	39,0	46,8	67,3
Тўқимачилик саноати	114	114	114
Уйғунлаштирилган стандартлар сони	32	37	48
Уйғунлаштириш даражаси, %	27,8	32,0	42,3
Металлургия	905	905	905
Уйғунлаштирилган стандартлар сони	212	243	322
Уйғунлаштириш даражаси, %	23,4	26,9	35,6
Қурилиш саноати	821	821	821
Уйғунлаштирилган стандартлар сони	186	242	408
Уйғунлаштириш даражаси, %	22,6	29,4	49,7

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорига
ИЛОВА

**Мажбурий сертификатлаштирилиши 2019 йил 1 январдан бошлаб фақат
«Ўзстандарт» агентлиги тизимидаги сертификатлаштириш органлари, шунингдек,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий
агентлиги қошидаги Аккредитация маркази томонидан янгидан аккредитация
қилинган бошқа сертификатлаштириш органлари томонидан амалга ошириладиган,
четдан олиб кириладиган истеъмол товарлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
1.	Гўшт ва озуқавий иккиламчи, шу жумладан қадокланган гўшт маҳсулотлари	0201 — 0210
2.	Балиқ ва қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва бошқа сув умуртқасизлари	0301 — 0308 (0301 11 000 0, 0301 19 000 0 дан ташқари)
3.	Сут маҳсулотлари (тайёрланадиган сутдан ташқари); парранда тухумлари (инкубациялаш учун мўлжалланган тухумлардан ташқари); табиий асал; ҳайвонлардан (фақат озуқа сифатида истеъмол қилиш учун) олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари	0401 — 0406, 0407 00, 0408 (0408 11 200 0, 0408 19 200 0, 0408 91 200 0, 0408 99 200 0 дан ташқари), 0409 00 000 0
4.	Сабзавотлар (уруғлик материалидан ташқари) ва баъзи ейиладиган илдизмевалар ва тугунак мевалар.	0701 — 0712, 0714 (0709 60 910 0, 0709 60 950 0 дан ташқари)
5.	Ейиладиган мевалар ва ёнғоқлар; цитруслар ёки қовунларнинг пўстлоғи ва илдизлари	0801 — 0814 00 000 0

6.	Қахва, чой ва зираворлар	0901 — 0910
7.	Шарбатлар ва ўсимлик экстрактлари; пектин моддалар, пектинатлар ва пектатлар; агар-агар ва ўсимликлардан олинадиган тури ўзгартирилган ёки тури ўзгартирилмаган қуюлтиргичлар	1302
8.	Ҳайвон ёки ўсимликдан олинадиган ёғлар ва мойлар, уларни парчалаш маҳсулотлари, тайёрланган озуқавий ёғлар; ҳайвон ёки ўсимликдан олинадиган мумлар	1501 — 1517 (1501 10 100 0, 1501 20 100 0, 1502 10 100 0, 1502 90 100 0, 1503 00 110 0, 1503 00 300 0, 1507 10 100 0, 1507 90 100 0, 1508 10 100 0, 1508 90 100 0, 1511 10 100 0, 1511 90 910 0, 1512 11 100 0, 1512 19 100 0, 1512 21 100 0, 1512 29 100 0, 1513 11 100 0, 1513 19 300 0, 1513 21 100 0, 1513 29 300 0 1514 11 100 0, 1514 19 100 0, 1514 91 100 0, 1514 99 100 0, 1515 21 100 0, 1515 29 100 0, 1515 50 110 0, 1515 50 910 0, 1515 90 210 0, 1515 90 310 0, 1515 90 400 0, 1515 90 600 0 дан ташқари), 1521 90 910 0, 1521 90 990 0
9.	Гўшт, балиқ ёки қисқичбақасимон ёхуд бошқа сув умуртқасизларидан тайёр маҳсулотлар	1601 00 — 1605
10.	Шакар ва шакардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари	1701 — 1704
11.	Бошоқли дон уруғи, ун, крахмал ёки сутдан тайёр маҳсулотлар, ундан тайёрланган қандолат маҳсулотлари	1901 — 1905
12.	Сабзавотлар, мевалар, ёнғоқлар ва ўсимликларнинг бошқа қисмларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотлари	2001 — 2009
13.	Алкоголли ва алкогольсиз ичимликлар ва сирка	2201 — 2209 00
14.	Савдо тармоғи орқали аҳолига сотиш учун умумий овқатланиш корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат, ошпазлик маҳсулотлари ва яримфабрикатлар.	0201 дан 2106 гача товар позицияларида номлаб чиқилган маҳсулотлардан тайёрланган
15.	Чармдан тайёрланган маҳсулотлар	4203 21 000 0
16.	Ёғочдан ишланган ошхона анжомлари (озик-овқат маҳсулотларини тайёрлашда ишлатиладиган)	4419
17.	Дафтарлар, кундаликлар, расм чизиш учун альбомлар (дафтарлар)	4820 10 500 0, 4820 20 000 0
18.	Машина ёки қўлда тўқилган трикотаж кийим-кечаклар (болалар ассортименти)	6105, 6111, 6112, 6115
19.	Машина ёки қўлда тўқилган (трикотаждан ташқари) кийим-кечаклар (болалар ассортименти)	6207 — 6211
20.	Пойабзал ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (болалар ассортименти ва бокс пойабзали) (фақат тайёр пойабзал)	6401 — 6405

21.	Электр маиший техника, электр сув иситгичлар, лампалар ва электрон трубклар, чўғланма лампалар (12 W дан ортиқ)	8508 11 000 0 — 8508 60 000 0, 8509 (8509 90 000 0 дан ташқари), 8516 10 — 8516 80 800 0, 8528 (8528 41 000 0, 8528 51 000 0 дан ташқари), 8539 10 000 — 8539 49 000 0 (8539 10 000 1, 8539 21 300 1, 8539 29 300 1 дан ташқари), 8543 70 900 0
22.	Болалар ўйинчоқлари, ўйинлари	9503 00

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ,
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА**

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 мартдаги 220-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ўзстандарт» Агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва
техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти тўғрисидаги
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Устав «Ўзстандарт» Агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтининг (кейинги ўринларда Институт деб аталади) ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, «Ўзстандарт» Агентлигининг буйруқлари, қарорларига, бошқа қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга амал қилади.

3. Институт фаолиятини молиялаштириш Институтга ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларида ман қилинмаган бошқа манбалар ва маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

4. Институт юридик шахс ҳисобланади, ўзининг алоҳида мулкига, мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва давлат тилидаги ўз номи ёзилган муҳрга, миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эга бўлади.

5. Институт стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасида давлат илмий муассаса ҳисобланади.

6. Институтнинг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — «Standartlashtirish, sertifikatlashtirish va texnik jihatdan tartibga solish ilmiy-tadqiqot instituti» davlat muassasasi;

қисқартирилган номи — Standartlar instituti;

б) англиз тилида:

тўлиқ номи — State institution «Scientific-research institute for standardization, certification and technical regulation»;

қисқартирилган номи — Institute of Standards;

в) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственное учреждение «Научно-исследовательский институт стандартизации, сертификации и технического регулирования»;

қисқартирилган номи — Институт стандартов.

7. Институт жойлашган жой (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Ташкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 9-В уй.

2-боб. Институтнинг вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмиталарининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотларнинг буюртманомалари бўйича шартнома асосида ишлаб чиқиш ва реализация қилиш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш тизимларининг ишлашини ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш ва мазкур соҳаларда илмий-техник ахборотни тарқатиш, шунингдек, уларни халқаро, давлатлараро ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштириш.

9. Институт ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмиталарининг фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар фаолиятини мувофиқлаштиради, фаолиятини ташкил этиш, тугатишда иштирок этади;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ҳамкорлигини ривожлантиришни ва ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлайди;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарни ташкил этади ва стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар котибияти фаолиятини бошқаради;

стандартлаштириш бўйича халқаро техник қўмиталар ва минтакавий ташкилотлар фаолиятида ҳамда давлат стандартларини халқаро даражада тарқатишда фаол иштирок этади;

б) стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасида:

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида кадрлар малакасини даврий ошириш ва қайта тайёрлашни, шунингдек, таснифлаштириш ва кодлаштиришни амалга оширади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш, шунингдек, таснифлаштириш ва кодлаштириш соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш режа-жадвали тасдиқланишини таъминлайди;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш, таснифлаштириш ва кодлаштириш масалалари бўйича кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув-мавзули режаларини тузади ва тасдиқлайди;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш, таснифлаштириш ва кодлаштириш соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтган кадрларнинг ягона ахборот-маълумот базасини яратади ва кузатиб боради;

олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар, шунингдек, хусусий сектор билан стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида инновацияларни жорий этишга йўналтирилган ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

бакалаврият ва магистратура мутахассисликлари учун тегишли таълим йўналишларида янги ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратишга қўмаклашиш орқали ўқув-методик ишларнинг сифати ва даражасини оширади;

бакалавр ва магистрларни тайёрлашда илмий-методик қўмаклашади, шунингдек, Институт базасида стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолашнинг тегишли мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасасидан кейинги таълимни ташкил этиш йўли билан олий малакали илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширади;

иқтисодиёт тармоқлари учун стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларига замонавий инновацион педагогик технологияларни, ўқитишнинг самарали шакл ва усуллари жорий этади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасида мутахассислар тайёрловчи таълим муассасалари учун илмий, ўқув, ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини нашр этишга тайёрлаш ишларида иштирок этади;

в) стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва реализация қилиш соҳасида:

хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотларнинг буюртманомалари бўйича стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни шартнома асосида ишлаб чиқади, экспертизадан ўтказиши ва реализация қилади;

«Ўзстандарт» Агентлигига стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун киритади;

стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва илмий-методик кўрсатмалар беришда қўмаклашади;

маҳсулотлар ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қўмаклашадиган, шу асосда маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлайдиган илғор стандартларни ишлаб чиқади;

«Ўзстандарт» Агентлигига стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларнинг янгисини ишлаб чиқиш, амалдагиларини қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифлар киритади;

умумий ва махсус техник регламентларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

стандартлаштириш бўйича давлат норматив ҳужжатлар фондини халқаро меъёрлар билан уйғунлаштириш даражасини ошириш чораларини кўради;

стандартлаштириш бўйича давлат норматив ҳужжатлар фондини яратади, юритади ва долзарблаштиради, шунингдек, назорат нусхалари сақланишини таъминлайди;

стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларнинг йиллик кўрсаткичи (каталог)ни тайёрлайди;

стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларнинг ягона ахборот-маълумот базасини яратади ва кузатиб боради, ундан барча манфаатдор томонларнинг шартнома асосида фойдаланиши имкониятини беради;

стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар ахборот ресурслари маълумотлар базаларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишнинг ягона тизимини яратади;

стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, стандартлаштириш бўйича тармок техник кўмиталари ва манфаатдор томонларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари ва ташкилотлар стандартларини ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишнинг ҳар йилги жадвалларини шакллантиради;

маҳсулотга стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларга мувофик каталоглаштирилган рўйхат асосида маҳсулотларни каталоглаштиради;

2) стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида илмий-тадқиқот ишларини ўтказишда стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш тизимларининг ишлашини ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш ва мазкур соҳаларда илмий-техник ахборотларни тарқатиш, шунингдек, уларни халқаро, давлатлараро ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштириш соҳасида:

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида устувор йўналишларни шакллантиришда, фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб боришда, инновацион лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг замонавий жаҳон тенденцияларини таҳлил қилишда иштирок этади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида илмий материалларни нашр этади;

«Ўзстандарт» Агентлигига стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳалари янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалдагиларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, стратегияси, истиқболли дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасида халқаро амалиётни доимий равишда ўрганади, унинг натижалари бўйича илғор амалиётларни жорий қилиш бўйича таклифлар киритади;

стандартлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш тизимини халқаро талабларга уйғунлаштириш мақсадида транспорт воситаларини ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро идентификация коди (WMI-код)ни беради;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида эришилган ютуқларнинг илмий-техник тарғиботини амалга оширади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида, шу жумладан, манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, олий таълим муассасалари ва вазирликлар ва идораларнинг тасарруфида бўлган бошқа илмий муассасалари билан илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида илмий конференциялар, семинарлар, ҳамкорликдаги тадқиқотлар, лойиҳалар, ходимларнинг тажриба алмашиши ва уларни ўқитиш бўйича халқаро, хорижий илмий-тадқиқот муассасалари, институтлар ва марказлар билан ҳамкорликни ривожлантиради;

хорижий мамлакатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий институтлари билан яқин ва фаол ҳамкорликни амалга оширади;

халқаро, минтақавий ва давлатлараро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиради;

мувофиқликни баҳолаш, шу жумладан, маҳсулотларни путур етказмасдан текшириш, шунингдек, хорижий давлатларнинг сертификатлаштириш бўйича ишлари натижаларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эътироф этиш ишларини ташкил этиш ва амалга оширишда иштирок этади.

3-боб. Институтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Институт ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлардан унга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ташкил этиш, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмиталарини ташкил этишда иштирок этиш;

Институтга юкланган вазифаларни бажариш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шу жумладан, хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш;

техник регламентлар, мажбурий стандартлар, метрология ва мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратининг самарадорлигини ошириш бўйича «Ўзстандарт» Агентлигига таклифлар киритиш;

ўз ваколатларини бажариш доирасида халқаро, минтақавий ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни, жумладан, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш тизимини ривожлантиришнинг долзарб ва истиқболли вазифаларини ҳал қилиш учун ташкил этилган ишчи гуруҳлар йиғилишларида иштирок этиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида эксперт кенгашлари ва комиссиялар ишида иштирок этиш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида дастурлар, ўқув қўлланмалар, илмий асарлар тўпламлари, илмий-амалий конференциялар материаллари, методик кўрсатмалар, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича қўлланмалар тайёрлаш ва нашр қилиш;

ўз ваколатлари доирасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича йўриқномалар, чора-тадбирлар режалари, жадваллар ва бошқа фармойиш берувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида халқаро лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

маҳсулотлар, хизматлар, ходимларни сертификатлаштириш, маҳсулотни синаш усуллариини валидатлаш (аттестациядан ўтказиш), ўлчов ва синов воситаларини тайёрлаш, калибрлаш, қиёслаш, таъмирлаш, стандарт намуналар, моддалар ва материалларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш йўли билан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида ноширлик фаолиятини амалга ошириш, илмий-техник ахборотни тарқатиш;

аҳоли ва турли ташкилотларга пулли таълим хизматлари, мувофиқликни баҳолаш бўйича хизматлар, меҳмонхона хўжалиги ва умумий овқатланиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолиятни амалга ошириш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида минтақавий ва халқаро ташкилотларнинг ишчи кенгашларида ва йиғилишларида иштирок этиш;

хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотларнинг буюртманомалари бўйича стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, таржима қилиш, жорий қилишни шартнома асосида амалга ошириш;

стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш масалалари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар, форумлар, «давра суҳбатлар»и ва бошқа тадбирлар ўтказиш;

халқаро сертификатлаштириш тизимида қўшилиш, маҳсулотларни мажбурий сертификатладиган маҳсулотлар рўйхатида киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва уларни «Ўзстандарт» Агентлигига киритиш;

Институт қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Институт ўзига юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Институт фаолиятини ташкил этиш

12. Институт ўз фаолиятида бевосита «Ўзстандарт» Агентлигига бўйсунди ва унга ҳисобот беради.

13. Институт фаолиятига «Ўзстандарт» Агентлигининг бош директори томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган директор умумий раҳбарлик қилади.

14. Институт директори:

Институт ваколатига кирадиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади ва Институтга юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун шахсан жавоб беради;

Институтда илмий-тадқиқот ва илмий-методик ишлар олиб бориш учун шарт-шароитлар яратади;

Институт Илмий кенгашининг тавсиялари асосида ўқув-мавзули режалар, дастурлар ва илмий-методик ишлар режаларини тасдиқлайди;

Институт фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, дастурлар ва комплекс тадбирлар бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилади;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, Институтнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилайди;

Институт ходимлари, шунингдек, Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази тингловчилари, Институт меҳмонхонасида яшовчи меҳмонлар учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар, йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар беради;

ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Институтнинг штат жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Институт ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Институт номидан хўжалик шартномалари тузади, ишончномалар беради;

«Ўзстандарт» Агентлиги билан келишган ҳолда ишларнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқиб зарур бўлганда Институтнинг тузилмаси ва штатдаги ходимлар сонига ўзгартиришлар киритади (бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига молиялаштириладиган тузилмалар ва штат бирликлари юзасидан).

Директор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Институт директори «Ўзстандарт» Агентлиги бош директори билан келишган ҳолда лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосарга эга бўлади.

16. Директор ўринбосарлари:

таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этади;

«Ўзстандарт» Агентлиги қарорлари, Институт директорининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

таркибий бўлинмалар фаолияти масалалари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун директорга киритади;

директорга Институтнинг таркибий бўлинмаларида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича таклифларини киритиш, уларнинг касбий маҳоратини, малакасини, амалий тажрибасини, ишчанлик ва ахлоқий фазилатларини юқори даражада таъминлаш, уларнинг касбий малакаларини ошириш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

Институтнинг таркибий бўлинмалари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли танқидий таҳлил қилади, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитади, якунлар бўйича зарур чораларни кўради.

17. Директор бўлмаган даврда унинг ваколатларини стандартлаштириш бўйича директор ўринбосари амалга оширади.

18. Институт ҳузурида директор (Илмий кенгаш раиси), фаолиятнинг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), Институт таркибий бўлинмалари раҳбарлари, Фанлар академияси вакиллари, шунингдек, турдош илмий-тадқиқот институтларида ва ташкилотларда ишловчи етакчи олимлар, малакали мутахассислардан иборат таркибда Илмий кенгаш ташкил этилади.

Институт Илмий кенгашининг шахсий таркиби, аъзолари сони ва низоми Институт директори тақдимига биноан «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан тасдиқлайди.

Институт Илмий кенгашининг иш тартиби Институтнинг иш режаларига мувофиқ ташкил этилади.

5-боб. Институт фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда унинг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлиги ишчи индикаторлари

19. Институт фаолияти самарадорлиги мунтазам равишда баҳоланади.

20. Институт фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан тасдиқланадиган институт фаолиятини баҳолаш мезонларига ҳамда унинг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлиги ишчи индикаторларига асосланади.

21. Институт фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Институт раҳбарлари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (тақдирлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Институт фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

22. Институт фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикаси қонун ҳужжатларида белгиланади.

6-боб. Якунловчи қоида

23. Институтни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Республикада халқаро, давлатлараро, минтақавий стандартларни ва хорижий мамлакатларининг стандартларини қабул қилиш ва қўллаш тартиби тўғрисида **НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар.

1. Ушбу Низом халқаро, давлатлараро, минтақавий стандартлар ва хорижий мамлакатлар стандартларини (кейинги ўринларда Стандартлар деб аталади) Ўзбекистон Республикасида қабул қилиш ва қўллаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

халқаро стандарт — стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот доирасида қабул қилинган стандарт;

минтақавий ёки давлатлараро стандарт — стандартлаштириш соҳасида минтақавий ташкилот доирасида қабул қилинган стандарт;

хорижий мамлакатнинг стандарти — хорижий давлатнинг стандартлаштириш бўйича ваколатли органи томонидан қабул қилинган стандарт;

манфаатдор томонлар — Стандартларни қабул қилиш ва (ёки) уларни қўллашдан манфаатдор бўлган маҳсулотларнинг (хизматларнинг) тегишли турларини ишлаб чиқарувчи ёки истеъмол қилувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар.

3. Стандартларни қабул қилиш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг топшириқларини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган Стандартларни қабул қилиш бўйича режалар, дастурлар ва тадбирлар;

«Ўзстандарт» Агентлиги томонидан тасдиқланадиган Республика стандартлаштириш йиллик дастури;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарининг иш режалари;

манфаатдор томонларнинг «Ўзстандарт» Агентлигига буюртманомалари (мурожаатлари).

Республикада халқаро, давлатлараро, минтақавий стандартларни ва хорижий мамлакатларининг стандартларини қабул қилиш ушбу Низомнинг иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Стандартларни давлат тилига таржима қилиш манфаатдор тараф томонидан таъминланади.

2-боб. Халқаро стандартларни қабул қилиш

5. Халқаро стандартлар Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари шаклида, давлат тилида ва стандартнинг асли ёзилган тиллардан бирида қабул қилинади.

6. Республикада халқаро стандартларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари шаклида қуйидагича амалга оширилади:

IDT қисқартирма билан белгиланган, халқаро стандартлар билан айнан ўхшаш;

MOD қисқартирма билан белгиланган халқаро стандартга нисбатан модификацияланган;

NEQ қисқартирма билан белгиланган халқаро стандартларга нисбатан эквивалент бўлмаган.

7. Халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари сифатида қабул қилишга тайёргарлик бўйича иш стандартлаштириш бўйича техник қўмиталари, улар бўлмаган тақдирда — «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда Институт деб аталади) томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

8. Агар Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган халқаро стандартда давлат стандарти сифатида қабул қилинмаган стандартларга ҳаволалар мавжуд бўлса, уларни бир вақтда қабул қилиш ишлари олиб борилиши зарур.

9. Ҳавола қилинадиган халқаро стандартларни бир вақтда қабул қилиш ишлари олиб борилаётганида, биринчи ўринда, қабул қилинаётган халқаро стандарт билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва унинг талаблари бажарилишини таъминлайдиган ҳавола қилинадиган халқаро стандартларнинг аҳамияти ҳисобга олиниши зарур.

10. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти қуйидаги ҳолларда халқаро стандартлар билан айнан ўхшаш ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти техник таркиби, тузилиши ва мазмуни жиҳатидан айнан ўхшаш бўлса;

Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти техник таркиби жиҳатидан айнан ўхшаш, бироқ, унга тахририй ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

11. Халқаро стандартга айнан ўхшаш бўлган Ўзбекистон Республикаси давлат стандартини қабул қилишда, халқаро стандартнинг идентификация рақами титул варақда айнан ўхшаш халқаро стандартнинг рақами кўрсатилган ҳолда сақлаб қолинади.

Масалан: O'z DSt ISO 5524:2017 (ISO 5524:1991, IDT).

12. Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти қуйидаги шартлар билан халқаро стандартга нисбатан модификацияланган ҳисобланади:

идентификацияланган ва тушунтириш берилган техник оғишларни ўз ичига олган;

идентификацияланган ва тушунтириш берилган ҳамда ҳар иккала стандарт тузилмасини оддий таққослаш имкони бўлсагина ўзгартириш киритишга рухсат бериладиган халқаро стандартнинг (халқаро ҳужжатнинг) тузилмасини акс эттиради;

халқаро стандартларга ҳаволаларни алмаштириши мумкин бўлган норматив ҳаволалар шаклида Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари мавжуд бўлмаса — ҳар бир ҳавола ўрнига ҳавола қилинадиган халқаро стандарт мазмунини (унинг бўлимлари, бўлинмалари, бандларини, кичик бандлари, иловаларини) муқобил алмаштириши мумкин бўлган қоида келтирилади;

қўлланиладиган халқаро стандарт матнида айнан ўхшаш ёки модификацияланган давлат стандартлари сифатида қабул қилинган бошқа халқаро стандартларга ҳаволалар бўлса — ўзгартирилган стандарт лойиҳасини тайёрлашда халқаро стандартларга ҳаволалар ўрнига улар билан уйғунлаштирилган давлат стандартларига ҳаволалардан фойдаланади.

Модификацияланган стандарт матнида халқаро стандартга ҳавола ўрнига бир хил стандартлаштириш объектига (маҳсулот, жараён ёки хизмат) татбиқ этиладиган, бироқ ҳавола қилинадиган халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилмаган давлат стандартига ҳавола қилишга рухсат этилади.

13. Халқаро стандартга нисбатан модификацияланган Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартини қабул қилишда, халқаро стандартнинг идентификация рақами титул варақда айнан ўхшаш халқаро стандартнинг рақами кўрсатилган ҳолда сақлаб қолинади.

Масалан: O'z DSt 9227:2015 (ISO 9227:2012, MOD)

14. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти қуйидаги шартларда халқаро стандартга нисбатан ноэквивалент ҳисобланади:

идентификацияланмаган ва уларни киритиш сабаблари тушунтирилмаган техник оғишларни ўз ичига олган;

идентификацияланмаган ва тушунтирилмаган, тузилмасида халқаро стандарт билан оддий таққослашни таъминламайдиган ўзгаришларга эга;

халқаро стандарт талабларининг катта бўлмаган (микдори ва/ёки аҳамияти жиҳатидан) қисмини ўз ичига олган.

15. Халқаро стандартга нисбатан ноэквивалент Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартини қабул қилишда, халқаро стандартнинг идентификация рақами тартиб рақамига қўйилмайди. Ноэквивалент халқаро стандартнинг рақами титул вараққа ёзиб қўйилади.

Масалан: O'z DSt 3722:2014 (ISO 3290-1:2008, NEQ).

3-боб. Минтақавий ёки давлатлараро стандартларни қабул қилиш

16. Республикада минтақавий стандартларни қабул қилиш стандартнинг идентификация рақамини давлат тилида ва стандартнинг асли ёзилган тиллардан бирида сақланган ҳолда бевосита қабул қилиш орқали амалга оширилади.

17. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзо — мамлакатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаши

доирасида қабул қилинадиган стандартлар Давлатлараро кенгашнинг стандартлаштириш бўйича ишларни олиб бориш қоидаларига мувофиқ қабул қилинади.

18. Агар қабул қилинадиган ҳудудий ёки давлатлараро стандартларда республикада қабул қилинмаган бошқа халқаро, минтақавий ёки давлатлараро стандартларга ҳаволалар бўлса, уларни бир вақтда қабул қилиш бўйича ишлар олиб борилиши керак.

19. Халқаро, минтақавий ёки давлатлараро стандартларни бир вақтнинг ўзида қабул қилиш бўйича иш олиб боришда, биринчи навбатда қабул қилинаётган минтақавий ёки давлатлараро стандарт билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва уларнинг талаблари бажарилишини таъминлайдиган ҳавола қилинган стандартларни қабул қилиш муҳимлигини ҳисобга олиш керак.

4-боб. Хорижий мамлакатларнинг стандартларини қабул қилиш

20. Республикада хорижий мамлакатларнинг стандартларини қабул қилиш стандартнинг идентификация рақамини давлат тилида ҳамда стандартнинг асли ёзилган тиллардан бирида тўғридан-тўғри қўллаш йўли билан амалга оширилади.

21. Хорижий мамлакатларнинг стандартлаштириш бўйича ваколатли органларидан олинган ушбу мамлакатларнинг стандартларини қўллаш тўғрисидаги розилик республикада хорижий мамлакатларнинг стандартларини қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

22. Қабул қилинаётган хорижий мамлакатлар стандартида республикада қабул қилинмаган бошқа Стандартларга ҳаволалар мавжуд бўлса, уларнинг бир вақтда қабул қилиниши бўйича ишлар олиб борилиши керак.

23. Ҳавола қилинган Стандартларни бир вақтнинг ўзида қабул қилиш бўйича иш олиб боришда, биринчи навбатда қабул қилинаётган хорижий мамлакатнинг стандарти билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва уларнинг талаблари бажарилишини таъминлайдиган ҳавола қилинган Стандартларни қабул қилиш муҳимлигини ҳисобга олиш керак.

5-боб. Стандартларни келишиш ва қўллаш тартиби

24. Стандартларни қабул қилиш бўйича «Ўзстандарт» Агентлигига ариза тушганидан сўнг, «Ўзстандарт» Агентлиги беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда хорижий мамлакатларнинг стандартларини қўллаш тўғрисида розилигини олиш учун ушбу мамлакатларнинг ваколатли органларига сўров юборади.

25. Қабул қилинаётган Стандартларни манфаатдор томонлар билан келишиш стандартлаштириш бўйича техник қўмиталари, улар бўлмаган тақдирда — Институт томонидан амалга оширилади.

26. Қабул қилинаётган Стандарт манфаатдор томонлар томонидан ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади ва ушбу стандартни республикада қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги (мақсадга мувофиқ эмаслиги) бўйича таклифлар киритилади.

27. Манфаатдор томонлар томонидан ўн беш кун мобайнида таклифлар киритилмаса, ушбу Стандарт келишилган ҳисобланади.

28. Келишиш натижаларига кўра стандартлаштириш бўйича техник қўмиталари (улар бўлмаган тақдирда — Институт) беш кун муддатда «Ўзстандарт» Агентлигига ушбу Стандартни республикада қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосани тақдим этади.

29. Стандартларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда қарор қабул қилинади.

Стандартларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолларда «Ўзстандарт» Агентлиги манфаатдор томонларга асосланган рад жавобини юборади.

30. Стандартлар уларни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч ойдан кечикмай кучга киради.

Амалдаги давлат стандарти ўрнига Стандарт қабул қилинган тақдирда ўн икки ойдан кўп бўлмаган ўтиш даври назарда тутилади.

31. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қабул қилинган Стандартлар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг Давлат фонди таркибига киритилади.

32. «Ўзстандарт» Агентлиги, қабул қилинган стандартлар реестрини юритади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қабул қилинган Стандартлар тўғрисидаги маълумот «Ўзстандарт» Агентлиги ва Институтнинг расмий сайтларида қўллаш ҳақидаги қарор қабул қилингандан сўнг 5 кундан кеч бўлмаган муддатда эълон қилинади.

33. Халқаро, давлатлараро, минтақавий стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари уларни қўллаш доирасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа манфаатдор томонлар томонидан қўлланилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

34. Стандартлар ва уларга киритилган ўзгаришларни нашр қилиш ва қайта нашр қилиш уларни тасдиқлаган халқаро, давлатлараро, минтақавий ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий органлари томонидан амалга оширилади.

35. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қабул қилинган стандартларни ва уларга ўзгаришларни қабул қилиш уларни тасдиқлаган тегишли халқаро, давлатлараро, минтақавий ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий органлари билан тузилган битимларга ва шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг (кейинги ўринларда ТҚ деб аталади) фаолиятини ташкил этиш, тугатиш тартиби, асосий функцияларини, ТҚ доирасида ишларни амалга ошириш ва қарорлар қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

стандартлаштириш бўйича техник қўмита — фаолиятнинг бириктирилган соҳаси бўйича миллий, минтақавий, давлатлараро ва халқаро стандартлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича манфаатдор томонларнинг ҳамкорлик қилиш шакли;

масъул котиб — ТҚ ишларини юритувчи шахс;

манфаатдор томон — стандартларни қабул қилиш ва қўллашдан манфаатдор бўлган тегишли маҳсулот (хизмат) турларини ишлаб чиқарувчи ёки истеъмол қилувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар;

стандартлаштириш соҳаси — стандартлаштиришнинг ўзаро боғлиқ объектлари мажмуи;

стандартлаштириш тизими — стандартлаштириш бўйича ишларни амалга оширишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солувчи тизим;

3. ТҚ ўз ишида:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига;

Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ҳужжатларига;

Ўзбекистон Республикаси қўшилган стандартлаштириш соҳасидаги халқаро шартномалар ва битимларга;

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) томонидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ

шаклда тасдиқланадиган стандартлаштириш бўйича техник қўмита тўғрисидаги намунавий низомга амал қилади.

4. ТҚ фаолиятига умумий раҳбарликни Агентлик, унинг фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, ахборот-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва кузатиб бориш — Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти томонидан амалга оширилади (кейинги ўринларда Институт деб аталади).

2-боб. Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг тузилмаси

5. ТҚ тузилмасига қуйидагилар киради: раис, раис ўринбосари (зарур бўлганда), масъул котиб, ТҚга аъзо-ташкilotлар.

6. ТҚга раис бошчилик қилади.

Раис, раис ўринбосари ташкilotлар раҳбарлари, раҳбар ўринбосарлари, бош конструкторлар, бош технологлар ва ТҚ аъзолари бўлган бўлимлар раҳбарларидан сайланади.

7. ТҚ котибияти ишига ТҚ масъул котиби раҳбарлик қилади.

Масъул котиб ТҚ котибиятини бошқарувчи ташкilot ходимларидан танланади.

8. ТҚ фаолиятига тегишли тартибга солиш соҳасига тааллуқли бўлган давлат ва хўжалик бошқарув органи вакили бўлмаган ТҚ котибияти Институт томонидан юритилади.

9. ТҚ тузилмасида ТҚ фаолиятининг айрим соҳалари бўйича ишларнинг муайян қисмини бажариш учун ТҚ фаолияти соҳалари тегишлича чегараланган ҳолда қуйи қўмиталар тузилиши мумкин.

Стандартлаштириш бўйича қуйи қўмитани тузиш учун камида учта ТҚга аъзо ташкilot унинг ишида иштирок этишга тайёрлигини билдириши керак.

10. Қуйи қўмиталарни тузиш, уларнинг раислари ва масъул котибларини тайинлаш ушбу Низомнинг 53-бандига мувофиқ ТҚга аъзо ташкilotларнинг овоз бериши орқали амалга оширилади.

11. ТҚ доирасида аниқ лойиҳа бўйича ишларни ташкил этиш учун қуйи қўмита ушбу Низомнинг 32-бандига мувофиқ ТҚга аъзо ташкilotлар ва манфаатдор томонлардан ташкил топган ишчи гуруҳларни ташкил этиши мумкин.

Ишчи гуруҳларни тузиш, уларнинг раҳбарларини тайинлаш ушбу Низомнинг 53-бандига мувофиқ ТҚга аъзо ташкilotларнинг овоз бериши орқали амалга оширилади

Ишчи гуруҳнинг фаолияти лойиҳа тугагандан сўнг тўхтатилади.

12. ТҚ тузилмаси ва таркибининг ўзгариши тўғрисидаги ахборот қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида Институтга юборилади.

3-боб. ТҚ фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш

13. Ҳар қандай манфаатдор томон ТҚни ташкил этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга.

14. ТҚ фаолиятини таъминлаш ТҚ котибияти томонидан амалга оширилади.

ТҚ котибияти фаолиятнинг Институт, муайян соҳаларига ва маҳсулот турларига, уни ишлаб чиқариш, эксплуатация қилиш (фойдаланиш), сақлаш, ташиш (транспортда ташиш), реализация ва утилизация қилиш жараёнларига ихтисослашган ёки ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга ҳамда ушбу соҳада энг юқори илмий-техник салоҳиятга эга бўлган етакчи илмий-тадқиқот институтлари ёки бошқа манфаатдор томонлар томонидан юритилади.

15. ТҚ котибиятини юритишни режалаштираётган ташкilot қуйидагиларга эга бўлиши лозим:

ТҚ фаолиятининг тегишли соҳасида ўқиган ва иш тажрибасига эга бўлган стандартлаштириш соҳасидаги мутахассислар;

зарур моддий-техник база ва алоқа воситалари;

ҳужжатларни чет тилидан давлат тилига таржима қилишни ташкил этиш имконияти.

16. ТҚни шакллантириш учун ташаббус кўрсатувчи стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг ишида иштирок этиш учун ТҚ ва унинг тахмин қилинган фаолият соҳасини тузиш зарурати асосларини келтирган ҳолда ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича стандартлаштириш бўйича техник қўмитасининг намунавий иш дастури лойиҳасига ва ТҚ тўғрисидаги низом лойиҳасига биноан стандартларнинг давлатлараро таснифлагичига мувофиқ кодлар билан стандартлаштириш объектларини ўз ичига олган таклиф-хатни Институтга, шунингдек, барча манфаатдор шахсларга юборади.

17. Манфаатдор томонларнинг кўпчилигига ТҚни тузишни бошлаш ҳақида маълумот бериш учун Институт, Агентлик ва Институтнинг расмий сайтида тегишли хабарномани жойлаштиради.

18. ТҚ таркиби манфаатдор шахсларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларнинг вакиллари билан шакллантирилади:

ТҚ фаолияти соҳасига тегишли соҳага тааллуқли бўлган тартибга солиш доирасига доир давлат ва хўжалик бошқарув органлари;

ТҚ фаолияти соҳасига тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар (истеъмолчилар) бўлган ташкилотлар;

ТҚ фаолияти соҳасига тегишли маҳсулотлар истеъмолчилари (буюртмачилари) бўлган ташкилотлар;

истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари;

илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари;

Институт;

мувофиқликни баҳолаш органлари ва бошқалар.

19. ТҚ қотибиятини юритишни режалаштирадиган ташкилот ТҚ фаолиятида иштирок этиш истагини билдирган манфаатдор шахслар вакиллари билан ташкилий йиғилишини ўтказди, унда стандартларнинг давлатлараро таснифлагичи кодлари билан стандартлаштириш объектлари, ТҚ тўғрисидаги низом лойиҳаси, ТҚнинг иш дастури кўрсатилган ҳолда ТҚ фаолияти соҳаси маъқулланиши керак ҳамда раис, раис ўринбосар(лар)и ва масъул қотиб лавозимларига номзодлар кўрсатилади.

Ўтказилган ташкилий йиғилиш натижаларига кўра барча иштирокчилар томонидан имзоланган баённома тузилади.

ТҚни тузиш тўғрисидаги таклиф камида бешта манфаатдор шахс томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

ТҚ тўғрисидаги низом лойиҳаси ТҚ раиси лавозимига таклиф этиладиган вакил ташкилотнинг бошлиғи (раҳбар ўринбосари) ва ТҚ қотибиятини юритишни режалаштирган ташкилот раҳбари (раҳбар ўринбосари) билан келишилиши керак.

20. ТҚ қотибиятини юритишни режалаштирган ташкилот ТҚ тўғрисидаги низом лойиҳаси (қоғоз ва электрон ташувчи) билан ТҚни тузиш бўйича қарор қабул қилиш ҳақида маъқулланган материалларни, ТҚнинг иш дастурини, ТҚ таркибини (ТҚга аъзо ташкилотлар рўйхати) Институтга юборади.

21. Институт Агентликнинг ТҚни ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи лойиҳасини бир ҳафталик муддатда тайёрлайди ва белгиланган тартибда тасдиқлашга тақдим этади, унда ТҚнинг номи мавжуд бўлади, қотибиятни юритиш вазифаси юкланган ташкилот, ТҚ фаолияти соҳаси, ТҚ низоми, унинг таркиби белгиланади.

22. Агентлик бир ҳафта муддатда буйруқни қабул қилади ва унинг нусхасини Институт ва ТҚ қотибиятига юборади.

23. Идентификация ва ҳисоблаш мақсадлари учун тузилган ТҚга «STQ» (Standartlashtirish texnik qo'mitasi) ҳарфларидан, идентификация (тартиб) рақами ва ТҚ номидан ташкил топган белгилар берилади.

Идентификация (тартиб) рақамлари Агентлик томонидан тузилган ва ТҚ ягона реестрига киритилган тартибда берилади ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

ТҚни рўйхатга олиш тартиб рақами;

ТҚ номи;

қошида ТҚ тузилган манфаатдор томон номи;

ТҚ фаолияти соҳаси;

ТҚ фаолияти тугатилганда унинг рақами бошқа ТҚга берилмайди.

24. Ҳар бир қуйи қўмита ўз идентификация (тартиб) рақами ва номига эга бўлади. Қуйи қўмитанинг белгиланиши «STQQ» ҳарфлари, қуйи қўмита рақами ва унинг номини ўз ичига олади.

Қуйи қўмиталар тузилган тартибда рақамланади. Қуйи қўмитанинг фаолияти тугатилганда унинг рақами бошқа қуйи қўмитага берилмайди.

25. ТҚ тўғрисидаги тасдиқланган низом, ТҚ таркиби ва ТҚ иш дастури Институтнинг сайтига жойлаштирилади.

26. ТҚ фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

ташқил этилиш мақсадидаги ишларни бажарилиши якунига етганда;

ТҚ фаолияти соҳасида ўн икки ой давомида ишнинг мавжуд эмаслиги;

ушбу Низомнинг 53-бандига мувофиқ овоз бериш;

ТҚга аъзо — ташкилотларнинг сони бештадан камайганда;

ТҚ фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг салбий натижалари.

ТҚ фаолиятининг тўхтатилиши ТҚ йиғилиши баённомасини тақдим этиш ёки Институт таклифига биноан Агентликнинг қарори билан расмийлаштирилади

27. ТҚ ягона реестри Агентлик ва Институтнинг расмий сайтларида жойлаштирилади.

4-боб. Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг таркиби

28. ТҚда аъзоликнинг бир тоифаси — тенг ҳуқуқли аъзолик белгиланади.

29. Агар манфаатдор томон ТҚга бириктирилган бир ёки бир нечта стандартларни ишлаб чиқиш, молиялаштиришдан ёки ТҚ фаолият соҳасидаги ишлардан манфаатдор бўлса, ТҚ таркибига кириш ҳуқуқига эга.

Манфаатдор томон ТҚ котибиятига (агар ТҚ ташқил этиш жараёнида бўлса — ТҚ котибиятини юритишни режалаштираётган ташкилотга) ТҚ ишида иштирок этиш учун ташкилотнинг доимий ваколатли вакилининг боғланиш маълумотлари (Ф.И.Ш., лавозими, телефон рақами, электрон почта манзили) кўрсатилган хатни юборади. Зарур бўлганда ТҚ ишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган бошқа вакиллар иштирок этиши мумкин.

ТҚга аъзо ташкилот ўн кун мобайнида ТҚнинг масъул котибига доимий ваколатли вакилининг боғланиш маълумотларининг ўзгарганлиги ҳақида хабар бериши керак.

30. Доимий ваколатли вакиллар ТҚ котибияти билан алоқада бўлиб, ташкилотнинг раҳбариятига керакли маълумотлар бериб, ТҚга аъзо ташкилот номидан овоз беради.

31. Мавжуд ТҚга таркибига кириш тўғрисидаги манфаатдор томонларнинг сўровлари олинганда унинг масъул котиби ТҚнинг барча аъзо ташкилотларга танишиш учун ахборот юборади.

ТҚ масъул котиби Институтга ТҚ таркибига ўзгартириш киритилганлиги ҳақида ахборот юборади.

32. ТҚ ўтказадиган ишларда манфаатдор шахслар, алоҳида мутахассислар, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг вакиллари овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиши мумкин.

33. Агар ТҚга аъзо ташкилот мунтазам равишда ТҚ фаолиятида иштирок этмаса (кетма-кет уч маротабадан кўп), асосли сабабларсиз ишлаб чиқиладиган стандартлар юзасидан овоз бермаса ёки ТҚ низомида белгиланган бошқа тартиб-таомилларга риоя қилмаса, котибият унга огоҳлантириш юбориш ҳуқуқига эга. Агар огоҳлантиришдан сўнг бир йил давомида ТҚга аъзо ташкилот ўзининг мажбуриятларини тегишли бўлмаган кўринишда бажаришда давом этса, у ушбу Низомнинг 53-бандига мувофиқ овоз бериш йўли билан ТҚ таркибидан чиқариб ташланиши мумкин.

ТҚнинг масъул котиби қабул қилинган қарор ҳақидаги ахборотни Институтга юборади.

34. ТҚ таркибидан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилишда ТҚга аъзо — ташкилот чиқиш санасидан камида икки ой олдин ТҚ котибиятини огоҳлантириши керак.

ТҚнинг масъул котиби ушбу ахборотни Институтга юборади.

35. ТҚ таркибидаги ўзгаришлар (қўшилиш, чиқариб ташлаш, чиқиш) Агентликнинг буйруғи билан расмийлаштирилади, нусхаси ТҚга ва Институт котибиятига юборилади.

5-боб. Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг вазифалари ва функциялари

36. Қуйидагилар ТҚнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

стандартлаштириш тизимларининг фаолиятини ва ривожланишини таъминлашда қатнашиш, халқаро стандартларни қўллаш асосида уни халқаро, давлатлараро тизимлар билан уйғунлаштириш;

стандартларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, қайта кўриб чиқишда илғор хорижий тажрибани жорий қилиш йўли билан, шу жумладан, уларда анъанавий технологияларнинг олдинда боровчи имкониятларини, истиқболга дастлабки талабларни белгилашни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатдошлиги оширилишини таъминлашда иштирок этиш.

37. Қуйидагилар ТҚнинг асосий функциялари ҳисобланади:

стандартларни ишлаб чиқишда манфаатдор томонларнинг таклифларини кўриб чиқиш;

стандартларни ишлаб чиқиш, ўзгартиришлар киритиш, қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ТҚнинг иш дастурига мувофиқ стандартларни ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш, ва тасдиқлашга тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ва ушбу ТҚга бириктирилган стандартларни таҳлил қилиш (кейинги ўринларда стандартларни текшириш деб аталади);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни жорий этиш ва амалдаги давлат стандартларини бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

халқаро, минтақавий ва бошқа давлатларнинг миллий стандартларини қўллашда кўмаклашиш;

ТҚ фаолияти соҳасида стандартлаштириш ҳолати бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш;

стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ТҚ ишида иштирок этиш.

ТҚга аъзо ташкилотларнинг доимий ваколатли вакиллари, ТҚ, қуйи қўмита, ишчи гуруҳ йиғилишларида, шунингдек, бевосита ўз ташкилоти томонидан юкланган функцияларни масофадан туриб бажаради.

38. Қуйидагилар ТҚ раисининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ТҚнинг, жумладан, унинг қуйи қўмиталари ва ишчи гуруҳлари ишини ташкил қилиш ва раҳбарлик қилиш;

стандартлаштириш мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ ТҚ фаолиятининг техник сиёсатини белгилаш;

ТҚ фаолияти соҳаси билан боғлиқ масалалар бўйича барча давлат ва жамоат ташкилотларида ТҚ номидан вакиллик қилиш;

ТҚнинг иш дастурини тасдиқлаш;

ТҚ йиғилишини ўтказиш.

ТҚ раисининг ўринбосари раис томонидан берилган вазифаларни, шунингдек, раис йўқлигида унинг вазифаларини бажаради.

39. Қуйидагилар ТҚ масъул котибининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ТҚ йиғилишларини ўтказишга тайёрлаш ва ўтказилишини таъминлаш;
ТҚ таркибига кирадиган куйи кўмиталар ва ишчи гуруҳларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ТҚ иш дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш ва ушбу дастурларнинг бажарилишини назорат қилиш;

стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

манфаатдор томонлар тарафидан стандартлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш, уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этишга тайёрлаш;

манфаатдор томонлар билан муҳокама қилиш учун стандартлар лойиҳаларини интернет тармоғига жойлаштириш;

ТҚга аъзо ташкилотлар томонидан ТҚга тушган материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилишини таъминлаш;

ТҚга бириктирилган стандартлар рўйхатини янгилаш;

ТҚ қарорларини расмийлаштириш;

иш юритиш, ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш, шу жумладан, ташкилотлар билан ёзишмалар олиб бориш;

ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича Стандартлаштириш бўйича техник кўмитанинг намунавий йиллик ҳисоботини тайёрлаш;

йиллик ҳисоботни тасдиқлаш учун ТҚ раисига тақдим этиш ва 1-февралдан кечиктирмай Институтга ва ТҚ га аъзо ташкилотларга юбориш.

6-боб. Стандартлаштириш бўйича ишларни режалаштиришда иштирок этиш

40. ТҚ Стандартлаштириш давлат режасини, стандартлаштириш тармок дастурларини шакллантиришда иштирок этади.

41. ТҚ котибияти ТҚ га аъзо ташкилотларнинг таклифларини, ТҚ (куйи кўмита) қарорларини ва Агентлик томонидан белгиланган устувор вазифаларни ҳисобга олган ҳолда стандартлаштириш бўйича техник кўмитанинг иш дастурини ишлаб чиқади. Стандартни ишлаб чиқиш тўғрисида таклиф тушса, котибият уни ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлигини йиғилишда ёки масофадан туриб ТҚ аъзолари ўртасида муҳокама қилиши керак.

42. ТҚга аъзо ташкилотларнинг таклифлари асосида ТҚ ҳар йили стандартлаштириш давлат режасига таклиф-буюртманомалар тайёрлайди.

43. Агар тасдиқланган стандартлаштириш давлат режасига ўзгартиришлар киритиш зарур бўлса, аъзо-ташкилотлар ТҚ доирасида кўриб чиқиш учун қўшимча таклиф-буюртманомалар беради.

7-боб. Стандартларни ишлаб чиқиш ва текшириш

44. ТҚ стандартлаштириш тизими талабларига мувофиқ ҳолда стандартларни ишлаб чиқади.

45. ТҚ стандартларнинг Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, техник регламентларга, халқаро (минтақавий) стандартларга мувофиқлигини таҳлил қилиш мақсадида уларни текширади, бунинг натижасида уларни қайта кўриб чиқилмасдан ва ўзгартирмасдан амалда сақлаш ёки қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш зарурати тўғрисида хулосага келади.

46. Стандартларни текширишда ТҚ стандартлаштириш тизими талабларига амал қилади.

47. Агар стандартларни текшириш жараёнида стандартни бекор қилиш мақсадга мувофиқлиги аниқланса, у ҳолда ТҚ котибияти стандартлаштириш тизими талабларига мувофиқ ушбу стандартни бекор қилиш бўйича ишларни ташкил этади.

8-боб. Стандартлаштириш бўйича халқаро (минтақавий) ташкилотларнинг стандартлаштириш бўйича техник қўмиталари (қуйи қўмиталар, гуруҳлар) ишида иштирок этиш

48. ТҚ стандартлаштириш бўйича халқаро (минтақавий) ташкилотларнинг стандартлари лойиҳаларини кўриб чиқиш ва ушбу лойиҳалар бўйича овоз беришда, Ўзбекистон Республикаси таклифларини тайёрлашда иштирок этади.

49. ТҚ айти шундай фаолият соҳаси бўлган халқаро (минтақавий) стандартлаштириш ташкилотларининг ТҚ (қуйи қўмиталар, гуруҳлар) ишида қатнашади.

50. Агентлик стандартлаштириш бўйича халқаро (минтақавий) ташкилотларнинг ТҚ ишида иштирок этиш учун ТҚга киришни таъминлайди. ТҚ стандартлаштириш бўйича тегишли халқаро (минтақавий) ташкилотларнинг ишлаш қоидаларига мувофиқ ҳолда фаолият юритади.

51. ТҚ котибиятини бошқаришда, халқаро (минтақавий) ташкилотларнинг ёки уларнинг ТҚ ишида иштирок этишда ТҚ халқаро (минтақавий) ТҚ низомига амал қилади.

9-боб. Стандартлаштириш бўйича техник қўмита ишида қарор қабул қилиш

52. ТҚга аъзо ташкилотлар доимий ваколатли вакиллариининг бевосита ТҚ йиғилишида ёки масофадан туриб овоз бериш йўли билан қарор қабул қиладилар.

53. Тартиботлар масалалари (ТҚ иш дастурига қўшимча киритиш, таркибга янги аъзо ташкилотларни қабул қилиш, ТҚ фаолиятини тугатиш, раисни, раис ўринбосар(лар)ини, масъул котибни сайлаш, ишчи гуруҳ, қуйи қўмиталарни тузиш ва тугатиш) бўйича қарор ТҚга аъзо — ташкилотларнинг доимий ваколатли вакиллариининг кўпчилиги унинг учун овоз берганда қабул қилинган деб ҳисобланади.

54. Стандарт лойиҳалари бўйича қарор овоз беришда иштирок этувчи ТҚга аъзо ташкилотларнинг доимий ваколатли вакиллариининг тўртдан уч қисми унинг учун овоз берганда қабул қилинади. Бунда овоз бериш натижалари ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда овоз бериш бюллетени билан расмийлаштирилади. Овоз бериш бюллетени асосида ҳисобот тузилади, унда овоз бериш натижалари, овоз беришда келишмовчиликни бартараф этиш бўйича ТҚ ҳаракати ва мавжуд эътирозлар келтирилади. Ҳисобот ҳар бир ТҚга аъзо ташкилотларга овоз бериш якунлангач бир ой муддат мобайнида юборилади.

55. ТҚ фаолияти самарадорлигини баҳолаш стандартлаштириш тизимининг асос бўлувчи норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда Институт томонидан амалга оширилади.

10-боб. Техник қўмиталар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари

56. Қуйидагилар техник қўмиталар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

ТҚга бириктирилган стандартлар фондининг сифати;

халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлаштириш бўйича ишларда ТҚ фаолиятининг самарадорлиги;

ТҚ фаолиятининг уюшқоқлиги ва очиқлиги.

57. ТҚга бириктирилган стандартлар фондининг сифати қуйидагилардан келиб чиқиб баҳоланади:

ТҚга бириктирилган ва ишлаб чиқилган давлат стандартлари сони;

халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган стандартлар сони.

58. Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлаштириш бўйича ишларда ТҚ фаолиятининг самарадорлиги қуйидагилардан келиб чиқиб баҳоланади:

халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлаштириш котибиятини юритиш;

ТҚга бириктирилган ва ишлаб чиқилган халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларнинг умумий сони.

59. ТҚ фаолиятининг уюшқоқлиги ва очиқлиги қуйидагилардан келиб чиқиб баҳоланади:

ТҚ иш дастурининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши кўрсаткичлари;
ТҚ фаолияти ҳақидаги ахборотнинг мавжудлиги ва сермазмунлиги;
ТҚ фаолияти ҳақида тақдим этилган йиллик ҳисоботнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши кўрсаткичлари.

60. ТҚ фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш рўйхатга олинган техник қўмиталар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари қийматларининг нисбий йиғиндисидан келиб чиқиб аниқланади.

61. ТҚ фаолияти самарадорлигини баҳолашни ТҚнинг яқунланган йилги фаолияти бўйича Институт амалга оширади. Бунда ташкил этилганига ушбу баҳолаш ўтказилишига қадар бир йилдан кам бўлган ТҚ фаолияти баҳоланмайди.

62. ТҚнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича қуйидаги рағбатлантириш чоралари кўрилади:

стандартлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондидан бепул йиллик фойдаланиш;

халқаро грант маблағлари ҳисобига хорижий тажриба орттириш, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этишда устунлик.

63. ТҚ фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича ваколатли шахсларга қуйидаги жавобгарлик чоралари кўрилади:

ТҚга аъзо — ташкилотларнинг таркибидан ваколатли шахс(лар)ни чиқариш;

стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларда ТҚ иштирок этишини тўхтатиш.

11-боб. Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ишини молиялаштириш

64. ТҚ томонидан бажариладиган ишлар ва хизматлар қиймати ТҚ иши дастурига мувофиқ ТҚга аъзо — ташкилотлар билан келишилади ва аниқланади.

65. ТҚнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ишларини молиялаштиришни Институт амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида амалга оширади.

66. ТҚ иш дастурини келишиш босқичида қайд этилган стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича буюртмачининг маблағлари Институтнинг стандартларни ишлаб чиқиш бўйича молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

67. ТҚнинг иш дастури доирасида ишлаб чиқилган стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни сотиш ушбу ТҚга аъзо — ташкилотларга бепул амалга оширилади.

68. ТҚ ишида доимий ваколатли вакилларнинг иштирок этиш харажатларини ТҚга аъзо ташкилотлар қоплайди.

12-боб. Яқунловчи қоида

69. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга

1-ИЛОВА

Келишилди

(лавозими, ташкилот номи)

(имзо) (имзонинг ёйилмаси)

20__ йил «__» _____

Тасдиқлайман

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология
ва сертификатлаштириш агентлиги

(имзо) (имзонинг ёйилмаси)

20__ йил «__» _____

Стандартлаштириш бўйича техник қўмита тўғрисида НИЗОМ

STQ _____ « _____ »
(Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг белгиланиши ва номланиши)

1. Қўлланиш соҳаси

Ушбу Низом стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг фаолияти соҳасини, тузилмаси, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг ишларни бажариш қоидаларини белгилайди ва

_____ соҳасида стандартлаштириш бўйича фаолиятда иштирок этувчи ташкилотларга қўлланилади.

2. Норматив ҳаволалар

ушбу Низомда қуйидаги норматив ва техник ҳаволалар қўлланилган: _____.

3. Умумий қоидалар

3.1. Стандартлаштириш бўйича техник қўмита «Ўзстандарт» агентлигининг буйруғи билан ташкил этилган. Стандартлаштириш бўйича техник қўмита котибиятини

_____ юритади.
(ташкилот номи)

3.2. Стандартлаштириш бўйича техник қўмитани ташкил этишнинг мақсади _____.

3.3. Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг вазифалари _____.

3.4. Стандартлаштириш бўйича техник қўмита ўз фаолиятида _____ амал қилади.

4. Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг фаолияти соҳаси _____.

5. Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг тузилмаси _____.

6. Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг раиси, раис ўринбосари, масъул котиб ва аъзо — ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва функциялари _____.

7. Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг иш тартиби _____.

8. Стандартлаштириш бўйича техник қўмита ишини молиялаштириш _____.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги
низомга
2-ИЛОВА

Тасдиқлайман
Стандартлаштириш бўйича техник қўмита раиси

_____ (имзо) _____ (имзонинг ёйилмаси)

20__ йил «__» _____

Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг иш ДАСТУРИ

STQ _____ «_____»
(стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг белгиланиши ва номи)

Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг иш дастури мақсадлари:

Унинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш учун асосий кўрсаткичлар:

1. Стандартлаштириш бўйича ишлар:

Т/р	Белгиланиш и	Лойиҳанин г номи	Ижро этувч и	Ишларни бажаришнинг режалаштирилган муддатлари	
				дан	гача
Стандартларни ишлаб чиқиш					
Стандартларни кўриб чиқиш					
Стандартларни текшириш, таҳлил қилиш					

2. Бошқа ишлар: _____

Масъул котиб

_____ (имзо)

_____ (имзонинг ёйилмаси)

Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги
 низомга
 3-ИЛОВА
 Тасдиқлайман
 Стандартлаштириш бўйича техник қўмита
 раиси

(имзо)

(имзонинг ёйилмаси)

20__ йил «__» _____

______ йил учун стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг иши тўғрисида
 йиллик ҳисобот

STQ _____ «_____»
 (стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг белгиланиши ва номи)

1. Умумий
 маълумотлар:

Котибиятни юритувчи ташкилот	
Раис	
Раис ўринбосар(лар)и	
Масъул котиб	
Ҳисобот йилида стандартлаштириш бўйича техник қўмита таркибидаги ўзгаришлар	

2. Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг тузилмаси:

Кичик қўмиталар	
Ишчи гуруҳлар	
Ҳисобот йилида тузилмадаги ўзгаришлар	

3. Ҳисобот йилида стандартлаштириш бўйича ишларни бажариш натижалари:

Белгиланиши	Номланиши
	Стандартлар ишлаб чиқилди
	Стандартлар кўриб чиқилди
	Стандартлар текширилди (таҳлил қилинди)

4. Халқаро ва минтақавий стандартлаштириш бўйича ишлар натижалари: _____

5. Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг йиғилишлари: _____

6. Бошқа ишлар: _____

Масъул котиб

(имзо)

(имзонинг ёйилмаси)

Стандартиштириш бўйича техник қўмиталарнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги
низомга
4-ИЛОВА

Овоз бериш бюллетени

Овоз бериш бюллетени	
Овоз бериш санаси	STQ (STQQ)
Аъзо — ташкилотнинг номи	

1. Стандартнинг белгиланиши ва номи

2. Лойиҳани таклиф этилган таҳрирда маъқуллаш

☐

3. Қуйидаги фикр-мулоҳазалар билан
(таклифлар)га қарши

Фикр-мулоҳазалар: _____

☐

4. Қуйидаги асосларга кўра бетараф
қолиш

Асослаш: _____

☐

Доимий ваколатли вакил

(имзо)

(имзонинг ёйилмаси)

20__ йил «__» _____

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 09/19/220/2770-сон)